

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТҮПЛАМИ

21-сон
(1197)
2025 йил
май

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик түплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

252. «Ўзбекистон Республикаси билан Озарбайжон Республикаси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги Шартномани (Тошкент, 2024 йил 23 август) ратификация қилиш хақида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 19 майдаги ЎРҚ-1064-сон Қонуни
253. «Одам савдоси жинояти учун жазо чоралари кучайтираётганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддасига ўзгартириш киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 19 майдаги ЎРҚ-1065-сон Қонуни
254. «Аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 19 майдаги ЎРҚ-1066-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

255. «Республикада соғлиқни сақлаш тизимини ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тамойилларини такомиллаштириш орқали соҳани ислоҳ қилишни изчил давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 майдаги ПФ-88-сон Фармони
256. «Соғлиқни сақлаш тизимидағи ислоҳотларни амалга оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 майдаги ПҚ-185-сон қарори
257. «2025 — 2030 йилларда болалар саратонига қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий стратегиясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 майдаги ПҚ-186-сон қарори
258. «Хуқуқий эксперимент тариқасида давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлик маъмурий ҳужжатлар бўйича низоларни судгача кўриб чиқишининг янги тартибини жорий этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 майдаги ПҚ-188-сон қарори
259. «Мажбурий рақамли маркировкалаш тизими самарадорлигини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 23 майдаги ПҚ-190-сон қарори
260. «Мамлакатимизда қайта суғурта тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 23 майдаги ПҚ-191-сон қарори

Учинчи бўлим

261. «Бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштириш ва бюджетдан ташқари жамғармаларни шакллантириш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 21 майдаги 325-сон қарори
262. «Болалар саратони бўйича халқаро академик хаб фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 22 майдаги 326-сон қарори

Бешинчи бўлим

263. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2025 йил 14 майдаги 26-Б-сон “Давлат ижро органдарини ижро ўйрими ҳисобидан моддий рафбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруфи (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 19 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3624)

264. O'zbekiston Respublikasi Raqamli texnologiyalar vazirligining 2025-yil 13-maydagi 281-mh-son va O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligining 2025-yil 6-maydagi 2-q/q-son "O'zbekiston Respublikasida davriy bosma nashrlarni tarqatish qoidalarini tasdiqlash to'g'risida"gi qarorga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi qarori (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 23-mayda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 1826-2*)
265. O'zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2025-yil 19-maydagi 12-mh-son "Davlat organlari va tashkilotlari yuridik xizmat xodimlarini martaba darajalari bo'yicha attestatsiyadan o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 23-mayda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2919-3*)
266. O'zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2025-yil 19-maydagi 13-mh-son "Davlat organlari va tashkilotlari yuridik xizmat xodimlariga martaba darajalari berish tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 23-mayda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2920-6*)
267. O'zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2025-yil 19-maydagi 11-mh-son "Yuridik xizmat xodimini lavozimga tayinlash va ozod qilish masalalarini adliya organlari bilan kelishish hamda birinchi marta yuridik xizmat xodimi lavozimiga tayinlangan shaxslarning adliya organlarida stajirovkadan o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 23-mayda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3444-1*)
268. O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 28-apreldagi 253-son "Budget tasnifini qo'llash bo'yicha yo'riqnomaga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 23-mayda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2146-18*)
269. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Sanoat, radiatsiya va yadro xavfsizligi qo'mitasining 2025-yil 22-apreldag 3-son "Sanoat xavfsizligi sohasidagi ekspert tashkilotlarini akkreditatsiya qilish va ular faoliyati ustidan inspeksiya nazoratini o'tkazish qoidalariga o'zgartirishlar va qo'shimcha kiritish haqida"gi qarori (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 23-mayda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2022-5*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-хуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ҚОНУНИ

252 Ўзбекистон Республикаси билан Озарбайжон Республикаси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги Шартномани (Тошкент, 2024 йил 23 август) ратификация қилиш хақида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил 25 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2025 йил 30 апрелда маъқулланган

Ўзбекистон Республикаси билан Озарбайжон Республикаси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги Шартнома (Тошкент, 2024 йил 23 август) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 19 май,
ЎРҚ-1064-сон

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллӣй базаси»да 2025 йил 19 майда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ
ҚОНУНИ

253 Одам савдоси жинояти учун жазо чоралари кучайтирилаётганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддасига ўзгартириш киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил
17 сентябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2024 йил 21 декабрда
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда инсоннинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштиришга, одам савдоси билан боғлиқ бўлган жиноятга қарши курашибашга ҳамда мазкур жиноятдан жабрланганларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга одам савдоси билан боғлиқ бўлган жиноят учун жазо чораларини кучайтириш ва мазкур жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига мутаносиб санкцияларни белгилаш зарурияти юзага келмоқда.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддасига одам савдоси билан боғлиқ бўлган жиноятни содир этганлик учун жазо чоралари кучайтирилишини назарда тутувчи ўзгартириш киритилмоқда.

Ушбу Қонун одам савдоси билан боғлиқ бўлган жиноят содир этилиши холларининг олдини олишга, одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини янада оширишга хизмат қиласди.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–ХІІ-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4,

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 20 майда эълон қилинган.

128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 966, 968, 973-моддалар, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 466-моддалар, № 6, 575-модда, № 10, 981-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 187, 188-моддалар, № 4, 265-модда, № 5, 319-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921-модда; 2024 йил, № 1, 8-модда, № 2, 111-модда, № 3, 245-модда, № 8, 818-модда) **135-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмлари** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўша ҳаракатлар:

- а) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;
- б) ожиз ахволдалиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан;
- в) ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;
- г) айбдорга моддий жиҳатдан ёки бошқа жиҳатдан қарам бўлган шахсга нисбатан;
- д) бир гурух шахслар томонидан олдиндан тил биритириб;
- е) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда;
- ж) жабрланувчини Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан олиб ўтган ҳолда ёки уни чет элда қонунга хилоф равишда ушлаб турган ҳолда;
- з) қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда, худди шунингдек жабрланивчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни олиб қўйган, яширган ёхуд ўйқ қилиб юборган ҳолда;
- и) инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олиш мақсадида;
- к) фохишалик билан шугулланишга жалб этиш мақсадида содир этилган бўлса, —

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) ўғирлаш, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шаклларини қўллаш орқали содир этилган бўлса;
- б) ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса;
- в) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан ёхуд ушбу Кодекснинг

137-моддасида назарда тутилган жиноятни илгари содир этган шахс томонидан;

г) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;
 д) жабрланувчининг ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса;
 е) уюшган гурух томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланди».

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти ахоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиrsин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хуқуқий хужжатларини қайта кўриб чиқишилари ва бекор қилишиларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
 2025 йил 19 май,
 ЎРҚ-1065-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ҚОНУНИ**

**254 Аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизими янада та-
комиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Респу-
бликасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартири-
шлар киритиш тўғрисида***

Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил
18 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2025 йил 30 апрелда
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда фуқароларга пенсия тайинлаш ти-
зими босқичма-босқич ислоҳ қилинмоқда. Хусусан, фуқаролардан қўшим-
ча ҳужжатлар талаб этмаган ҳолда, биргина шахсни тасдиқловчи ҳужжатга
асосан пенсия тайинланиши учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирли-
гининг давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона
интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қилиш амалиёти
жорий этилди.

Шу билан бирга фуқароларга пенсия тайинлаш жараёнда инсон оми-
лини камайтириб, давлат хизматларини кўрсатиш сифатини янада ошириш
учун илғор рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш зарурияти юза-
га келмоқда.

Ушбу Қонун билан «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқини
берадиган ёшга тўлган фуқароларга уларнинг мурожаатини талаб этмаган
ҳолда (проактив шаклда) пенсия тайинланишини ҳамда фуқароларнинг шун-
дай тартибда тайинланган пенсияни рад этиш ҳуқуқини назарда тутувчи
қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Шунингдек аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига барча
турдаги нафақаларни тайинлаш ва тўлаш ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигига ўт-
казилганлиги муносабати билан «Давлат божи тўғрисида»ги ҳамда «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонулларига ўзгартириш
ва қўшимчалар киритилмоқда.

Мазкур Қонун кўрсатилаётган давлат хизматлари сифатини аҳоли учун
пенсия тайинлаш тизимига замонавий рақамли технологияларни фаол жорий
этган ҳолда янада оширишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул
қилинган «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги
938-XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ах-
боротномаси, 1993 йил, № 9, 338-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 20 майда эълон қилинган.

Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 112-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2002 йил, № 4-5, 74-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда; 2007 йил, № 12, 590, 608-моддалар; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334-модда, № 12, 472-модда; 2012 йил, № 1, 4-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 12, 341-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383, 384-моддалар; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 10, 676-модда, № 12, 783-модда; 2019 йил, № 5, 265-модда, № 8, 469-модда, № 9, 592-модда, № 11, 792-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 11, 652-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 973-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 5, 464-модда, № 10, 979, 982-моддалар; 2023 йил, № 2, 104-модда, № 11, 924-модда; 2024 йил, № 3, 246-модда, № 10, 1076-модда) қўйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) 3-модда қўйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу Қонуннинг 7 ва 8-моддаларида назарда тутилган ёшга доир пенсиялар фуқароларнинг мурожаати талаб этилмаган ҳолда (проактив шаклда) тайинланади»;

2) 19-модда:

биринчи қисмидаги «ушбу модданинг «в» бандида» деган сўзлар «ушбу модда учинчи қисмининг «б» ва «в» бандларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмининг:

«а» бандидаги «болалар» деган сўз «фарзандлар» деган сўз билан алмаштирилсин;

«в» бандидаги «болалари» деган сўз «фарзандлари» деган сўз билан алмаштирилсин;

3) 31-модданинг:

биринчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун, ишдаги мавжуд танаффуслардан қатъи назар, охирги ўн йиллик меҳнат фаолияти давомидаги кетма-кет беш йилдаги иш ҳақи олинади. Бунда фуқаронинг охирги ўн йиллик меҳнат фаолияти давомидаги кетма-кет беш йил учун иш ҳақининг энг юқори миқдори ахборот тизимидағи ёки фуқаро томонидан тақдим этилган маълумотларга асосан автоматик равишда аниқланади»;

бешинчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мавсумий ишларда банд бўлган ходимларга пенсиялар тайинлашда пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақи, ишдаги мавжуд танаффуслардан қатъи назар, меҳнат фаолиятининг охирги ўн йили давомидаги, ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган тартибда аниқланадиган, кетма-кет беш мавсумдаги қайта ҳисобланган иш ҳақининг умумий миқдорини олтмишга бўлиш ўюли билан аниқланади»;

4) 32-модда тўртинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Иктисолиёт

ва молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига (бундан бўён матнда Пенсия жамғармаси деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **36-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига» деган сўзлар «Пенсия жамғармасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;**

6) **37-модда:**

биринчи қисми:

«а» бандининг:

биринчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига» деган сўзлар «Пенсия жамғармасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига» деган сўзлар «Пенсия жамғармасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«г» бандининг биринчи ва иккинчи хатбошилари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«г) якка тартибдаги меҳнат ва оиласвий тадбиркорлик фаолияти, шу жумладан шахсий ёрдамчи хўжаликдаги ва юридик шахс ташкил этилмаган ҳолдаги деҳқон хўжалигидаги фаолият, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилган шахс сифатидаги меҳнат фаолияти:

2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун — Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланган тақдирда»;

олтинчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ёшга доир пенсия тайинланганидан кейинги ишланган вақт пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун стажга қўшиб ҳисобланмайди, бундан фуқаро унинг мурожаати талаб этилмаган ҳолда (проактив шаклда) тайинланган пенсияни рад этиб, ишлашни давом эттирган ҳоллар мустасно»;

7) **40-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига» деган сўзлар «Пенсия жамғармасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;**

8) **43-модда:**

биринчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг» деган сўзлар «Пенсия жамғармасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг» деган сўзлар «Пенсия жамғармасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг» деган сўзлар «Пенсия жамғармасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия

вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси» деган сўзлар «Пенсия жамғармаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттингчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Корхона, ташкилот ёки пенсионер томонидан ишончсиз маълумотлар кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилганлиги оқибатида давлатга зарап етказилган тақдирда, етказилган заарнинг ўрни Пенсия жамғармасига қопланади. Бунда корхона ёки ташкилот томонидан етказилган заарнинг ўрни Пенсия жамғармаси бўлимидан тегишли хабарнома олинган кундан эътиборан бир ой ичida, пенсионер томонидан етказилган заарнинг ўрни эса ушбу Конуннинг 65-моддасида назарда тутилган тартибда қопланади»;

9) қўйидаги мазмундаги **43¹-модда** билан тўлдирилсин:

«43¹-модда. Фуқаронинг мурожаатини талаб этмаган ҳолда (проактив шаклда) пенсия тайинлаш тартиби

Ушбу Конуннинг 7-моддасида назарда тутилган пенсия ёшига тўлган фуқароларга ёшга доир пенсия улардан мурожаат талаб этилмаган ҳолда (проактив шаклда) тайинланади. Бунда фуқаронинг ёшга доир пенсияга бўлган ҳуқуқи ушбу Конунда белгиланган шартлар ва нормаларга мувофиқ ахборот тизимларидан олинган маълумотларга асосан аниқланади. Фуқаронинг пенсияга бўлган ҳуқуқини аниқлашда пенсиянинг миқдори ҳисоб-китоб қилинади ва пенсия тайинланади.

Агар фуқаро унинг мурожаатисиз (проактив шаклда) тайинланган пенсия миқдоридан норози бўлса ёки меҳнат фаолиятини давом эттириш ва кейинчалик ёшга доир пенсияга чиқиш истагини билдиrsa, у тайинланган ёшга доир пенсияни рад этиш ҳуқуқига эга. Бунда фуқаро хабарномани олган кундан эътиборан ўн кун ичida Пенсия жамғармаси бўлимида ариза билан ёхуд Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги давлат хизматлари маркази ёки Ўзбекистон Республикасининг Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали сўровнома тўлдирилган ҳолда мурожаат қилиши керак.

Фуқаронинг мурожаатини талаб этмаган ҳолда (проактив шаклда) пенсия тайинлашнинг имкони бўлмаган ҳолларда, пенсия фуқаронинг мурожаатига асосан тайинланади»;

10) **44-модданинг матнидаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг» деган сўзлар «Пенсия жамғармасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;**

11) **45-модда** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«45-модда. Пенсия тайинлаш тўғрисидаги ҳужжатларни ва маълумотларни кўриб чиқиш муддатлари

Пенсия тайинлаш тўғрисидаги ариза ва сўровнома келиб тушган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмасдан кўриб чиқилади.

Пенсияни фуқаронинг мурожаатини талаб этмаган ҳолда (проактив шаклда) тайинлаш тўғрисидаги масала фуқаро ушбу Конуннинг 7-моддасида назарда тутилган пенсия ёшига тўлган куннинг ўзида кўриб чиқилади.

Пенсия тайинланган тақдирда, Пенсия жамғармаси бўлими пенсия тайинланган куннинг ўзида пенсионерга пенсиянинг тури, миқдори ва пенсия тайинлаш муддати тўғрисида хабарнома юборади.

Фуқаронинг мурожаатини талаб этмаган ҳолда (проактив шаклда) пенсия тайинлаш рад этилганда Пенсия жамғармаси бўлими шу куннинг ўзида фуқарога пенсия тайинлаш рад этилганлиги тўғрисида рад этиш сабабларини ва шикоят бериш тартибини кўрсатган ҳолда хабарнома юборади.

Пенсия тайинлаш рад этилган тақдирда Пенсия жамғармаси бўлими тегишли қарор чиқарилганидан кейин беш кундан кечиктирмай аризачига пенсия тайинлаш рад этилганлиги тўғрисида рад этиш сабабларини ва шикоят бериш тартибини кўрсатган ҳолда хабарнома беради ёки жўнатади ҳамда бир вақтнинг ўзида барча хужжатларни қайтаради.

Агар пенсия тайинлаш тўғрисидаги мурожаат Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикасининг Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали, сўровнома тўлдириган ҳолда берилган бўлса, пенсия тайинлаш рад этилганлиги тўғрисида қарор чиқарилган куннинг ўзида Пенсия жамғармаси бўлими мурожаат қилган шахсга пенсия тайинлаш рад этилганлиги ҳақида рад этиш сабабларини ва шикоят бериш тартибини кўрсатган ҳолда хабар юборади»;

12) **46-модданинг иккинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси»** деган сўзлар «Пенсия жамғармаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) 47-модда:

қўйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу Қонун 43¹-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолларда, пенсия пенсия ёшига етган кундан эътиборан тайинланади. Ушбу Қонуннинг 43¹-моддасига асосан тайинланган пенсияни рад этган фуқаро пенсия тайинлашни сўраб такrorан мурожаат қилганда пенсия тайинлаш муддати ушбу моддада назарда тутилган тартибда белгиланади»;

тўртинчи қисми бешинчи қисм деб хисоблансин;

14) **52-модданинг матнидаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг»** деган сўзлар «Пенсия жамғармасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15) **53¹-модданинг матнидаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг»** деган сўзлар «Пенсия жамғармасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

16) 58-модданинг:

номидаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси» деган сўзлар «Пенсия жамғармаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

матнидаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси» деган сўзлар «Пенсия жамғармаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

17) **60-модда** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«60-модда. Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказларида яшовчи пенсионерларга пенсиялар тўлаш

Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказларида яшовчи ёлғиз пенсионерларга пенсия ва уларнинг таъминоти учун сарф-харажат ўртасидаги фарқ тўланади, лекин тайинланган пенсиянинг камида 20 фоизи тўланади. Руҳий ҳолати бузилган шахслар учун ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказларида яшовчи пенсионерларга пенсия тўланмайди»;

18) 63-модданинг:

номидаги «ва дағн этиш учун нафақа тўлаш» деган сўзлар чиқаруб ташлансин;

тўртинчи қисми чиқаруб ташлансин;

бешинчи қисми тўртинчи қисм деб ҳисоблансин;

тўртинчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Пенсионернинг вафоти муносабати билан олинмай қолган пенсия пули пенсионер вафот этганидан кейин олтмиш кун ичидаги уни олиш учун мурожаат этилган тақдирда тўланади»;

19) 64-модданинг биринчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг» деган сўзлар «Пенсия жамғармасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

20) 65-модда:

биринчи қисмининг «б» бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси» деган сўзлар «Пенсия жамғармаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси» деган сўзлар «Пенсия жамғармаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

21) 66-модда:

биринчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Конунга мувофиқ тайинланган пенсияларни тўлаш Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Пенсия жамғармасини шакллантириш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан белгиланади. Пенсияларни тўлаш учун Пенсия жамғармасига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан трансферлар ажратилиши мумкин»;

иккинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига» деган сўзлар «Пенсия жамғармасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига» деган сўзлар «Пенсия жамғармасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган «Давлат божи тўғрисида»ги ЎРҚ-600-сонли Конуни (Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 201-модда, № 5, 298-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 7, 661-модда, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 76-модда, № 3, 214, 216-моддалар, № 4, 340-модда, № 5, 463, 464, 467-моддалар, № 12, 1186-модда; 2023 йил, № 2, 103-модда, № 3, 186-модда, № 4, 265, 269-моддалар, № 6, 444, 445-моддалар, № 7, 538-модда, № 9, 710-модда; 2024 йил, № 1, 5, 6, 7-моддалар, № 2, 101, 105, 107, 108, 111, 112-моддалар, № 7, 628-модда, № 8, 819, 823, 831-моддалар, № 9, 958-модда, № 10, 1076, 1079-моддалар, № 11, 1191-модда, № 12, 1280, 1285-моддалар; 2025 йил, № 1, 4, 6-моддалар) **8-моддаси биринчи қисмининг 18-банди** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг худудий бўлинмалари — пенсионерлардан ортиқча (ноқонуний) тўланган пенсияларнинг суммалари ни ундириш билан боғлик даъволар юзасидан».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 20 октябрда қабул қилинган **«Аҳоли бандлиги тўғрисида»**ги ЎРҚ-642-сонли Конуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 10, 595-модда; 2021 йил, № 4, 287-модда, 4-сонга илова; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 5, 464-модда, № 6, 570-модда, 10-сонга илова; 2023 йил, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 2, 111-модда, № 8, 818-модда, № 9, 958, 968-моддалар, № 10, 1079-модда) **29-моддасининг бешинчи қисмига** қўйидаги ўзгартириш ва қўшимча киритилсан:

олтинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимларидан — қонунчиликда белгиланган пенсияларни олмаётганлиги тўғрисидаги маълумотномани»;

қўйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсан:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг туман (шаҳар) «Инсон» ижтимоий хизматлар марказларидан — қонунчиликда белгиланган нафақаларни олмаётганлиги тўғрисидаги маълумотномани».

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва бошқа манбаатдор ташкилотлар ушбу Конуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида туширилишини таъминласин.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Конунга мувофиқлаштирасин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Конунга зид бўл-

ган ўз норматив-хукуқий хужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 19 май,
ЎРҚ-1066-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

255 Республикада соғлиқни сақлаш тизимини ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тамойилларини такомиллаштириш орқали соҳани ислоҳ қилишни изчил давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Соғлиқни сақлаш тизимини энг илғор хорижий тажриба асосида ислоҳ қилиш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш, бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг замонавий тизимини шакллантириш, соҳага янги бошқарув тамойилларини жорий қилиш мақсадида қарор қиласман:

I. Мақсадлар

1. Илғор хорижий тажриба асосида аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг янги тизимини жорий этишнинг асосий мақсадлари этиб қўйидагилар белгилансин:

(а) халқаро тажрибага асосланган аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг янги моделини жорий қилиш;

(б) бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари, хусусан, туман (шаҳар) кўп тармокли марказий поликлиникалари, оиласвий шифокор пунктлари ва оиласвий поликлиникалар, маҳалла тиббиёт пунктлари фаолиятини ягона ёндашув асосида ташкил қилиш орқали аҳолига тиббиётни янада яқинлаштириш;

(в) аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишда оиласвий шифокор улушкини 70 фоизга етказиш;

(г) соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштириш ҳамда тиббиётда қоғозбозликни камайтириш орқали тиббиёт ходимлари иш юкламасини 30 фоизгача камайтириш;

(д) аҳолининг бирламчи тиббий-санитария ёрдамидан розилиги даражасини 85 фоиздан ошириш;

(е) тиббиёт ходимларини самарадорликнинг энг муҳим кўрсаткичлари асосида моддий рағбатлантириш тизимини жорий қилиш;

(ж) тиббиёт бригадалари ходимларининг билим ва кўникмаларини ошириш.

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 22 майда эълон қилинган.

II. Тажриба-синов лойиҳаси

2. 2025 йил 1 июлдан бошлаб 1-иловага* мувофиқ белгиланган туман (шахар)ларда, 2026 йил 1 январдан бошлаб Самарқанд вилоятининг барча туман (шахар)ларида тажриба-синов тариқасида соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишининг янги модели (кейинги ўринларда — тажриба-синов лойиҳаси) жорий қилинсин.

3. Белгилансинки, тажриба-синов лойиҳаси доирасида:

(а) туман (шахар) тиббиёт бирлашмалари негизида туман (шахар) соғлиқни сақлаш бўлимлари ташкил этилади;

(б) бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизимида:

(I) оиласвий поликлиникалар, оиласвий шифокор пунктлари, шу жумладан, уларга филиал сифатида бириктирилган муассасалар ҳамда маҳалла тиббиёт пунктлари бириктирилган аҳоли сонидан келиб чиқиб, юридик мақомга эга оиласвий поликлиникаларга ҳамда уларнинг филиалларига айлантирилади;

(II) оиласвий поликлиникаларда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатувчи оиласвий шифокор, педиатр, акушер-гинеколог ва ташхислаш хизматларини кўрсатувчи мутахассислар, шунингдек, аутсорсинг асосида стоматология хизмати йўлга кўйилади ҳамда оиласвий поликлиникалар зарур тиббий ускуналар билан таъминланади;

(III) аҳолига оиласвий шифокорни эркин танлаш ҳуқуқи берилади;

(IV) тиббиёт бригадаси ҳамда унга бириктирилган аҳоли ўртасида томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи битим тузилади;

(V) хусусий оиласвий шифокорлик фаолияти билан шуғулланишга, шунингдек, бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш бўйича аҳоли ва хусусий оиласвий шифокорлар ўртасида битим тузишга рухсат этилади;

(VI) аҳолига тиббий хизматлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланадиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари (кейинги ўринларда — кафолатланган пакет) доирасида оиласвий шифокор ёки тиббиёт бригадасининг йўлланмаси асосида бепул кўрсатилади (шошилинч ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш бундан мустасно). Кафолатланган пакетга киритилмаган қўшимча тиббий ёрдам ҳамда оиласвий шифокор ёки тиббиёт бригадаси йўлланмаси мавжуд бўлмасдан тўғридан-тўғри мурожаат қилган фуқароларга тиббий ёрдам пуллик асосда кўрсатилади;

(VII) тиббиёт бригадасига 3 минг нафар, зарур ҳолларда, белгиланган меъёрларга қўшимча аҳоли бириктирилиши мумкин. Бунда 2030 йилга қадар бир тиббиёт бригадасига кўпи билан 1,7 минг нафар аҳоли бириктирилиши стратегик мақсад этиб белгиланади;

(VIII) олис ва чекка худудлар тиббиёт ходимларининг штат меъёрларини белгилашда бириктирилган аҳоли сонидан қатъи назар аҳоли 3 минг нафардан кам бўлган ҳолларда ҳам тиббиёт ходимларининг штатлари бир штат бирлигидан кам бўлмаган миқдорда киритилади ҳамда улар асосий иш жойига тўлиқ ставкада ишга қабул қилинади;

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

(IX) оилавий поликлиникаларда тиббиёт ходимлари факат тўлиқ ставкада фаолият юритади;

(X) оилавий поликлиникалар, хусусий оилавий шифокорлар билан Давлат тиббий суфуртаси жамғармаси ўртасида тиббий хизматлар хариди бўйича шартнома тузилади ва улар ўзларига бириткирилган аҳоли сонидан келиб чиқиб, аҳоли жон бошига кўра молиялаштирилади;

(XI) тиббиёт бригадаси ходимлари илгор тажрибага мувофиқ ишлаб чиқилган тўрт босқичдан иборат оила саломатлиги бўйича маҳсус ўқув дастури асосида ўқитилиди ҳамда синовлардан муваффақиятли ўтган тиббиёт ходимларига сертификат берилади;

(XII) оилавий поликлиникадан 10 километрдан узоқ масофада жойлашган маҳалла фуқаролар йиғинларида яшовчи аҳоли учун тиббиёт ходимларининг сайёр тиббий хизмати йўлга қўйилади;

(в) туман (шаҳар)ларда ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш йўналишида:

(I) туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалари тегишли марказий шифохоналарнинг маслаҳат-диагностика бўлинмаларига айлантирилади, уларга бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш учун аҳоли бириткирилмайди;

(II) шифохоналарда аҳолига режали стационар тиббий хизматлар шифокор йўлланмаси асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 сентябрдаги «Давлат тиббий суфуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-311-сон қарорида белгиланган тартибда навбат асосида бепул кўрсатилади;

(III) Давлат тиббий суфуртаси жамғармаси ва шифохоналар ўртасида тиббий хизматлар хариди бўйича шартнома тузилади ҳамда ҳар бир даволанган ҳолат ва бажарилган иш ҳажмидан келиб чиқиб молиялаштирилади;

(IV) шифохоналар таркибидаги бўлимлар ва оилавий поликлиникаларга хизмат кўрсатувчи ҳудудлараро марказий лаборатория хизмати ташкил этилади;

(V) шифохоналарда тиббий хизматлар тасдиқланган ташхислаш ва даволаш стандартлари ҳамда клиник протоколлар асосида кўрсатилиши устидан назорат Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Давлат тиббий суфуртаси жамғармаси томонидан амалга оширилади. Бунда тиббий хизмат кўрсатишда белгиланган тартибга риоя этилмаган ҳолларда харажатлар Давлат тиббий суфуртаси жамғармаси томонидан молиялаштирилмайди ва хизмат кўрсатувчи тиббиёт муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланади;

(г) бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари тиббиёт ходимларининг малака тоифалари, иш стажи ва бошқа устамалар бирлаштирилган ҳолда тиббиёт ходимлари иш ҳақини 2-иловага* мувофиқ тасдиқланган миқдорларда базавий тариф ставкаларида ҳисоблаш тартиби жорий этилади;

(д) бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари тиббиёт ходимлари базавий тариф ставкаларига қўйидаги миқдорларда қўшимча устамалар тўланади:

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллӣй базаси»да эълон қилинган.

(I) сайёр тиббий хизмат кўрсатувчи тиббиёт ходимларига ойлик лавозим маоши ёки базавий тариф ставкасининг 50 фоизи миқдорида;

(II) тиббиёт бригадасига белгиланган меъёрлардан 10 фоиз ортиқча қўшимча биритирилган ахолининг ҳар бир нафари учун меҳнатга ҳак тўлашнинг энг кам миқдорининг 0,3 фоизи миқдорида — шахарларда, 0,5 фоизи миқдорида — туманларда;

(III) оила саломатлиги бўйича махсус ўкув дастури асосида ташкил этиладиган курсларнинг барча босқичларини муваффақиятли тугатган тиббиёт ходимлари учун курс якуни бўйича бериладиган сертификатга мувофиқ базавий тариф ставкасининг 100 фоизи миқдорида. Бунда курснинг ҳар бир босқичи якуни бўйича синовлардан ижобий натижага эришган ходимларга 25 фоиз миқдорида устама қўлланилади;

(е) туман (шаҳар) марказий шифохоналарида шифокорларнинг ойлик лавозим маошлари — 20 фоиз, ўрта тиббиёт ходимларининг ойлик лавозим маошлари — 10 фоиз миқдорида оширилади;

(ж) оилавий поликлиникалар ва туман (шаҳар) марказий шифохоналарининг тиббиёт ва фармацевтика ходимлари учун Тиббиёт муассасаларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳамда тиббиёт муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан фаолият самарадорлиги кўрсаткичлари (КРІ) асосида ойлик лавозим маоши (базавий тариф ставкаси)нинг 100 фоизигача миқдорда устама жорий этилади;

(з) туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлимлари ва тиббиёт муассасаларида:

(I) раҳбар ходимлар учун тиббиётни бошқариш (менежерлик) бўйича ўкув дастури йўлга қўйилади ҳамда ўкув дастури якуни бўйича сертификатга эга бўлган раҳбарларга ойлик лавозим маоши (базавий тариф ставкаси) нинг 100 фоизи, раҳбар ўринбосарига — 80 фоизи ҳамда бош ҳамширага — 50 фоизи миқдорида устама тўланади;

(II) раҳбар ходимлар учун фаолият самарадорлиги кўрсаткичлари (КРІ) белгиланади ҳамда Тиббиёт муассасаларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси ва тиббиёт муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ойлик лавозим маоши (базавий тариф ставкаси) нинг 100 фоизигача миқдорда устама жорий этилади;

(III) бир йил давомида фаолият самарадорлиги кўрсаткичларида (КРІ) ижобий (56 фоиздан юқори) натижаларга эришмаган раҳбар ходимлар лавозимидан озод қилинади.

4. Тажриба-синов лойихаси доирасида худудий даражадаги тиббиёт муассасалари Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган рўйхатга мувофиқ ташкилий, бошқарув ва молиявий жиҳатдан бирлаштирилиб кўп тармоқли шифохоналарга айлантирилсин. Бунда:

(а) амалдаги шифохоналар кўп тармоқли шифохонанинг йўналишлар бўйича бўлимларига айлантирилади ҳамда уларга республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари томонидан тегишли йўналишлар бўйича услубий раҳбарлик амалга оширилади;

(б) бўлимлар фаолияти амалда мавжуд бино-иншоотларда ташкил қилиниб, улар ўртасида беморлар ҳаракати учун транспорт хизмати йўлга қўйилади;

(в) бўлимларнинг айрим ташхислаш ва ёрдамчи (овқатланиш, кир ювиш, стерилизация ва бошқа) хизматлари бирлаштирилади ҳамда аутсорсинг асосида ташкил этилади;

(г) кўп тармоқли шифохона унга бирлаштирилган бошқа тибиёт муассасаларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

(д) тибиёт олий таълим муассасалари мавжуд бўлган худудларда кўп тармоқли шифохона олий таълим муассасасининг клиник базаси сифатида фаолият юритади.

5. Белгилаб қўйилсинки, туман (шаҳар) марказий шифохоналари ва худудий даражадаги тибиёт муассасаларида тибиётнинг иккиласмида даражасидаги ихтисослашган тиббий хизматлар қўрсатилади. Бунда ушбу тибиёт муассасаларида тибиётнинг учламчи даражасидаги тиббий хизматларни ҳам қўрсатиш ташкил этилиши мумкин.

III. Молиявий ресурслар

6. Белгилансинки:

(а) мазкур Фармонда назарда тутилган чора-тадбирлар 2025 йилда тажриба-синов лойиҳаси доирасида бўшайдиган маблағлар, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ республика бюджетидан ажратиладиган қўшимча маблағлар ҳамда Самарқанд вилояти маҳаллий бюджетидан қўшимча ажратиладиган 20 миллиард сўм ҳисобидан молиялаштирилади;

(б) 2025 йилда мазкур Фармоннинг 1-иловасига мувофиқ тажриба-синов лойиҳаси жорий этиладиган худудларда ушбу лойиҳа доирасида белгиланган тадбирларни молиялаштириш учун тегишли маҳаллий бюджетлардан (Самарқанд вилояти бундан мустасно) камида 10 миллиард сўмдан маблағ ажратилади;

(в) 2026 йилдан бошлаб Самарқанд вилояти ва мазкур Фармоннинг 1-иловасига мувофиқ белгиланган туман (шаҳар)лар тибиёт муассасаларини тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда тажриба-синов лойиҳасини жорий қилиш билан боғлиқ зарур маблағлар Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда назарда тутилади.

7. Белгилаб қўйилсинки, тажриба-синов лойиҳаси доирасида:

(а) макбуллаштириладиган маблағлар олиб қўйилмайди ҳамда тибиёт муассасалари фаолиятини ташкил этиш, ходимлар ойлик маошларини ошириш ҳамда уларга қўшимча устама тўлаш билан боғлиқ харажатларни молиялаштиришга йўналтирилади;

(б) худудий даражадаги тибиёт муассасаларини бирлаштириш натижасида иқтисод қилинадиган маблағлар янги ташкил этиладиган кўп тармоқли шифохоналарнинг моддий-техник базасини мустахкамлаш, тибиёт ходимла-

рини рағбатлантириш ҳамда беморлар ҳаракати учун транспорт хизматини йўлга қўйишга йўналтирилади.

8. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги тажриба-синов лойиҳаси доирасида тиббиёт муассасалари учун Тиббиёт муассасаларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларини тўлиқ ҳамда ойлар кесимида тенг миқдорларда ажратилишини таъминласин.

9. Белгилансинки, Тиббиёт муассасаларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тиббиёт муассасалари ходимларига устамалар иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар билан бир вақтда тўлаб берилади. Бунда жамғарма маблағларини унинг ҳисобидан молиялаштириш кўзда тутилмаган тадбирларга йўналтириш тақиқланади.

IV. Тиббиёт ходимларининг билим ва кўникмаларини ривожлантириш

10. Белгилансинки, тиббиёт бригадаси ходимларини оила саломатлиги ҳамда раҳбар ходимларни менежерлик бўйича ўқитиш юзасидан маҳсус ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва ўқитиш тиббиёт таълим муассасалари томонидан амалга оширилади. Бунда:

(а) тажриба-синов лойиҳаси доирасида тиббиёт ходимларини ўқитиш билан боғлиқ тадбирлар тиббий таълим муассасалари базасида ташкил этилади;

(б) оила саломатлиги бўйича маҳсус ўқув дастурининг кейинги босқичларини аввалги босқич бўйича ўқув курслари якунлангандан сўнг бир йил давомида муваффақиятли тутагатмаган тиббиёт ходимлари учун аввалги босқичлар якуни билан белгиланган устамалар бекор қилинади;

(в) тиббиёт ходимларини ўқитиш ва ўқитиш якунлари бўйича билимларини баҳолашда шаффоффликни таъминлаш мақсадида уларни ўқитиш ва баҳолаш бир-биридан мустақил тизимларда амалга оширилади;

(г) тиббиёт ходимларини ўқитиш, ўқув курсларини ташкил этиш ҳамда ходимлар билимини баҳолаш билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджетидан тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш учун ажратилган маблағлар ҳамда Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

V. Соҳани рақамлаштириш

11. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қўйидагиларни устувор равишда дастлаб Самарқанд вилоятидаги ҳамда мазкур Фармоннинг 1-иловасига мувофиқ тасдиқланган туман (шахар)лардаги тиббиёт муассасаларига ажратиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсан:

(а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 сентябрдаги «Давлат тиббий суфуртаси механизmlарини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-311-сон қарори доирасида харид қилинадиган ахборот-коммуникация жиҳозлари ва тармоқ қурилмаларининг тақсимлашдан ортган қисмини;

(б) Ўзбекистон Республикаси ва «KfW» банки (Германия Федератив

Республикаси) ўртасида тузилган битимлар асосида амалга оширилаётган «Рақамли соғлиқни сақлаш ислоҳотларини қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси доирасида харид қилинадиган ахборот-коммуникация жиҳозларини.

12. Рақамли технологиялар вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда:

(а) тиббиётни ислоҳ қилиш учун жалб қилинган туркиялик мутахассислар тавсиялари асосида «Электрон соғлиқни сақлаш» ахборот тизимини тажриба-синов лойиҳаси талабларига мослаштиурсин. Бунда мазкур ахборот тизимида:

(I) аҳолини тиббиёт бригадалари, оиласий шифокорга бириктириш, онлайн қабулга ёзиш, қабулларни амалга ошириш журналларини юритишни электрон шаклга ўтказиш, оиласий шифокордан тор доирадаги мутахассисга ва шифохоналарга электрон йўлланмалар бериш йўлга қўйилади;

(II) тиббиёт бригадасига бириктирилган аҳоли рўйхати шакллантирилади, уларнинг касаллик тарихи, сурункали касалликлар турлари бўйича диспансер ҳисобида турадиган беморларнинг реестри юритилади ҳамда статистик маълумотларнинг электрон базаси яратилади;

(III) тиббиёт бригадаси, шу жумладан, хусусий оиласий шифокор ва унга бириктирилган аҳоли ўртасида томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи электрон битим тузиш жорий этилади;

(IV) стационар муассасаларда bemorларни ётқизиш, тиббий статистик шаклларни электрон юритиш ҳамда маълумотларни Давлат тиббий суруртаси жамғармасига узатиш имкониятлари яратилади;

(V) тиббиёт ташкилотлари ва Давлат тиббий суруртаси жамғармаси ўртасида электрон шаклда шартнома тузиш жорий этилади;

(VI) тиббиёт муассасаси ходимлари тўғрисидаги маълумотлар ҳамда уларнинг фаолияти самарадорлиги кўрсаткичларини (КРІ) баҳолаш рақамлаштирилади;

(VII) тиббиёт муассасаларида дори ва сарфлов воситалари ҳаракати, тиббий жиҳозлар ва улардан фойдаланиш кўрсаткичлари, ташхислаш ва даволаш хизматлари кўрсатишнинг электрон ҳисоби юритилади;

(VIII) барча турдаги тиббий ҳисботларни, шунингдек, статистик маълумотлар таҳлилини электрон шаклда юритиш бўйича модуллар яратилади ҳамда қофоз шаклидаги барча тиббий ҳисботлар бекор қилинади;

(б) тажриба-синов лойиҳаси доирасида тиббиёт муассасаларини локал тармоқлар, муҳандислик инфратузилмаси воситалари, ахборот-коммуникация жиҳозлари ва тармоқ қурилмалари билан таъминлаш чораларини кўрсинг;

(в) тажриба-синов лойиҳаси доирасида тиббиёт муассасаларидаги жараёнларни тўлиқ рақамлаштириш орқали қофоз шаклидаги барча тиббий хужжатлар ҳамда ҳисботларни бекор қилиш чораларини кўрсинг.

VI. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

13. Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги моделини тажри-

ба-синов тариқасида жорий қилиш бўйича чора-тадбирлар режаси 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

14. Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги моделини тажриба-синов тариқасида жорий қилиш бўйича ишчи комиссия (кейинги ўринларда — Ишчи комиссия) 4-иловага* мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

15. Қўйидагилар Ишчи комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

(а) тиббий хизматларни аҳолига янада яқинлаштириш мақсадида бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг янги тизимини жорий этиш ҳамда масъулларни белгилаш;

(б) тажриба-синов лойиҳаси жорий этиладиган ҳар бир ҳудуд учун вазирлик ва идоралар вакилларидан иборат ишчи гурухни шакллантириш;

(в) тажриба-синов лойиҳасида назарда тутилган тадбирларнинг амалиётга татбиқ этилишини ҳар ойда камидан бир марта муҳокама қилиш орқали назорат қилиш;

(г) тажриба-синов лойиҳаси доирасида рақамлаштириш бўйича дастурий таъминотлар ва модуллар ўз вақтида ишлаб чиқилиши ҳамда амалиётга жорий этилишини, тиббиёт муассасаларининг зарур алоҳа ва техника воситалари, жумладан, компьютер техникиси билан таъминланишини назорат қилиш;

(д) ҳудудий даражадаги ихтисослашган тиббиёт муассасалари негизида кўп тармоқли тиббиёт муассасаси фаолиятини ташкил этиш;

(е) тажриба-синов лойиҳаси якунлари бўйича эришилган ижобий натижалар асосида соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги моделини республиканинг бошқа ҳудудларида жорий этиш чораларини кўриш.

16. Соғлиқни сақлаш вазирлигига Ишчи комиссия билан келишилган ҳолда тажриба-синов лойиҳаси доирасида, зарур ҳолларда, жалб қилинган хорижий экспертларнинг тавсиялари асосида ушбу Фармонда белгиланган қоидаларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ваколати берилсин.

17. Олий Мажлис палаталарига:

(а) қўйидагилар бўйича парламент назоратини йўлга қўйиш:

(I) бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг сифати ҳамда омабоплигини ошириш, тиббиёт ходимларининг жамиятдаги ўрни ва мақомими кучайтириш, уларни хизмат мажбурияти билан боғлиқ бўлмаган барча турдаги ишларга жалб қилиш бўйича;

(II) соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича қабул қилинган ривожлантириш дастурларида белгиланган топшириқларни амалга ошириш ҳамда эришилган натижалар бўйича;

(б) соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмунини аҳолига тўғри етказиш ҳамда ушбу Фармонда белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилишида Ҳукуматга кўмаклашиш тавсия этилсин.

18. Белгилаб қўйилсинки, аҳоли ўртасида профилактик тиббий қўриклиар ва барча скрининг тадбирлари фақат Соғлиқни сақлаш вазирлиги

* 3-4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

томонидан тасдиқланган тартибга мувофиқ ва белгиланган муддатларда ташкил этилади. Бунда бошқа ташкилотларнинг ушбу жараёнга аралашуви тақиқланади.

19. Ҳисоб палатаси ва Баш прокуратура хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиб департаменти соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ жараёнларда юзага келадиган муаммолар ва камчиликларни тезкор бартараф этишда Соғлиқни сақлаш вазирлигига мунтазам кўмаклашиб бориш чораларини кўрсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 5-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсан.

21. Соғлиқни сақлаш вазирлиги уч ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсан.

22. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири А.А. Худайров белгилансин.

23. Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Баш вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ижтимоий ривожланиш департаменти раҳбари О.Қ. Абдурахманов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 19 май,
ПФ-88-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 19 майдаги
ПФ-88-сон Фармонига
5-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлариға киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 26 февралдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3214-сон Фармонига 2-иловада:

(а) 5-банд қўйидаги таҳхирда баён этилсин:

«5. Ёшга оид пенсияяга чиққан ишламайдиган шахслар, шунингдек, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати, Божхона қўмитаси ва Электрон технологияларни ривожлантириш маркази тизимидағи ташкилотларда хизмат даври бўйича пенсияга чиққан ишламайдиган шахслар»;

(б) 7-банд қўйидаги таҳхирда баён этилсин:

«7. Чернобиль АЭСи фалокатини тугатишда иштирок этган ва ядро полигонида ҳарбий хизматни ўтаган шахслар»;

(в) қўйидаги мазмундаги 19-банд билан тўлдирилсин:

«19. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича гематология касалликлариға чалинган шахслар⁶;»

(г) изоҳ қисмида:

(I) 1-кичик банд қўйидаги таҳхирда баён этилсин:

«1) Тиббий ёрдам Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда Республика перинатал марказида кўрсатилади»;

(II) қўйидаги мазмундаги 6-кичик банд билан тўлдирилсин:

«6) Тиббий ёрдам Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказида кўрсатилади».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги «Давлат тиббиёт муассасалари ва соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларини моддий рафбатлантириши кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4007-сон қарори 5-банди «а» кичик бандининг иккинчи хатбошисидаги «миқдорининг 2 фоизи» сўзларидан кейин «соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишининг янги модели жорий қилинган ҳудудларда ташкил этилган туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўйлимлари тасарруфидаги тиббиёт муассасалари бундан мустасно» сўзлари билан тўлдирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5199-сон қарорида:

(а) 1-банднинг «г» кичик бандида:

(I) иккинчи хатбоидаги «2-иловасида» сўзлари «2-иловаси I бўлимида» сўзлари билан алмаштирилсин;

(II) қуидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Мазкур қарорнинг 2-иловаси II бўлимида назарда тутилган давлат тиббиёт муассасаларининг шошилинч тиббий ёрдам ва гемодиализ бўлинмалирини сақлаш харажатлари Давлат тиббий сұфуртаси жамғармаси орқали бажарилган иш ҳажмига боғланмаган ҳолда бир сатрда молиялаштирилади»;

(б) 2-иловада:

(I) I бўлимнинг 1-банди қуидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Республика ихтисослаштирилган аллергология ва клиник иммунология илмий-амалий тиббиёт маркази»;

(II) II бўлимда:

номланишидаги «2025 йил 1 апрелдан» сўзлари «2025 йил 1 июлдан» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуидаги мазмундаги 13-банд билан тўлдирилсин:

«13. Мудофаа вазирлигининг Марказий ҳарбий клиник госпитали»;

изоҳ қисми қуидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Болалар онкологияси, гематологияси ва иммунологияси илмий-амалий тиббиёт маркази 2027 йил 1 январдан бошлаб Давлат бюджети маблағлари ҳисобига имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни электрон ахборот тизими орқали ҳисобга олиш ва навбат асосида даволанишга йўллаш тизимига ўтказилади»;

(в) 3-иловада:

(I) 1-позиция «Талаб этиладиган маълумотлар» устуни қуидаги мазмундаги 7-банд билан тўлдирилсин:

«7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича гематология касалликлари тўғрисида маълумот»;

(II) 5-позиция «Талаб этиладиган маълумотлар» устуни қуидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Ватан ҳимояси ва эл-юрт тинчлиги йўлида яраланганилиги, контузия ёки майиб бўлганлиги оқибатида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчининг (ходимнинг) оила аъзолари тўғрисидаги маълумот.

2. Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати, Божхона қўмитаси ва Электрон технологияларни ривожлантириш маркази тизимидағи ташкилотларда хизмат даври бўйича пенсияга чиқсан ишламайдиган шахслар тўғрисида маълумот».

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 4 апрелдаги «Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда илмий ёндашувларни кенгайтириш ва бошқарув кадрларини тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-108-сон қарорида:

(а) 6-банд қуидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бунда Олий мактабга ижтимоий солиқнинг 12 фоиз микдордаги ставкаси қўлланилади»;

(б) 2-илованинг 1-банди қўйидаги таҳирда баён этилсин:

«1. »Бизнесни бошқариш» (МВА) ҳамда иқтисодиётнинг талаб юқори бўлган бошқа таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича бакалаврлар ва магистрлар тайёрлаш, шунингдек олий таълимдан қейинги таълимни амалга ошириш».

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 сентябрдаги «Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-311-сон қарорида:

(а) 3-банднинг биринчи хатбошисидаги «2025 йил 1 июлдан» сўзлари «2026 йил 1 январдан» сўзлари билан алмаштирилсин;

(б) 6-банд қўйидаги мазмундаги «д¹» кичик банд билан тўлдирилсин:

«д¹) аҳолига зарур тиббий хизматлардан тенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш мақсадида Давлат бюджетидан тиббий хизматлар хариди учун ажратилган маблағлар Жамғарма томонидан ягона ёндашув асосида худудлар ва тиббиёт муассасалари ўртасида қайта тақсимланади»;

(в) 8-банд «б» кичик бандининг биринчи хатбошидаги «1 апрелга қадар» сўзлари «1 июлга қадар» сўзлари билан алмаштирилсин;

(г) 10-бандда:

(I) қўйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«тиббиёт муассасаларини молиялаштиришда янги тўлов усулларини (аҳоли жон бошига, даволанган ҳолатлар бўйича ва бошқалар) жорий қилиш учун маҳаллий бюджетлардан Жамғармага ўтказиладиган маблағлар Жамғарманинг ягона шахсий ғазна ҳисобварағида жамланишини ҳамда ҳудудлар ва тиббиёт муассасалари ўртасида қайта тақсимланишини»;

(II) учинчи хатбоши тўртингчи хатбоши деб ҳисоблансин;

(д) 7-илованинг 9-банди ўн биринчи хатбошидан «Жамғарма маблағларидан оқилона ва мақсадли фойдаланишишини ҳамда давлат тиббий суғуртаси дастури доирасида» сўзлари чиқариб ташлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 29 ноябрдаги «Тиббиёт муассасаларини фармацевтика маҳсулотлари ва тиббий жихозлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-408-сон қарорида:

(а) 2-банд «а» кичик бандининг бешинчи хатбошиси қўйидаги мазмундаги бешинчи — еттинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

«Бунда:

оригинал дори воситалари ҳамда ёпиқ турдаги лаборатория ускунаси рўйхати Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади ҳамда вазирликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади ва мунтазам янгилаб борилади;

тўғридан-тўғри шартномалар асосида сотиб олинадиган дори воситалари ва тиббий буюмларнинг шошилинч ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун зарур миқдорда ва ҳажмда харид қилиниши бўйича масъулият ва шахсий жавобгарлик тиббиёт муассасаси раҳбари зиммасига юклатилади»;

(б) 1-илованинг 3-позициясида:

«Амалга ошириш механизми» устунида:

1-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

2-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Дори воситалари ва тиббий буюмлар харидини тўғридан-тўғри шартномалар асосида амалга ошириш тартибини ишлаб чиқиш. Бунда оригинал дори воситалари ҳамда ёпик турдаги лаборатория ускунаси рўйхати Соғликни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади ва расмий веб-сайтига жойлаштириб борилади»;

«Ижро муддати» устунида:

«2024 йил декабрь» сўзлари чиқариб ташлансин;

«2025 йил март» сўзлари «2025 йил июль» сўзлари билан алмаштирилсин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

256 Соғлиқни сақлаш тизимидағи ислоҳотларни амалга оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 майдаги «Республикада соғлиқни сақлаш тизимини ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш таомилларини такомиллаштириш орқали соҳани ислоҳ қилишни изчил давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-88-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида **қарор қиласман:**

I. Мақсадлар

1. 2025 йил 1 июлдан республиканинг 15 та туман (шаҳар)ларида, 2026 йил 1 январдан бошлаб эса Самарқанд вилоятида тажриба-синов тариқасида соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги моделини (кейинги ўринларда — Тажриба-синов лойиҳаси) жорий этиш доирасида соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришнинг асосий мақсадлари этиб қўйидагилар белгилансин:

(а) бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш орқали оиласвий поликлиникаларда кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифат ва самарадорлигини ошириш;

(б) Соғлиқни сақлаш вазирлигининг туман (шаҳар) даражасидаги бўлинмаси, оиласвий поликлиникалар, марказий шифохонанинг вазифа ва функцияларини, шунингдек, тиббий ёрдам кўрсатишда аҳоли ва тиббиёт ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаш;

(в) тиббиёт ходимларининг билим ва малакасини ошириш, улар меҳнатига муносиб ҳақ тўлаш тизимини жорий қилиш;

(г) Соғлиқни сақлаш вазирлигининг вертикал бошқарувида туман (шаҳар) бўғинини ислоҳ қилиш орқали амалга ошириладиган ислоҳотларни жадаллаштириш ва мониторинг қилиш;

(д) аҳолига тиббий хизмат кўрсатишда қисқа муддатли чора-тадбирларни ўз ичига олган «Тиббиётда 90 кунлик ўзгаришлар» дастурини амалга ошириш.

II. Туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлимларини ташкил этиш ва тиббиёт муассасалари фаолиятини такомиллаштириш

2. Тажриба-синов лойиҳасини амалга ошириш, унинг ижроси устидан доимий мониторинг ва таҳлил ўтказиб бориш, шунингдек, Тажриба-синов лойиҳасини республиканинг барча худудларига кенг татбиқ этиш мақсадида туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари негизида мустақил юридик шахс

* Ушбу қарор «Конунчилик маълумотлари миллӣ базаси»да 2025 йил 23 майда эълон қилинган.

мақомига эга бўлган туман (шахар) соғлиқни сақлаш бўлимлари ташкил этилсин.

3. Туман (шахар) соғлиқни сақлаш бўлимларининг намунавий ташкилий тузилмаси 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

4. Қўйидагилар туман (шахар) соғлиқни сақлаш бўлимларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

(а) мавжуд бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларини хатловдан ўтказиш ҳамда хатлов натижалари асосида Тажриба-синов лойиҳаси талбларига мувофиқ амалдаги бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларини юридик мақомга эга тегишли типдаги оиласидан поликлиника шаклида қайта ташкил этиш;

(б) кўп тармоқли марказий поликлиникаларни марказий шифохоналарнинг маслаҳат-диагностика бўлинмаларига айлантириш;

(в) Тажриба-синов лойиҳаси доирасида тиббиёт бригадаларини янги нормативларга мувофиқ қайта шакллантириш ҳамда уларга аҳолининг қайта бириктирилишини ташкил этиш ва назорат қилиш;

(г) тасарруфидаги тиббиёт муассасаларини малакали кадрлар билан таъминлашнинг шаффоф механизmlари асосида тиббиёт ходимларини аттестациядан ўтказиш ҳамда унинг натижалари бўйича тиббиёт ходимларини тўлик ставкада ишга қабул қилиш ва уларга муносиб иш шароитини яратиш;

(д) оиласидан шифокорлар ва бириктирилган аҳоли ўртасида битим ҳамда худуддаги тиббиёт муассасалари билан Давлат тиббий суфуртаси жамғармаси ўртасида шартнома тузилишини ва уларга амал қилинишини назорат қилиш;

(е) тиббиёт ходимлари фаолиятини тасдиқланган меҳнат самарадорлиги кўрсаткичлари бўйича назорат қилиш ҳамда натижалар асосида уларни рафбатлантириш;

(ж) Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланадиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари доирасида аҳолига бепул амбулатор ва стационар тиббий хизматлар кўрсатиш ҳамда дори воситалари билан таъминлашни ташкил қилиш;

(з) Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда тиббий таълим муассасалари билан биргаликда тиббиёт бригадаси ходимларининг оила саломатлиги бўйича маҳсус ўқув дастури ҳамда раҳбар ходимларнинг менежерлик курслари бўйича малака оширишларини таъминлаш;

(и) тасарруфидаги тиббиёт муассасалари фаолиятидаги бизнес жараёнларни рақамлаштириш, қофоз шаклида юритилаётган барча ҳисботларни электрон шаклда юритиш орқали тиббиёт ходимларининг иш юкламасини камайтириш чораларини кўриш;

(к) Тажриба-синов лойиҳаси доирасида мақбуллаштириладиган маблағларни туман (шахар) соғлиқни сақлаш бўлимлари учун очилган тегишли шахсий ғазна ҳисобваракларига жамлаш ҳамда Тажриба-синов лойиҳасини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштиришга йўналтириш;

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

(л) нотиббий хизматлар кўрсатишни (овқатланиш, кир ювиш, стерилизация ва бошқа), шунингдек, самарасиз ҳамда бўш турган бино-иншоотларни давлат-хусусий шериклик ёки аутсорсинг асосида хусусий секторга бериш ишларини мониторинг қилиш;

(м) тиббиёт муассасаларида пулли хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш ва уларнинг турларини кенгайтиришга қўмаклашиш;

(н) Рақамли соғлиқни сақлаш платформасига ҳудуддаги барча давлат ҳамда нодавлат тиббиёт ва фармацевтика ташкилотлари, шу жумладан, дорижоналар уланишини таъминлаш;

(о) аҳоли саломатлиги кўрсаткичлари, касалланиш даражаси ва бошқа маълумотларни таҳлил қилиш орқали ўз ҳудудида соғлиқни сақлаш ҳолатини яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

5. Тажриба-синов лойиҳаси доирасида қуйидагилар тиббиёт муассасалири фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

(а) оиласвий поликлиникалар учун:

(i) тиббиёт бригадалари ҳамда бириктирилган аҳоли билан битим тузиш, битим бўйича кафолатланган пакет доирасида тиббий хизматларни тасдиқланган даволаш стандартлари, миллий клиник протоколларга асосан ўз вактида ва сифатли кўрсатиш;

(ii) бириктирилган аҳоли сонидан келиб чиқиб Давлат тиббий суфуртаси жамғармаси билан тиббий хизматлар харири бўйича шартнома тузиш;

(iii) оиласвий поликлиникаларда оиласвий шифокор, педиатр, акушер гинеколог ва ташхислаш бўйича мутахассислар ҳамда аутсорсинг асосида стоматолог хизматини йўлга қўйиш;

(iv) оиласвий шифокор томонидан хизмат кўрсатиладиган аҳоли сонидан келиб чиқиб оиласвий шифокор фаолиятини баҳолаб бориш;

(v) аҳолини индивидуал даволаш ва соғломлаштириш дастурлари асосида кафолатланган пакет доирасида зарур дори воситалари билан бепул таъминлаш;

(vi) оиласвий поликлиникадан 10 кмдан узок масофада жойлашган маҳалла фуқаролар йиғинларида яшовчи аҳоли учун тиббиёт ходимлари томонидан сайёр тиббий хизмат кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш;

(vii) касалликларни эрта босқичларда аниқлаш мақсадида тиббий кўриклиар ташкил этиш, Миллий профилактик эмлаш тақвимига мувофиқ ва фавқулодда ҳолатларда аҳолини эмлаш ишларини ташкил этиш, репродуктив саломатлик ва хавфсиз оналиқни таъминлаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини юритиш, жисмоний фаоллик, заарарли одатлардан воз кечиши бўйича тарғибот ишларини олиб бориш;

(viii) тор соҳа мутахассислари қабулига ва шифохоналарга электрон йўлланмалар бориш;

(б) туман (шаҳар) марказий шифохоналари учун:

(i) Давлат тиббий суфуртаси жамғармаси билан тиббий хизматлар хариди бўйича шартнома тузиш;

(ii) оиласвий шифокор йўлланмаси асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 сентябрдаги «Давлат тиббий суфуртаси меха-

низмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-311-сон қарорида белгиланган тартибда аҳолига бепул амбулатор ва режали стационар тиббий хизмат кўрсатиш;

(iii) ташхислаш ва даволаш стандартлари ҳамда клиник протоколларга қатъий амал қилган ҳолда аҳолига тиббий маслаҳат бериш, лаборатор, ташхислаш, амбулатор, стационар ҳамда шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш;

(iv) тор соҳа мутахассислари томонидан аҳоли орасида касалланиш, ногиронликнинг олдини олиш, ўлимни камайтириш бўйича профилактик тадбирларни (скрининг текширувлари, профилактик ва сайдер тиббий кўриклар) амалга ошириш.

6. Белгилаб қўйилсинки:

(а) туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлими фаолиятини ташкил этиш учун зарур бўлган штат бирликлари соғлиқни сақлаш тизимида амалга ошириладиган ислоҳотлар натижасида бўшайдиган штат бирликлари ҳисобидан шакллантирилади;

(б) туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлими:

(i) мустақил балансга, шахсий ғазна ҳисобварақларига, ўз номи давлат тилида ёзилган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган муҳрга, ўз фаолияти учун зарур бўлган бошқа атрибутларга эга давлат бошқаруви органи ҳисобланади;

(ii) фаолиятида тегишли туман (шаҳар) ҳокимлигига ва соғлиқни сақлаш бошқармасига бўйсунади;

(iii) туман (шаҳар) марказий шифохонаси, оиласвий поликлиникалар, тез тиббий ёрдам хизмати ҳамда санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимидан иборат таркибда фаолият юритади;

(iv) тиббиёт муассасаларининг молия-бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи ҳамда инсон ресурсларини бошқариш хизматини юритади;

(v) тасарруфидаги тиббиёт муассасалари ходимлари билан меҳнат шартномасини тузади ва бекор қилади.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

(а) туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлими ходимларига 2-иловага* мувофиқ тариф разрядларини қўллаган ҳолда иш хақи ҳисобланади ҳамда уларга худудий соғлиқни сақлаш бошқармалари ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этилади;

(б) туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлимининг бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармасига ўз тасарруфидаги тиббиёт муассасалари томонидан пулли асосда кўрсатилган тиббий хизматлар учун тушумлар миқдорининг 2 фоизи миқдорида ажратма ўтказилади.

8. Республиканинг барча давлат тиббиёт муассасаларида 2025 йил 1 июлдан бошлаб касалликнинг оғирлик даражаси ва даволашнинг мураккаблигидан келиб чиқиб, маҳсус кўнімларни талаб қиласиган даволаш чораларини кўрган ҳамда юқори хавф даражасига эга бўлган амалиётларни самарали амалга оширган шифокорларнинг ойлик лавозим маошларига 25 фоиздан 100 фоизгача тўлаш тизими жорий қилинсин.

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

III. Рақамлаштириш

9. Тажриба-синов лойиҳаси доирасида тиббиёт муассасаларини таъминлаш учун ахборот-коммуникация жиҳозлари ва тармоқ қурилмалари рўйхати З-иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

10. Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2025 йил 15 июнга қадар Тажриба-синов лойиҳаси амалга ошириладиган ҳудудларда, 2025 йил якунига қадар қолган ҳудудларда аҳолини «Электрон соғлиқни сақлаш» ахборот тизимида рўйхатдан ўтказсин ҳамда тиббиёт бригадаларига бириктирилишини таъминласин.

11. Рақамли технологиялар вазирлиги 2025 йил 1 июнга қадар «Электрон соғлиқни сақлаш» ахборот тизимида ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари порталида шахсий кабинет орқали аҳолини тиббиёт бригадасига бириктириш, оиласвий шифокор ва аҳоли ўртасида битим тузиш имкониятини яратсан.

IV. Тиббиёт ходимларининг билим ва кўникмаларини ошириш

12. Белгилансинки, Тажриба-синов лойиҳаси доирасида:

(а) бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари ва туман (шаҳар) марказий шифохоналарининг шифокор ва ўрта тиббиёт ходимлари шаффоф имтиҳонлар асосида ўрнатилган тартибда қайта ишга расмийлаштирилади. Бунда имтиҳонлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги билан биргаликда ташкил этилади ҳамда синовларда энг яхши натижага эришган ходимлар ишга қабул қилинади;

(б) оила саломатлиги бўйича маҳсус ўқув дастури, шунингдек, миллий клиник протоколлар асосида ўқитиладиган тиббиёт бригадаси ходимлари билимини баҳолаш мақсадида якуний тест синовлари топшириқлари Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги томонидан ишлаб чиқилади;

(в) туман (шаҳар) марказий шифохоналарининг олий маълумотли тиббиёт ва фармацевтика кадрларининг узлуксиз касбий тиббиёт таълимида тўпланадиган кредитлар ҳажмининг 144 таси Давлат бюджети маблағлари хисобидан таълим олиш орқали жамланади;

(г) тиббиёт бригадаси ходимларини оила саломатлиги юзасидан ўқитиш бўйича маҳсус ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва ўқитиш тиббий таълим муассасалари томонидан ҳамда раҳбар ходимларни менежерлик бўйича маҳсус ўқув дастури бўйича ўқитиш Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети томонидан амалга оширилади.

V. «Тиббиётда 90 кунлик ўзгаришлар» дастури

13. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш мақсадида жалб этилган турк эксперталари билан биргаликда тиббиёт муассасаларида аҳоли ҳамда тиббиёт ходимлари учун қулайликлар яратиш, тиббий хизмат сифатини оши-

* З-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ришга хизмат қилувчи «Тиббиётда 90 кунлик ўзгаришлар» дастури (кейинги ўринларда — Дастур) ишлаб чиқилгани маълумот учун қабул қилинсин.

14. Белгилансинки, 2025 йил 1 июндан бошлаб Дастур доирасида қисқа муддатда тиббиёт муассасаларида аҳоли учун қулай шароитлар яратиш ҳамда уларнинг тиббиётга бўлган ишончини ортириш мақсадида:

(а) тиббиёт муассасаларида кутиш заллари ташкил қилиниб, ўриндиқлар билан таъминланади, қулай рўйхатхоналар ташкил этилади ва онлайн қабулга ёзиши имкониятлари кенгайтирилади;

(б) аҳоли, bemорлар, ногиронлар харакатланиши учун қулайликлар яратилади;

(в) «Она ва бола» хоналари ташкил қилинади, хоналар ва ўйлаклар тежамкор замонавий ёритиш қурилмалари билан жиҳозланади;

(г) санитария-гиена хоналари таъмирланиб, шахсий гигиена воситалири билан таъминланади;

(д) тиббий хизматлар сифатини ошириш ҳамда аҳоли ва bemорлар учун қулайликлар яратиш имконини берувчи бошқа тадбирлар амалга оширилади.

VI. Қарорда белгиланганд тадбирларни молиялаштириш

15. Белгилансинки, қурилиш-таъмирлаш ишлари, шу жумладан, туман (шаҳар) марказий шифохонаси бўлинмалари, оиласий поликлиникалар учун бино ва иншоотларни қуриш Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Бунда 2025 — 2027 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида соғлиқни сақлаш соҳасига ажратиладиган маблағлар биринчи навбатда мазкур мақсадларга йўналтирилади.

16. Тиббиёт ходимларининг иш ҳақи микдорини қайта кўриб чиқиш, малакасини ошириш, билим ва қўнімларини баҳолаш ҳамда уларни рағбатлантириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш қўйидаги манбалар ҳисобидан амалга оширилсин:

(а) ўқув курслари ва ходимлар билимини баҳолашни ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар — Давлат бюджетидан тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш учун ажратилган маблағлар ҳамда Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари;

(б) иш ҳақи микдорини қайта кўриб чиқиш, оила саломатлиги бўйича маҳсус ўқув дастурининг ҳар бир босқичи якуни бўйича тиббиёт бригадаси ходимларига қўшимча устама тўлаш билан боғлиқ харажатлар — Давлат бюджети маблағлари;

(в) тиббиёт, фармацевтика ва раҳбар ходимлар фаолиятини самарадорлик кўрсаткичлари асосида моддий рағбатлантириш — тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари.

17. Дастурдаги тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар тиббиёт муассасаларининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 майдаги

ПФ–88-сон Фармонига мувофиқ, маҳаллий бюджетлар томонидан ажратила-диган маблағлар тенг улушларда ахборот-коммуникация жиҳозлари ва тармоқ қурилмалари харид қилишга ва Дастурдаги тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилсин. Бунда зарур ҳолларда, ажратилган маблағлар Тажриба-си-нов лойиҳаси доирасида белгиланган бошқа тадбирларни молиялаштиришга ҳам сарфланиши мумкин.

19. Республика бюджети ва маҳаллий бюджетлардан ажратилган маблағлар, шунингдек, ҳалқаро ташкилотларнинг кредит ва грант маблағла-ри тиббиёт муассасаларини З-иловада белгиланган ахборот-коммуникация жиҳозлари ва тармоқ қурилмалари билан таъминлаш харажатлари учун йўналтирилсин.

VII. Кадрлар таъминоти

20. Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

(а) 2025 йил 1 июнга қадар Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Кам-бағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан келишган ҳолда Таж-риба-си нов лойиҳаси доирасида тиббиёт муассасаларининг штат меъёрлари-ни қайта кўриб чиқиб, тасдиқласин;

(б) имтиҳон натижалари асосида ишга қабул қилинмаган ходимларга тиббиёт муассасаларидағи мутахассислигига мос бўш иш ўринларини таклиф қилсин ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан бир-галикда уларни ишга жойлаштириш чораларини кўрсин;

(в) республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ва уларнинг ҳудудий филиаллари мутахассисларидан иборат мобил ишли гурухлар ташкил қилсин ҳамда 2025 йил 1 июндан бошлаб уларни тиббиёт муассасаларига бириктирсин. Бунда марказлар раҳбарлари бириктирилган тиббиёт муассасаларида бизнес жараёнларини тўғри ва сифатли йўлга қў-йиш, муассасадаги тиббиёт ходимларига янги тизим бўйича ишлашни ўрга-тиш, кадрлар таъминоти ҳамда Тажриба-си нов лойиҳасида назарда тутилган барча тадбирларни ташкил этиш бўйича шахсан масъул ҳисобланади.

VIII. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

21. Тажриба-си нов лойиҳаси доирасида тиббиёт ёрдам кўрсатишда аҳоли ҳамда тиббиёт ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

22. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Сирдарё вилояти ҳокимлиги билан бир-галикда бир ой муддатда Гулистон тиббиёт кластери таркибига вилоят тиб-биёт муассасаларини киритиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф кирит-син.

23. Соғлиқни сақлаш вазирлиги уч ой муддатда аҳоли ва тиббиёт хо-димларининг ҳуқуқий муносабатлари ҳамда тарафларнинг ҳуқуқ ва маж-буриятлари юзасидан Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги Қонунига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

24. Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Соғлиқни сақлаш лойиҳалари маркази» лойиҳа оғиси билан биргаликда Тажриба-синов лойиҳаси доирасида лойиҳа амалиётга жорий этилгунга қадар ҳамда 2026 йил якуни бўйича амалдаги соғлиқни сақлаш тизимидан қоникиш даражасини аниқлаш мақсадида ахоли ва тиббиёт ходимлари ўртасида сўровнома ўтказсин. Бунда сўровнома ўтказиш билан боғлиқ харажатлар «Соғлиқни сақлаш лойиҳалари маркази» лойиҳа оғисига Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан қоплансин.

25. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi ва вилоят ҳокимлеклари билан биргаликда иккى ой муддатда Тажриба-синов лойиҳаси доирасида мавжуд бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларини хатловдан ўтказсин. Бунда хатлов натижаларига кўра:

(а) бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларидан узоқ масофада жойлашган ва зарур инфратузилма (электр, сув, оқова сув тизими, атрофни ободонлаштириш ва бошқалар) ҳамда тиббий ускуналар ва жиҳозлар билан таъминланган маҳсус контейнерларда ташкил этилган маҳалла тиббиёт пунктларини оиласиёй поликлиниканинг филиали сифатида қайта ташкил этиш ва қолганларининг фаолиятини тўхтатиши;

(б) амалда бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасасининг филиали сифатида фаолият юритаётган тиббиёт муассасаларини оиласиёй поликлиникага айлантириш ёки тугатиши;

(в) туман (шахар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларига бириклирилган аҳолини улар жойлашган бинода ташкил этиладиган ёки бошқа оиласиёй поликлиникаларга бириклириши;

(г) барча оиласиёй поликлиникаларни белгиланган тартибда рақамлаш чораларини кўрсинг.

26. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда ҳалқаро эксперталарни жалб қилган ҳолда 2025 йил якунига қадар 14 та туман (шахар)да аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами ва стационар хизмат кўрсатишни яхлит тизим сифатида давлат-хусусий шериклик тамоилии асосида ривожлантириш бўйича Вазирлар Мажкамасига тақлиф киритсин.

27. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда 2025 йил якунига қадар соғлиқни сақлаш тизимидағи ходимларнинг малака тоифалари, иш стажи ва лавозимлари бўйича базавий тариф ставкаларини белгилаган ҳолда раҳбар ва ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш бўйича қарор лойиҳасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Мажкамасига киритсин.

28. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳамда соғлиқни сақлаш вазирига Дастурда белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши ҳамда амалиётга жорий этилиши бўйича шахсий жавобгарлик юклансин.

29. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири А.А. Худаяров, Қорақал-

погоистон Республикаси Вазирлар Кенгashi Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

30. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Баш вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ижтимоий ривожланиш департаменти раҳбари О.К. Абдурахманов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 19 май,
ПҚ-185-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 19 майдаги
ПҚ-185-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Тажриба-синов лойиҳаси доирасида тиббий ёрдам
кўрсатишда аҳоли ҳамда тиббиёт ходимларининг
хуқуқ ва мажбуриятлари**

1. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатишда уларнинг хуқуклари ва манфаатлари Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ таъминланади.

2. Аҳолига уларнинг соғлигини сақлаш билан боғлиқ қўйидаги мажбуриятлар юклатилади:

(а) ўз соғлиги ҳақида ғамхўрлик қилиш, уни сақлаш, мустаҳкамлаш ва тиклаш бўйича ўз вақтида чоралар кўриш;

(б) соғлом турмуш тарзига риоя этиш;

(в) санитария-эпидемиологик талабларга риоя қилиш;

(г) танланган ташхислаш ва даволаш тактикасини амалга ошириш учун тиббиёт ходимларининг тавсияларини сўзсиз бажариш;

(д) ўзида жамоат саломатлиги учун хавф тугдирадиган касалликлар, одамнинг иммунитет танқислиги вируси мавжудлиги ва ўзгалар соғлигига зарар етказувчи бошқа ҳолатлар бўлса, улар тўғрисида тиббиёт ходимларига хабар бериш, шунингдек, бошқа одамлар билан алоқада бўлганда зарур эҳтиёт чораларини кўриш;

(е) тиббиёт ходимларининг сўровига асосан дори воситаларини қўллаш чоғида аввал аниқланган аллергик реакциялари ёки номутаносиблиги ҳақида уларни хабардор қилиш;

(ж) тиббиёт ходимларининг сўровига асосан ўзининг ва яқин қариндошларининг наслий касалликлари ҳамда олдин бошидан кечирган хасталиклари ҳақида уларга маълумот тақдим этиш;

- (з) bemorlar учун ўрнатилган тартиб-коидаларга riоя қилиш;
 - (и) agar bemor avval boшқа тиббиёт muассасаларiga мурожаат қилган бўлса, олган муолажалари, қўйилган ташхислар ва тавсиялар ҳақида тиббиёт ходимларiga маълумот бериш;
 - (к) соғлиғидаги кескин ёки босқичма-босқич ўзгаришлар ҳақида тиббиёт ходимларini хабардор қилиш;
 - (л) тиббиёт ходимлari ва хизмат кўрсатувчи ходимларга ҳурмат кўрсатиш;
 - (м) соғлиқни сақлаш ташкилотининг мол-мулкига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш;
 - (н) қонунчилик ҳужжатларiga мувофиқ boшқa мажбуриятлар.
3. Tiбbiёт ходимlari ўз меҳнат фаолиятини амалга оширишда қўйидаги ҳуқуқларга эга:
- (а) amalдagi ташхислаш va даволаш стандартлари, клиник протоколлар асосида ҳамда ваколати доирасида bemorга ташхis қўйиш va даволаш тадбирларini белгilaш, дори va сарфлов воситаларini буюриш ҳамда қўллаш;
 - (б) bemorларнинг ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида зарур тиббий чора-тадбирларни амалга ошириш;
 - (в) iш берувчидан малакали va сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш учун зарур шaroit яратилишини талаб қилиш;
 - (г) меҳнат va меҳнатни муҳофaza қилиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлari талабларiga мувофиқ меҳнат шaroitларида iшлаш;
 - (д) қонуний ҳимояга эга бўлиш;
 - (е) kасбий малакасини ошириш, kасбий bилим va амалий қўнималарга мувофиқ малакa тоифаларini олиш;
 - (ж) илмий-тадқиқот iшларида iштиrok этиш;
 - (з) тиббий фаолиятга oид янгилик va инновацияларни жорий этиш;
 - (и) қонунчилик ҳужжатларiga мувофиқ тиббий va фармацевтика жамоат бирлашмаларini тузиш;
 - (к) қонунчилик ҳужжатларiga мувофиқ boшқa ҳуқуқлар.

4. Tiбbiёт ходимlariга аҳолининг соғлиғини сақлашда қўйидаги мажбуриятлар юклatiлади:

- (а) соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларiga riоя қилиш;
- (б) ўз лавозим вазифаларini компетенциялари доирасида бажариш;
- (в) bemorларга малакали va сифатли тиббий ёрдам кўrсатиш;
- (г) amalдagi ташхислаш va даволаш стандартлари ҳамда клиник протоколларга riоя этиш;
- (д) bemorларга самарадорлиги исботланган дори va сарфлов воситаларini асослантирилган ҳолда буюриш va қўллаш. Бунда турли фармацевтика маҳсулотлari iшlab чиқарувchi va реализация қилувchи ташкилотлар манфаатларini қўллаб-куvvatlamaslik;
- (е) bemorларнинг тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилганлиги, соғлиғinинг ҳолати, қўйилган ташхis тўғрисидаги маълумотлari ҳамда уни текшириш va даволаш чоғида олинган boшқa маълумотларни сир saқлаш;
- (ж) тибbiёт соҳасининг ахлоқий va kасbий meъёрлariга amal қилиш,

тиббий этика ва деонтология принципларига риоя қилиш ҳамда беморларни ҳурмат қилиш;

(з) тиббий аралашувга бемор ёки унинг қонуний вакилининг розилиги ёки рад этишини аниклаш;

(и) зарур ҳолларда бемор ҳолати бўйича бошқа мутахассислар иштирокида консилиум ўтказиш ва улардан маслаҳатлар олиш;

(к) тиббий хатоларнинг олдини олиш ва ўз ваколати ҳамда компетенцияларидан ташқарига чиқмаслик;

(л) давлат мол-мулкига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш;

(м) қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

257 2025 — 2030 йилларда болалар саратонига қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий стратегиясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида»ги ПФ-158-сон Фармони билан ахоли саломатлигини таъминлаш соҳасида белгиланган вазифаларни, шунингдек, онкологик ва онкогематологик касалликларга чалинган болаларни профилактика қилиш, ташхислаш, даволаш ва реабилитация қилиш тизимини тубдан такомиллаштиришга, уларнинг хаёт сифатини яхшилашга, касалликларни эрта аниқлаш, комплекс терапия қилиш ва халқаро стандартларга мувофиқ узок муддатли кузатув олиб бориш имконини берадиган қулай, юқори технологик ва инновацион тиббий инфратузилмани яратишига, педиатрия хизмати ҳамда болалар онкологияси, гематологияси ва иммунологияси хизматининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган глобал ва миллий стратегик ташаббусларни амалга ошириш мақсадида **қарор қиласман:**

I. Мақсадлар

1. Қўйидагилар 2025 — 2030 йилларда Ўзбекистонда болалар саратонига қарши курашишнинг асосий мақсадлари этиб белгилансин:

- (а) болалар саратонини эрта босқичларда аниқлаш ҳолатлари улушкини 65 фоизгача ошириш;
- (б) онкологик ва онкогематологик касалликларга чалинган болаларнинг бир йиллик яшовчанлигини 34 фоиздан 90 фоизгача, беш йиллик яшовчанлигини эса камида 60 фоизгача ошириш;
- (в) саратон касаллигига чалинган болаларни 100 фоиз ихтисослаштирилган тиббий ёрдам билан қамраб олиш;
- (г) онкогематологик касалликларга ташхис қўйиш муддатларини 4 кунгача ва онкологик касалликларга ташхис қўйиш муддатларини 14 кунгача қисқартириш;
- (д) онкологик ва онкогематологик касалликларни даволашни 10 кундан 20 кунгача бўлган муддатда бошлаш;
- (е) бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида болалар саратони белгиларини аниқлаш учун шароитлар яратиш;
- (ж) кадрлар салоҳиятини ошириш, устувор тартибда ҳудудлардаги тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, болалар саратонига қарши курашишнинг барча бўғинларида бизнес жараёнларни рақамлаштириш.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 21 майдага эълон қилинган.

II. Болалар саратонига қарши курашиш бўйича миллий стратегия

2. Халқаро эксперталар ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти иштирокида 2025 — 2030 йилларда болалар саратонига қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий стратегияси (кейинги ўринларда — Стратегия) ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ушбу Фармон билан белгиланган мақсад ва устувор вазифаларга эришиш учун қўйидагилар тасдиқлансан:

(а) 2025 — 2026 йилларда болалар саратонига қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури 1-иловага* мувофиқ;

(б) 2025 — 2030 йилларда болалар саратонига қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий стратегиясини амалга оширишнинг мақсадли кўрсаткичлари 2-иловага* мувофиқ.

4. Белгилансинки, Стратегия Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган икки йиллик чора-тадбирлар режалари асосида амалга оширилади.

III. Устувор вазифалар

5. Қўйидагилар Стратегиянинг устувор вазифалари этиб белгилансан:

(а) саратон (онкологик, онкогематологик) касалликларга чалинган болаларнинг профилактикаси, диагностикаси, касалликларни эрта аниқлаш, даволаш ва парваришлиш тизимини қўйидагилар орқали такомиллаштириш:

(i) тиббиёт бригадаси ходимларининг саратон касалликларига шубҳаларни аниқлаш учун сўровнома, тиббий кўрик ва бирламчи скрининг ўтказиш бўйича малакасини ошириш;

(ii) барча туман (шахар)ларда саратон ва бошқа касалликларни эрта босқичларда ташхислаш имконини берувчи зарур ускуналар билан жиҳозланган марказий лабораториялар хизматини ривожлантириш;

(iii) саратонга шубҳа қилинган болаларни тезлаштирилган холда ташхислаш ва даволаш тизимини («яшил» йўлак) жорий этиш, бунда болалар онкологияси, гематологияси ва иммунологияси хизматининг бутун вертикали бўйлаб беморларни йўналтириш регламентини тасдиқлаш ва унга риоя қилишни назарда тутиш;

(iv) тиббий маълумотларни бошқариш жараёнларини рақамлаштириш, тиббиёт ходимларини ўз фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини қўллашга ўқитиши, шунингдек, сунъий интеллект имкониятларидан фаол фойдаланиш ҳисобига ташхислаш ва даволаш усусларини такомиллаштириш;

(б) қўйидагилар ҳисобига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва ўлим ҳолатларини камайтириш:

(i) барча даражалардаги саратонга қарши курашиш муассасалари фаолиятига инновацион технологиялар ва илмий-амалий тадқиқотлар натижаларини жорий этиш, шунингдек, худудларнинг мутахассис кадрлар билан

* 1-2-иловалар «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тўйлдирилишини таъминлаш ҳамда уларнинг малакасини узлуксиз ошириш ва тайёрлаш тизимини яратиш;

(ii) халқаро маслаҳатчилар ва ҳамкорларнинг тавсияларига мувофиқ халқаро стандартлар ва даволаш протоколларини жорий этиш;

(iii) Болалар онкологияси, гематологияси ва иммунологияси илмий-амалий тиббиёт маркази (кейинги ўринларда — Марказ), шунингдек, ҳудудий болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш орқали юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш инфратузилмасини шакллантириш;

(iv) туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларини замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда дори воситалари билан узлуксиз таъминлаш;

(в) саратон касаллигига чалинган болалар ва уларнинг оиласлари учун паллиатив ёрдам ва хоспис тизимини такомиллаштириш ҳисобига bemorларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш;

(г) профилактик тадбирларни фаоллаштириш ва аҳолининг болалар саратони ҳақида хабардорлигини ошириш.

IV. Стратегияни жорий этиш лойиҳаси

6. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қўйидагиларни назарда тутувчи Стратегияни жорий этиш лойиҳасини (кейинги ўринларда — Лойиҳа) 2025-2026 йилларда Самарқанд шахри ва Иштихон туманидаги тиббиёт муассасалари базасида амалга ошириш ҳамда уни келгусида зарур шарт-шароитлар яратилишига қараб мамлакатнинг бошқа ҳудудларига параллел равишда кенгайтириш бўйича таклифига розилик берилсин:

(а) тиббиёт бригадаси ходимларини саратон касалликларига бирламчи шубҳаларни аниқлаш бўйича сўровнома ва тиббий кўрик ўтказиш ҳамда бирламчи скрининг тартиб-қоидаларига ўқитиш орқали тиббиёт ходимларининг онкологик ва онкогематологик ҳушёргилигини ошириш;

(б) bemorларни ўналтиришнинг касалликларни туман даражасида аниқлаш ва бирламчи ташхис қўйиш, ҳудудий ва республика даражаларида ташхисни тасдиқлаш ва юқори технологик даволаш, реабилитация қилиш ва паллиатив ёрдам кўрсатиш тамойили бўйича ишлайдиган янги тизимини жорий этиш;

(в) касалликларни эрта аниқлаш ва ташхис қўйиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, bemornинг ўналтирилишини назорат қилиш учун тиббиёт ходимларининг болалар билан ишлаш жараёнларини рақамлаштириш ва сунъий интеллект технологияларини жорий этиш;

(г) туман (шаҳар), вилоят ва республика даражасидаги тиббиёт муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

(д) bemor болаларга амбулатория ва стационар даражада паллиатив ёрдам кўрсатишни жорий этиш.

V. Лойиҳани жорий этишнинг ташкилий-техник таъминоти

7. Қўйидагилар тасдиқлансин:

(а) Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари учун қўшимча биноларни қуриш режаси 3-иловага* мувофиқ;

(б) Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларига қарашли тиббиёт муассасаларини ва болалар шифохоналарини жихозлаш учун тиббий асбоб-ускуналар рўйхати 4-иловага* мувофиқ;

(в) Болалар шифохоналарини жихозлаш учун тиббий асбоб-ускуналар рўйхати 4а-иловага* мувофиқ.

8. Рақамли технологиялар вазирлиги ва «Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор — «UZINFOCOM» МЧЖ Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда:

(а) 2025 йил 1 июлга қадар «Электрон соғлиқни сақлаш» ахборот тизимида:

(i) онкологик ва онкогематологик касалликларга чалинган болаларни рўйхатга олиш, ташхислаш, даволаш, диспансер кузатуви ҳамда йўналтириш жараёнларини ўз ичига олган bemorlarning рақамлаштирилган маршрутини жорий этсин;

(ii) тиббиёт ходимларини ўқитиш ва фойдаланувчилар учун қулай интерфейс яратиш орқали шифокор қабулига масофадан ёзилиш ҳамда онлайн консультациялар ўтказиш имкониятини яратсин;

(б) 2025 йил якунига қадар Лойиҳани амалга ошириш доирасида сунъий интеллект технологияларини жорий этишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 майдаги «Онкологик, гематологик ва иммунологик касалликларга чалинган болаларга тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-183-сон қарорига мувофиқ, Вена тиббиёт университети (Австрия) ва «AME International» (Австрия) компанияси вакилларидан иборат консорциум томонидан қўйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистонда болалар онкологияси, гематологияси ва иммунологияси хизматини такомиллаштириш бўйича мастер режа (кейинги ўринларда — Мастер режа) ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

(а) Марказда ва болалар онкологияси, гематологияси ва иммунологияси хизматининг вертикали бўйлаб болаларни юқори самарали ташхислаш, даволаш, реабилитация қилиш ва паллиатив ёрдам кўрсатиш бўйича жаҳон стандартлари, протоколлари ва тавсияларини жорий этиш;

(б) болалар онкологияси, гематологияси ва иммунологияси хизматини бошқариш вертикаллининг самарадорлигини ошириш, шу жумладан, кадрлар салоҳиятини ривожлантириш, тиббиёт ходимлари учун хорижий стажировкалар ва бошқа таълимга оид тадбирларни ташкил этиш;

(в) Марказ худудида Мастер режада назарда тутилган объектларни, шу жумладан, симуляция маркази жойлашган асептик блок, лаборатория-диагностика ҳамда радиология блоки ва нур терапияси бўлимини, поликлиника ва маъмурий бинони лойиҳалаштириш, қуриш, янгилаш ва жихозлаш.

* 3 — 4а-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

10. Марказга, истисно тариқасида, «AME International» компанияси билан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали камида 50 фоиз миқдорида аванс тўловларини амалга ошириш имконияти билан 2025 — 2027 йиллар давомида Мастер режани бошқариш ва амалга ошириш бўйича ЕРС шартнома тузишга рухсат берилсин.

11. Болалар онкологияси, гематологияси ва иммунологияси хизматининг академик, илмий ва кадрлар салоҳиятини ривожлантириш ҳамда минтақа давлатлари ўртасида болалар онкогематологияси бўйича тажриба алмашиб мақсадида етакчи Европа университетлари клиникалари кўмагида Марказ хузурида давлат муассасаси шаклида Болалар саратони бўйича халқаро академик хаб (кейинги ўринларда — Академик хаб) ташкил этилсин.

12. Белгилансинки, Академик хаб илмий-таълим муассасаси ҳисобланади ҳамда унга қўйидаги асосий вазифалар юклатилади:

(а) халқаро сертификатлаштириш ва узлуксиз тиббий таълим тизими бўйича баллар тўплаш стандартларига мос келадиган халқаро таълим дастурларини жорий этиш;

(б) қайта тайёрлаш ва малака оширишни ташкил этиш орқали болалар онкологияси, гематологияси ва иммунологияси хизмати учун малакали тиббий ва илмий кадрларни тайёрлаш;

(в) болаларда онкологик ва онкогематологик касалликларни эрта аниқлаш, ташхислаш ва даволашнинг замонавий усусларини ишлаб чиқиши ва жорий этишга қаратилган болалар онкологияси, гематологияси ва иммунологияси соҳасида илғор клиник ва амалий тадқиқотларни татбиқ қилиш ва инновацияларни жорий этиш;

(г) тиббиёт муассасаларининг болалар онкологияси, гематологияси ва иммунологияси соҳасидаги илмий салоҳиятни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, шунингдек, халқаро ҳамкорликни ҳамда глобал академик ва тадқиқот тармоқларига интеграциялашувни ривожлантириш;

(д) етакчи хорижий фармацевтика компаниялари ва тиббиёт марказлари билан биргаликда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг талабларига мувофиқ белгиланган тартибда истиқболли дори воситалари ва даволаш методикаларининг клиник синовларини ўтказиш;

(е) стратегик режалаштириш ва профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқиши учун болалар саратони билан касалланишнинг эпидемиологик тенденцияларини таҳлил қилиш ва прогнозлаш.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 майдаги «Онкологик, гематологик ва иммунологик касалликларга чалинган болаларга тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-183-сон қарори билан тасдиқланган Болалар онкологияси, гематологияси ва иммунологияси илмий-амалий тиббиёт марказининг кузатув кенгашига:

(а) Академик хабнинг таъсис ҳужжатларини, харажатлар ва даромадлар сметасини ҳамда тузилмасини тасдиқлаш;

(б) Академик хабда таҳсил олиш учун бюджет маблағлари ҳисобидан грант квоталарини белгилаш;

(в) хорижий тингловчилар учун ўқитиши харажатлари миқдорини белгилаш ҳуқуқи берилсин.

14. Белгилаб қўйилсинки, 2028 йил 1 январга қадар республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва белгиланган тартибда тасдиқланган рўйхатлар бўйича Академик хаб учун олиб кириладиган ўқув ва илмий лаборатория жиҳозлаши, компьютер техникаси, мультимедиа маҳсулотлари, ўқув ва илмий-методик адабиётлар, инвентар ва моддий-техника ресурслари божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви йифимларидан ташқари) озод қилинади.

15. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Академик хаб фаолиятини ташкил этиш ва жойлаштириш бўйича қарор қабул қилсин ҳамда уни молиялаштириш манбай этиб Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари белгилансин.

VI. Молиявий таъминот

16. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Марказнинг асосланган ҳисоб-китоблари асосида 2025 йилда онкологик, онкогематологик ва иммунологик касалликларга чалинган болаларни дори воситалари билан таъминлаш учун қўшимча маблағлар ажратсин, 2026 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда зарур маблағларни назарда тутсин.

17. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда Стратегияни амалга ошириш доирасида зарур моддий-техник базанинг тайёрлиги ва кадрлар таъминотидан келиб чиқиб, тиббиёт муассасаларининг штат нормативлари қайта кўриб чиқилишини ҳамда зарур мутахассислар лавозимлари киритилишини таъминласин.

18. Белгилаб қўйилсинки:

(а) мазкур қарор ижросини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар 2025 йилда Давлат бюджетидан қўшимча ажратиладиган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади, 2026 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларидан назарда тутилади;

(б) худудий болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари учун қўшимча биноларни қуришни молиялаштириш 2025 — 2027 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

(в) Тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш халқаро молия институтлари ва «KfW» банки (Германия Федератив Республикаси) маблағлари, Соғлиқни сақлаш вазирлигига ажратилган маблағлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси бенефициар бўлган халқаро келишувлар доирасида амалга оширилади;

(г) Академик хабни яратиш ва жиҳозлаш халқаро молия институтлари ва техник кўмак маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

19. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Австрия хукумати ва Европа Иттифоқи, халқаро молия институтлари ва хорижий хукумат молия ташкилотлари маблағлари, шу жумладан, Ислом

тараққиёт банкининг техник кўмак ва имтиёзли кредит маблағларини Мастер режани бошқариш ва амалга ошириш лойиҳасини биргаликда молиялаштириш, шунингдек, Академик хабни яратиш ва жихозлаш лойиҳасини амалга ошириш учун жалб қилсан.

VII. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

20. Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир ҳафта муддатда Стратегияни ўзининг расмий веб-сайтида жойлаштиурсин.

21. Вазирлар Маҳкамасига Лойиҳа амалга оширилишига ва бошқа худудларда босқичма-босқич жорий этилишига қараб Стратегия параметрларига, шунингдек, қурилиш-монтаж ишлари ва тибиёт муассасаларини жихозлаш дастурларига тузатишлар киритиш хуқуқи берилсан.

22. 2025 — 2030 йилларда болалар саратонига қарши курашиб бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий стратегияси чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича ишчи гурух (кейинги ўринларда — Ишчи гурух) 5-иловага* мувофиқ таркибда тузилсин, унинг асосий вазифалари этиб норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини сифатли ишлаб чиқиш, шунингдек, Стратегияни амалга оширишга кўмаклашиш белгилансин.

23. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Марказ билан келишган ҳолда икки ой муддатда халқаро стандартларга кўра болалар онкогематологияси бўлинмалари учун 30 — 80 ўринга мўлжалланган биноларнинг (зарур ҳолларда, нур диагностикаси ва терапияси учун бинолар билан бирга) намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқсин.

24. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар хокимликлари:

(а) болалар онкогематологияси бўлинмалари блоклари биноларини қуришда тасдиқланган намунавий лойиҳаларга қатъий риоя этилиши, ер участкалари ажратилиши ва тайёрланиши, зарур муҳандислик коммуникациялари олиб борилишини таъминласин;

(б) Стратегия ва уни амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида сифатли ижро этилишини таъминласин.

25. Соғлиқни сақлаш вазирлиги қўйидагиларни назарда тутувчи норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсан:

(а) Марказ билан биргаликда ва халқаро ҳамда маҳаллий эксперктларни жалб қилган ҳолда 2025 йил 1 августга қадар Болалар саратонига қарши курашишнинг 2026 — 2035 йилларга мўлжалланган миллий режасини;

(б) икки ой муддатда Кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш бўйича 2025 — 2030 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастуруни;

(в) 2025 йил якунига қадар Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги,

* 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Кишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси билан биргаликда онкологик ва гематологик касалликларни ўз ичига олган юқумли бўлмаган касалликларга қарши курашиш бўйича профилактик чора-тадбирлар дастурини.

26. Олий Мажлис палаталарига Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари мажлисларида тегишли давлат органлари раҳбарларининг мазкур қарорни амалга ошириш доирасида қилинган ишлари тўғрисидаги ҳисботларини мунтазам эшитиб боришни ташкил этиш тавсия этилсин.

27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 майдаги «Онкологик, гематологик ва иммунологик касалликларга чалинган болаларга тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-183-сон қарорига 6-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

28. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда оммавий ахборот воситаларида мазкур қарорнинг мақсад ва вазифалари, шунингдек, Стратегиянинг амалга оширилиши ва мақсадли кўрсаткичларига эришишининг бориши кенг ёритилишини таъминласин.

29. Мазкур қарорнинг самарали ижросини ташкил этиш учун шахсий жавобгарлик соғлиқни сақлаш вазири А.А. Худаяров зиммасига юклансин.

30. Қарор ижросини мухокама қилиб бориш, унинг ижроси учун масъул бўлган ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Ижтимоий ривожланиш департаменти раҳбари О.К. Абдурахманов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 19 май,
ПҚ-186-сон

* 6-и洛ва «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

258 Ҳуқуқий эксперимент тариқасида давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ маъмурий ҳужжатлар бўйича низоларни судгача кўриб чиқишининг янги тартибини жорий этиш тўғрисида*

Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда қўшимча қулайликлар яратиш, шунингдек, давлат хизматларини кўрсатишдаги маъмурий ҳужжатлар бўйича низоларни судгача кўриб чиқиши тизимини такомилластириш мақсадида **қарор қиласман**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24 майдаги «Маъмурий ислоҳотлар доирасида адлия органлари ва муассасаларининг масъулиятини янада ошириш ҳамда ихчам бошқарув тизимини шакллантириш тўғрисида»ги ПФ-80-сон Фармонига мувофиқ 2026 йил 1 июля қадар ҳуқуқий эксперимент тариқасида:

(а) Тошкент шаҳрида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган айрим давлат хизматларини кўрсатиш бўйича маъмурий ҳужжатларни судгача кўриб чиқишининг янги тартиби жорий этилиши;

(б) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ҳузурида апелляция кенгашлари (кейинги ўринларда — апелляция кенгашлари) ташкил этилиши;

(в) маъмурий органларнинг давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида ги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган маъмурий ҳужжатларини апелляция кенгашлари томонидан кўриб чиқиш манфаатдор шахсларнинг шикоятлари ҳамда давлат хизматларини кўрсатишни мониторинг қилиш натижаларига кўра амалга оширилиши;

(г) апелляция кенгашларининг қарорлари юзасидан манфаатдор шахс томонидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкинлиги, маъмурий органлар учун эса мазкур қарорлар қатъий ҳисобланиши ва уларнинг устидан шикоят қилиниши мумкин эмаслиги белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўйидагилар:

(а) Давлат хизматларини кўрсатиш бўйича маъмурий ҳужжатларнинг қонунчиликка мувофиқлигини судгача кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги вақтнчалик низом (кейинги ўринларда — Вақтнчалик низом) 1-иловага мувофиқ;

(б) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Апелляция кенгашининг намунавий таркиби 2-иловага** мувофиқ;

(в) Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ҳузуридаги Апелляция кенгашининг намунавий таркиби 3-иловага** мувофиқ тасдиқлансан.

3. Белгилансинки:

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 20 майда эълон қилинган.

** 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

(а) апелляция кенгашлари Вақтингчалик низомда назарда тутилган давлат хизматлари юзасидан қабул қилинган маъмурий ҳужжатларнинг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлигини судгача кўриб чиқувчи юридик шахс мақомига эга бўлмаган коллегиал органлар ҳисобланади;

(б) Адлия вазирлиги ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаси тегишлилиги-га кўра апелляция кенгашларининг ишчи органлари ҳисобланади;

(в) апелляция кенгашлари маъмурий ҳужжатларни судгача кўриб чиқиш орқали уларни қисман ёки тўлиқ бекор қилиш, шунингдек, маъмурий ҳужжатларга ўзгартириш киритиш бўйича маъмурий органга мажбурият юклаш ҳақида қарорлар қабул қилиш ваколатига эга;

(г) апелляция кенгашлари ўз фаолиятини давлат органлари, бошқа ташкилотлар ва мансабдор шахслардан мустақил равишда амалга оширади;

(д) апелляция кенгашларининг қарорлари қонунчиликда белгиланган тартибда «Е-лагог» электрон тизимиға жойлаштириб борилади.

4. Хукукий эксперимент доирасида тегишли давлат хизматларини кўрсатиш бўйича ваколатли органларнинг биринчи раҳбарларига қўйидагиларни таъминлаш бўйича шахсий масъулият юклансин:

(а) апелляция кенгашларининг қонуний талабларини сўзсиз бажариш;

(б) апелляция кенгашлари қарорларининг ижросини таъминлаш;

(в) ахборот тизимларида шикоятларни кўриб чиқиш босқичларини узлуксиз кузатиб бориш ҳамда апелляция кенгашларининг қарорлари ижросини таъминлаш юзасидан техник имкониятларни жорий этиш;

5. Адлия вазирлиги Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида ва тегишли давлат хизматларини кўрсатиш бўйича ваколатли органларнинг ахборот тизимларида қўйидаги қўшимча имкониятларни яратсин:

(а) апелляция кенгашларининг қарорларини манфаатдор шахсларнинг шахсий кабинетига юбориш;

(б) манфаатдор шахслар томонидан маъмурий органнинг давлат хизматини кўрсатиш билан боғлиқ қарори устидан берилган шикоятни ушбу давлат хизматини кўрсатиш бўйича илгари берилган ариза билан ўзаро боғлаш;

(в) апелляция кенгашлари томонидан ваколатли органларнинг маъмурий ҳужжатини ўзгартириш, қисман ёки тўлиқ бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилинган тақдирда, ушбу давлат хизматини кўрсатиш бўйича берилган аризалар Ягона интерактив давлат хизматлари порталида қайта кўриб чиқиш босқичига ўтказилишини таъминлаш;

(г) шикоятлар статистикасига оид маълумотларни эълон қилиб бориш.

6. Манфаатдор вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари апелляция кенгашлари аъзоларининг мазкур кенгашлар фаолиятида мунтазам равишда иштирок этиб боришини таъминласин.

7. Адлия вазирлиги ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасига апелляция кенгашлари томонидан шикоятларни ҳамда давлат хизматларини кўрсатишни мониторинг қилиш натижаларини кўриб чиқиш жараёнида мутахассис ва

экспертларни жалб қилиш ва улар билан фуқаролик-хуқуқий тусдаги шартномалар тузиш хуқуқи берилсин.

Бунда апелляция кенгашлари фаолияти билан боғлиқ барча харажатларни молиялаштириш, шу жумладан, жалб қилинган мутахассис ва эксперталарга ҳақ тўлаш Адлия вазирлигининг ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг бюджетдан ташқари маблағлари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

8. Адлия вазирлиги хуқуқий эксперимент натижалари бўйича маъмурий ҳужжатларни судгача кўриб чиқишининг янги тартибини тўлиқ жорий этиш юзасидан таклифларни 2026 йил 1 августга қадар Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб адлия вазири А.Д. Ташкулов белгилансин.

10. Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Д.Б. Кадиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 19 май,
ПҚ-188-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 19 майдаги
ПҚ-188-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Давлат хизматларини кўрсатиш бўйича маъмурий
хужжатларнинг қонунчиликка мувофиқлигини судгача
кўриб чиқиши тартиби тўғрисида
ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Вактингчалик низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Апелляция кенгаши ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ҳузуридаги Апелляция кенгаши (кейинги ўринларда — апелляция кенгашлари) нинг мақоми, асосий вазифалари, хуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек, уларнинг фаолиятини ташкил этиш ҳамда апелляция кенгашлари томонидан маъмурий хужжатларнинг қонунчиликка мувофиқлигини судгача кўриб чиқиши тартибини белгилайди.

Мазкур Вактингчалик низом қоидалари аризалар қайси худуддан берилганидан қатъи назар Тошкент шаҳрида кўрсатиладиган қўйидаги давлат хизматларига нисбатан татбиқ этилади:

тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан (қайта давлат рўйхатидан) ўтказиш;

тадбиркорлик субъектлари бўлмаган юридик шахсларни (давлат органдарни ва муассасалари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари, юридик шахслар бирлашмалари, адвокатлик тузилмаларини) давлат рўйхатидан (қайта давлат рўйхатидан) ўтказиш;

тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш;

комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш;

фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларини ўзгартириш, тўлдириш;

тегишли худуддаги адлия органлари ва муассасаларидан ҳамда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларидан чиқадиган расмий хужжатларга апостиль қўйиш;

жисмоний шахсларни Профессионал медиаторлар реестрига киритиш;

юридик маслаҳатчилар ташкилотини Юридик маслаҳат хизматларини кўрсатувчи тижорат ташкилотлари реестрига киритиш;

нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари суд эксперталари суд эксперти сифатида касбий лаёкатни тасдиқловчи сертификат бериш;

давлат умумий ўрта таълим ташкилотлари педагог кадрларини касбий сертификатлаш;

ёшларнинг халқаро IT-сертификатларни олиш харажатларини қоплаб бериш;

«Бир миллион дастурчи» лойихаси доирасида ўқув курсларини муваффақиятли тамомлаган ёшларга, шунингдек, IT-парк резидентининг ўқувчиси

ёки битиравчиси бўлган ёшларга истеъмол кредити орқали компьютер харид қилиш учун кафиллик бериш ҳамда мазкур кредитларнинг фоиз тўловларини компенсация қилиш;

халқаро имтиҳон тизимлари бўйича юқори балл (даража) олган ёшларга ўқиш ва имтиҳон топшириш харажатларини тўлиқ қоплаб бериш;

сув таъминоти ва сувни чиқариб ташлаш тармоқларига уланиш учун техник шартларни олиш;

иссиқлик таъминоти тармоқларига уланиш учун техник шартларни олиш;

электр энергиясини ўлчаш воситаси ва тизимини пломбалаш ҳамда электр таъминоти шартномасини тузиш;

электр энергиясини ҳисобга олиш ускунасини (ҳисоблагични) қиёслашдан ўтказиш (ечиш ва улаш билан бирга);

ичимлик ва иссиқ сувни ҳисобга олиш ускунасини (ҳисоблагични) қиёслашдан ўтказиш (ечиш ва улаш билан бирга);

электр энергиясини ҳисобга олиш ускунасини (ҳисоблагични) ечиш, ўрнатиш ва тамғалаш;

ичимлик сувини ҳисобга олиш ускунасини (ҳисоблагични) ечиш, ўрнатиш ва тамғалаш;

уландиган қуввати 20 кВтдан юқори бўлмаган электр тармоқларига уланиш учун техник шартларни олиш;

1,2 МПа босимдан юқори бўлмаган газ тармоқларига уланиш учун техник шартларни олиш.

2. Апелляция кенгашлари тегишлилигига кўра республика даражасидаги давлат органлари ва ташкилотларининг ҳамда уларнинг Тошкент шаҳридағи ҳудудий бўлинмаларининг тегишли давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ маъмурий ҳужжатларининг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлигини судгача кўриб чиқувчи юридик шахс мақомига эга бўлмаган коллегиал органлар ҳисобланади.

3. Апелляция кенгашлари томонидан маъмурий ҳужжатларнинг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлигини кўриб чиқиш учун манфаатдор шахсларнинг шикоятлари ҳамда давлат хизматлари кўрсатилишини мониторинг қилиш натижалари асос бўлади.

4. Ушбу Вақтинчалик низомда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ваколатли орган — тегишли давлат хизматлари юзасидан маъмурий ҳужжатни қабул қилган маъмурий орган;

манфаатдор шахс — ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тегишли давлат хизматлари юзасидан қабул қилинган маъмурий ҳужжатга бевосита дахлдор бўлган жисмоний ва юридик шахс;

шикоят — манфаатдор шахс ёки унинг вакили томонидан ваколатли органларнинг тегишли давлат хизматлари юзасидан қабул қилган маъмурий ҳужжатлари устидан йўлланган шикоят.

5. Апелляция кенгашлари томонидан шикоятларни кўриб чиққанлик учун тўловлар ундирилмайди.

6. Манфаатдор шахслар томонидан апелляция кенгашларига шикоят қи-

лиш ихтиёрий бўлиб, бу уларнинг тегишли давлат органлари ва ташкилотларининг юқори турувчи органларига ёки бевосита судга мурожаат қилиш хукуқини чекламайди.

7. Судларда кўриб чиқилган ёки кўриб чиқилаётган масалалар бўйича йўлланган шикоятлар апелляция кенгашлари томонидан кўриб чиқилмайди.

8. Апелляция кенгашлари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига, шунингдек, ушбу Вақтинчалик низомга ва бошқа қонунчилик хужжатларига амал қиласди.

9. Апелляция кенгашлари ўз фаолиятини давлат органлари, бошқа ташкилотлар ва мансабдор шахслардан мустақил равишда амалга оширади.

10. Апелляция кенгашлари мурожаатларни кўриб чиқишида тенг хукуқлий, холислик, қонунийлик, коллегиаллик ва хукуқни қўллаш амалиётиниг бир хиллигини таъминлаш ҳамда мурожаат этувчиларнинг хукуqlари ва қонуний манфаатларига риоя қилиш принципларига асосланади.

2-боб. Апелляция кенгашларининг асосий вазифалари

11. Кўйидагилар апелляция кенгашларининг асосий вазифалари ҳисобланади:

мазкур Вақтинчалик низомнинг 1-бандида назарда тутилган давлат хизматлари (кейинги ўринларда — тегишли давлат хизматлари) юзасидан қабул қилинган маъмурий хужжатларнинг қонунчилик хужжатларига мувофиқлигини судгача кўриб чиқиш;

ваколатли органларнинг маъмурий-хукуқий фаолиятида ягона хукуқни қўллаш амалиётини шакллантириш ва таъминлаш юзасидан чораларни амалга ошириш;

шикоятларни кўриб чиқишида аниқланган қонунчилик хужжатларидағи тафовут ва хукуқий бўшлиқларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.

12. Манфаатдор шахсларнинг шикоятлари апелляция кенгашлари томонидан маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонунчиликка мувофик кўриб чиқилади.

3-боб. Апелляция кенгашларининг ҳукуқ ва мажбуриятлари

13. Апелляция кенгашлари қўйидаги ҳукуqlарга эга:

ваколатли органларнинг тегишли давлат хизматлари юзасидан қабул қилган маъмурий хужжатларининг қонунчилик хужжатларига мувофиқлигини судгача кўриб чиқиши натижасига асосан ушбу маъмурий хужжатларни ўзгартириш, қисман ёки тўлиқ бекор қилиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш (бундан қонунчиликка мувофик факат суд тартибида ўзгартириладиган ёки бекор қилинадиган хужжатлар мустасно);

ўзига юклangan вазифаларни бажариш учун зарур бўлган хужжатлар

ва ахборотларни, шунингдек, бошқа асословчи маълумотларни республика ижро этувчи ҳокимият органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлардан бепул тарзда сўраш ва олиш, бунда ваколатли органлар томонидан сўралган маълумотлар беш иш кунидан кечиктирмасдан тақдим этилиши лозим;

зарурат бўлганда, хорижий мутахассис ва эксперктларни, шунингдек, давлат органлари, илмий ва таълим муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлардан мутахассис ва эксперктларни таклиф қилиш ҳамда ишчи ва эксперт гурухларини ташкил этиш.

Апелляция кенгашлари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

14. Апелляция кенгашлари қўйидагиларга мажбур:

қонунчилик ҳужжатларига ва мазкур Вақтинчалик низом талабларига қатъий риоя қилиш;

манфаатдор шахсларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситишга ҳамда уларнинг шахсий ҳаётига аралashiшга йўл қўймаслик;

маъмурий шикоятларнинг кўриб чиқилиши натижаси юзасидан асосланган қарорлар қабул қилиш;

маъмурий ҳужжатларни кўриб чиқиш давомида олинган ахборотнинг, агар бундай ахборотни тарқатиш қонунчилик ҳужжатлари билан чекланган бўлса, сир сақланишини таъминлаш.

Апелляция кенгашларига қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

4-боб. Апелляция кенгашлари фаолиятини ташкил этиш тартиби

15. Апелляция кенгашлари таркибига тегишлилигига кўра уларнинг раиси, раис ўринбосари, котиби ва аъзолари киради. Бунда апелляция кенгашлари котиби ишларни кўриб чиқиш якунлари бўйича овоз беришда иштирок этмайди.

16. Қўйидаги ҳолатларда апелляция кенгашлари аъзолари унинг таркибидан чиқарилади:

улар ишлаётган ташкилот билан тузилган меҳнат шартномалари бекор қилинганда;

уларга нисбатан чиқарилган суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирганда;

суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори асосида муомала лаёқати чекланганда, шунингдек, улар муомалага лаёқатсиз, бедарак йўқолган ёки вафот этган деб топилганда;

ўз аризасига кўра;

вафот этганда.

17. Апелляция кенгашлари аъзолари қўйидаги холларда кун тартибига киритилган масалалар юзасидан мажлисда иштирок этиши мумкин эмас ва рад қилиниши лозим, агар улар:

маъмурий ҳужжатни кўриб чиқиш натижасидан шахсан, бевосита ёки

бильвосита манфаатдор бўлса ёхуд унинг холислиги ва беғаразлигига шубҳа туғдирадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса;

манфаатдор шахснинг, шунингдек, тегишли давлат хизматлари юзасидан маъмурий ҳужжатни қабул қилган ваколатли орган мансабдор шахсининг яқин қариндоши бўлса.

Ушбу банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган асослар мавжуд бўлса, апелляция кенгашлари аъзоси ўзини ўзи рад қилиш хақида арз қилиши шарт.

18. Манфаатдор шахслар ушбу Вактинчалик низомнинг 17-бандидаги асосларга кўра апелляция кенгашлари аъзосини рад қилиш хақида арз қилиши мумкин.

19. Ўзини ўзи рад қилиш ёки рад қилиш хақидаги ариза асослантирилган бўлиши ва шикоятни апелляция кенгашлари томонидан кўриш бошлангугнига қадар маълум қилиниши керак.

Апелляция кенгашлари аъзоларини рад қилиш тегишлилигига кўра апелляция кенгашлари раисларининг ташаббусига кўра ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

20. Шикоят кўрилаётганда ўзини ўзи рад қилиш ёки рад қилиш хақида ариза беришга, агар ўзини ўзи рад қилиш ёки рад қилиш учун асос ариза берган шахсга шикоятни мазмунан кўриш бошланганидан кейин маълум бўлиб қолган тақдирда йўл қўйилади.

Айни бир шахс томонидан айни бир асос бўйича тақороран рад қилиш билдирилиши мумкин эмас. Тақороран рад қилиш билдирилган тақдирда, у кўриб чиқилмайди.

21. Апелляция кенгашлари аъзоларининг ўзини ўзи рад қилиши ёки уни рад қилиш тўғрисидаги масала тегишлилигига кўра апелляция кенгашлари раислари томонидан ҳал этилади.

22. Апелляция кенгашларининг раислари:

апелляция кенгашлари фаолиятига раҳбарлик қилади ва зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан жавобгар хисобланади;

апелляция кенгашларининг мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади;

апелляция кенгашлари ваколатига тааллуқли масалаларни кўриб чиқиш учун киритади;

давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар билан муносабатларда апелляция кенгашлари номидан иш кўради;

апелляция кенгашлари номидан қарорларни, мажлислар баённомаларини ва бошқа ҳужжатларни имзолайди;

апелляция кенгашлари мажлислари кун тартибини белгилайди;

апелляция кенгашлари томонидан қабул қилинган қарорларнинг ижросини назорат қилади;

апелляция кенгашлари ишининг самарадорлигини оширишга қаратилган бошқа чора-тадбирларни амалга оширади.

23. Апелляция кенгашлари раислари бўлмаган тақдирда, уларнинг вазифаларини тегишлилигига кўра уларнинг ўринbosарлари бажаради.

24. Апелляция кенгашларининг котиблари:

манфаатдор шахсларнинг шикоятларини иш юритувга қабул қиласди;

апелляция кенгашларининг навбатдаги мажлисига барча зарур материаларнинг ўз вақтида ва сифатли тайёрланишини таъминлайди;

кун тартибига мувофиқ апелляция кенгашлари мажлислари ўтказилишини ташкил этади;

апелляция кенгашлари мажлиси ўтказиладиган сана, жой ва таклиф этиладиган шахслар рўйхатини апелляция кенгашларининг раислари билан келишади;

апелляция кенгашларининг аъзоларини ва таклиф этилган шахсларни апелляция кенгашлари мажлиси ўтказиладиган жой, сана ва вақт ҳақида ёзма ёки электрон шаклда хабардор қиласди;

кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқиш учун зарур бўлган материаларни апелляция кенгашлари аъзоларига тарқатади;

апелляция кенгашлари мажлислари қарорлари ва баённомаларини расмийлаштиради ҳамда қарорлар нусхаларининг апелляция кенгашлари аъзолари ҳамда бошқа манфаатдор шахсларга жўнатилишини таъминлайди;

апелляция кенгашлари қарорларининг мазкур Вақтинчалик низомда белгиланган тартибда «Е-қагог» электрон тизимиға жойлаштириб борилишини таъминлайди;

апелляция кенгашлари қарорларининг ижро ҳолатини ўрганиб боради ҳамда унинг натижаларини апелляция кенгашлари мажлисида кўриб чиқиш учун киритади;

апелляция кенгашларининг фаолиятини услубий, ташкилий-хукуқий ва ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш бўйича апелляция кенгашлари раисларига таклифлар киритади;

апелляция кенгашлари мажлислари қарорлари, баённомалари ҳамда манфаатдор шахсларнинг шикоятларини кўриб чиқиш давомида тўпланган бошқа хужжатларнинг белгиланган тартибда сақланиши ва тегишли архивларга топширилишини таъминлайди;

апелляция кенгашларининг зиммасига юклangan вазифаларга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

25. Апелляция кенгашларининг аъзолари:

апелляция кенгашлари зиммасига юклangan вазифаларни бажариш учун ваколатли органлар томонидан ташкил этиладиган ҳайъат мажлисларида ва бошқа тадбирларда иштирок этишга;

ваколатли органлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқишида қатнашишга;

апелляция кенгашлари мажлисларида ўз фикрини мустақил равишда билдиришга;

апелляция кенгашлари зиммасига юклangan вазифаларга мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширишга ҳақли.

26. Апелляция кенгашлари фаолиятига фуқаролик-хукуқий тусдаги шартномаларга асосан бошқа ташкилотлардан мутахассис ва экспертлар жалб қилиниши мумкин.

**5-боб. Манфаатдор шахслар томонидан шикоят қилиш
ҳамда апелляция кенгашлари томонидан шикоятларни
кўриб чиқиш тартиби**

27. Манфаатдор шахслар ёки уларнинг вакиллари томонидан шикоят қилиш ҳамда уларни (давлат хизматлари кўрсатилишини мониторинг қилиш натижаларини) апелляция кенгашларида кўриб чиқиш ушбу Вақтинчалик низомнинг 1-иловасидаги* схемага мувофиқ амалга оширилади.

28. Манфаатдор шахс ёки унинг вакили давлат хизматлари марказига келиб мурожаат қилганда давлат хизматлари маркази ходими манфаатдор шахс номидан, Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали шикоят қилган тақдирда эса мустақил равишда ушбу Вақтинчалик низомнинг 2-иловасига* мувофиқ намунавий шаклдаги шикоятни электрон тарзда тўлдиради.

29. Агар шикоят манфаатдор шахснинг вакили томонидан берилган бўлса, шикоятга ишончноманинг ёки вакил ваколатларини тасдиқловчи бошқа ҳужжатнинг кўчирма нусхаси илова қилиниши лозим.

Шикоятга бошқа асословчи маълумотлар ва ҳужжатлар ҳам илова қилиниши мумкин.

30. Манфаатдор шахс ёки унинг вакили давлат хизматлари марказига келиб мурожаат этганда, унинг шикояти давлат хизматлари маркази ходими томонидан тўлдирилиб, манфаатдор шахс ёки унинг вакили томонидан тасдиқланганидан сўнг реал вақт режимида апелляция кенгашларига электрон шаклда юборилади.

ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда шикоят тегишли давлат хизмати туридан келиб чиқиб, автоматик тарзда апелляция кенгашларига электрон шаклда юборилади.

31. Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ҳузуридаги Апелляция кенгашининг иш юритуvida бўлган ишлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Апелляция кенгashi томонидан кўриб чиқиш учун талаб қилиб олиниши мумкин.

32. Апелляция кенгашларининг котиби (кейинги ўринларда — котиб) манфаатдор шахснинг шикоятини у келиб тушган кунда, иш вақти тугаганидан кейин келиб тушган бўлса, кейинги иш кунида рўйхатдан ўтказади.

Котиб икки иш куни ичida келиб тушган шикоятдаги маълумотларнинг тўғрилигини, шунингдек, ушбу Вақтинчалик низомнинг 33-бандида назарда тутилган талабларга мувофиқлигини текширади.

33. Кўйидаги ҳолатларда шикоятларни кўриб чиқиш апелляция кенгашлари томонидан рад этилади:

шикоятда кўтарилиган масалалар (ҳолатлар) судда кўриб чиқилган ёки кўриб чиқилаётган бўлса;

шикоят тегишли давлат хизматлariiga тааллуқли бўлмаса;

манфаатдор шахс томонидан ёлғон (қалбаки) маълумотлар тақдим этилганда;

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

маъмурий хужжат кучга кирганига ўттиз кундан ўтган бўлса.

34. Шикоят рад этилган тақдирда, котиб тегишли хулоса тузади ва хулоса апелляция кенгашлари раислари томонидан тасдиқланиб, манфаатдор шахс бу ҳақда бир иш куни ичидаги ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилинади.

35. Шикоят апелляция кенгашларига келиб тушган кундан бошлаб ўн беш кун ичидаги кўриб чиқилади.

Шикоятларни кўриб чиқиш учун қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча материалларни сўраб олиш талаб этилганда, уларни кўриб чиқиш муддати апелляция кенгашлари раислари томонидан узори билан яна ўн беш кунга узайтирилиши мумкин.

36. Котиб апелляция кенгашлари аъзоларини, манфаатдор шахс ёки унинг вакилини ҳамда ваколатли органни апелляция кенгашлари мажлиси ўтказиладиган кундан камидаги уч кун олдин мажлис ўтказиладиган жой, сана ва вакт ҳақида ёзма ёки электрон шаклда хабардор қиласади.

37. Апелляция кенгашларининг аъзолари ўз мажлисларида кўриб чиқиладиган масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал қилишда ўз ваколатини бошқа шахсларга ўтказиш хуқуқига эга эмас.

38. Апелляция кенгашларининг мажлислари заруратга кўра, лекин камидаги бир ойда бир марта ўтказилади.

39. Апелляция кенгашларининг мажлиси, агар унда аъзоларнинг ярмидан кўпи иштирок этаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Мажлисни ўтказиш учун кворум шаклланмаган тақдирда, апелляция кенгашларининг янги мажлиси ўтказиладиган сана эълон қилинади.

40. Апелляция кенгашларининг мажлисларини уларнинг раислари олиб боради. Раис иштирок эта олмаган ҳолатларда, мажлисни тегишлилигига кўра уларнинг ўринбосарлари олиб боради.

Апелляция кенгашларининг мажлисларирига бошқа давлат органлари, но давлат нотижорат ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари ҳам таклиф этилиши мумкин.

Апелляция кенгашларининг мажлислари кенгаш раисининг қарорига кўра ва манфаатдор шахсга бу ҳақда хабар берилган ҳолда аудио- ва видеотасвирга, шунингдек, фотосуратга олиниши мумкин.

Аудио- ва видеөёзув, фотосуратлар манфаатдор шахс ва ваколатли органга тақдим этилиши мумкин.

41. Апелляция кенгашларининг аъзолари, манфаатдор шахс ёки унинг вакили ҳамда ваколатли орган мансабдор шахслари мажлисларда видео- конференцалоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда иштирок этиши мумкин.

42. Апелляция кенгашлари мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган манфаатдор шахснинг ва ишга алоқадор бошқа шахсларнинг келмаганлиги шикоятни апелляция кенгашлари томонидан уларнинг иштирокисиз кўриб чиқиш учун тўскинлик қилмайди.

43. Апелляция кенгашлари ўз мажлисларида манфаатдор шахснинг та-

лаблари ва эътиrozларини асословчи ҳолатлар, шунингдек, ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатлар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини аниқлайди.

44. Апелляция кенгашларининг қарори мажлисда иштирок этаётган апелляция кенгашлари аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Бунда ҳеч бир аъзо овоз беришда бетараф қолишга ҳақли эмас.

Овозлар тенг бўлган ҳолларда мажлисга раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

45. Апелляция кенгашларининг мажлиси якунлари бўйича қўйидаги қарорлардан бири расмийлаштирилади:

маъмурий ҳужжатни ўзгартиришсиз ўз кучида қолдириш;

маъмурий ҳужжатга ўзгартириш киритиш бўйича ваколатли органга мажбурият юклаш;

маъмурий ҳужжатни қисман ёки тўлиқ бекор қилиш ҳамда ваколатли орган томонидан давлат хизматини кўрсатиш бўйича аризани қайта кўриб чиқиш.

46. Апелляция кенгашларининг қарори мажлисда иштирок этган барча аъзолар томонидан (заруратга кўра электрон шаклда) имзоланади.

Қабул қилинган қарорга қўшилмаган апелляция кенгашлари аъзоси қарорни имзолаб, ўзининг алоҳида фикрини ёзма шаклда тақдим қиласди. Алоҳида фикр иш материалларига қўшиб кўйилади.

Бунда апелляция кенгашларининг қарорлари тегишилигига кўра Адлия вазирлиги ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасида қонунчиликда белгиланган тартибда сақланади.

47. Апелляция кенгашларининг қарорлари уч иш кунидан кечиктирмай «Е-лагог» электрон тизимида жойлаштирилади, бунда мазкур қарорда қонунчиликда ошкор қилиниши тақиқланган манбаумотларнинг ошкор қилинишига йўл кўйилмайди.

48. Апелляция кенгашларининг қарорлари устидан манбаатдор шахс томонидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин, ваколатли органлар учун эса мазкур қарорлар қатъий ҳисобланади ва улар томонидан қарор устидан шикоят қилиниши мумкин эмас.

49. Апелляция кенгашларининг мажлис баённомаси котиб томонидан имзоланади ва мажлисга раислик қилувчи томонидан тасдиқланади.

50. Апелляция кенгашларининг қарорлари уч иш куни ичida ваколатли орган ва манбаатдор шахсга юборилади.

51. Апелляция кенгашларининг қарорлари ваколатли органлар учун мажбурий ҳисобланади.

Ваколатли орган мансабдор шахслари қарор ва у билан боғлиқ бошқа маълумотларни учинчи шахсларга ошкор этишга ҳақли эмас.

52. Апелляция кенгашлари томонидан ваколатли органнинг маъмурий ҳужжатини ўзгартириш, қисман ёки тўлиқ бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилинган тақдирда, ушбу давлат хизматини кўрсатиш бўйича берилган ариза ЯИДХП ва (ёки) ваколатли органларнинг тегишили хизматлар бўйича ахборот тизимларида қайта кўриб чиқиш босқичига қайтирилади. Бунда манбаатдор

шахслар томонидан давлат хизматини кўрсатиш бўйича қайта ариза бериш талаб этилмайди.

53. Апелляция кенгашларининг маъмурий ҳужжатни ўзгартириш ҳақида-ги қарорига асосан қайта кўриб чиқиши босқичига ўтган аризалар уч иш куни ичидаги ҳамда қисман ёки тўлик бекор қилиш ҳақидаги қарор юзасидан қайта кўриб чиқиши босқичига ўтган аризалар тегишли давлат хизматини кўрсатиш бўйича регламентларда белгиланган муддатларда ва манфаатдор шахсдан ҳақ ундирилмасдан ваколатли орган томонидан кўриб чиқилади.

54. Давлат хизматларини кўрсатиш бўйича аризалар қайта кўриб чиқилганидан сўнг ваколатли орган бир иш куни ичидаги бу ҳақда апелляция кенгашларини хабардор қилиши шарт.

Ваколатли орган раҳбарлари ва уларнинг ўринbosарлари томонидан апелляция кенгашларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларининг ижроси таъминламаганлиги давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги қонунчиликни бузиш ҳисобланади.

6-боб. Тегишли давлат хизматлари кўрсатилишини мониторинг қилиш натижаларини апелляция кенгашлари томонидан кўриб чиқиши тартиби

55. Тегишли давлат хизматлари кўрсатилишини мониторинг қилиш Адлия вазирлиги ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади. Мониторинг натижалари бўйича апелляция кенгашлари томонидан қонунчиликка мувофиқлиги кўриб чиқладиган маъмурий ҳужжатлар ҳар ой якунида котибларга тақдим этиб борилади.

56. Котиблар мониторинг натижалари бўйича тақдим этилган маъмурий ҳужжатларни апелляция кенгашлари томонидан қонунчиликка мувофиқлигини кўриб чиқиши учун уч иш куни ичидаги апелляция кенгашлари муҳокамасига киритади ва бу ҳақда манфаатдор шахсларни ёзма ёки электрон шаклда хабардор қиласди.

57. Тегишли давлат хизматлари кўрсатилишини мониторинг қилиш натижалари бўйича маъмурий ҳужжатларнинг қонунчиликка мувофиқлиги апелляция кенгашлари томонидан ушбу Вақтинчалик низомнинг 5-бобида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

7-боб. Якунловчи қоидалар

58. Ваколатли орган томонидан манфаатдор шахсга етказилган зарарни қоплаш билан боғлиқ масалалар суд тартибида ҳал этилади.

59. Апелляция кенгашлари томонидан шикоятларни кўриб чиқиши пайтида маъмурий хуқуқбузарлик аломатлари мавжудлиги аниқланган тақдирда, тегишли ҳужжатлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиши ваколатига эга бўлган органларга юборилади.

60. Апелляция кенгашлари фаолияти билан боғлиқ харажатларни молия-

лаштириш, шу жумладан, жалб қилинган мутахассис ва экспертларга ҳак тўлаш Адлия вазирлигининг ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг бюджетдан ташқари маблағлари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

61. Ушбу Вақтинчалик низом талабларининг бузилишида айбордor бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**259 Мажбурий рақамли маркировкалаш тизими самарадор-
лигини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар
тўғрисида**

Рақамли маркировкалаш тизими самарадорлигини ошириш ва бу борадаги назорат механизмларини такомиллаштириш орқали аҳолини сифатли ва ишончли маҳсулотлар билан таъминлаш ҳамда яширин иқтисодиётни янада қисқартириш мақсадида **қарор қиласман**:

I. Асосий мақсад

1. Рақамли маркировкалган маҳсулотларнинг ҳаракат занжирини тўлиқ кузатиб бориш орқали яширин ишлаб чиқариш ва контрафакт маҳсулотлар муомаласига чек қўйиш.

**II. Тадбиркорлик субъектларига қўшимча имкониятлар
яратиш**

2. Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги, Солик қўмитаси, Иқтиодиёт ва молия вазирлиги, Рақамли маркировкалаш ва кузатиш миллий ахборот тизими оператори (кейинги ўринларда — Оператор)нинг қўйидаги тақлифлари маъқуллансин:

(а) тадбиркорлик субъектлари томонидан олинган маркировка кодларини маҳсулотларга қўллаш учун белгиланган 90 календарь кунлик муддатни бекор қилиш. Бунда фойдаланилмасдан турган маркировка кодлари учун амалга оширилган тўловлар янги маркировка кодларини сотиб олишда ҳисобга олинади;

(б) маркировка кодлари маҳсулотга бевосита қўллангандан кейин улар учун тўловни амалга ошириш;

(в) рақамли маркировкалган маҳсулотларни агрегациялашда қўлланадиган маркировка кодларини Оператор томонидан бепул тақдим этиш;

(г) тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини тезкор ҳал этиш мақсадида Оператор томонидан туну кун ишлайдиган «Call-марказ» фаолиятини йўлга қўйиш.

III. Ички бозорда рақобат мухитини ривожлантириш

3. Белгилансинки, 2025 йил 1 июлдан бошлаб:

(а) импорт қилувчи ташкилот томонидан Ўзбекистон Республикаси худудига олиб кирилган дори воситаларини уларнинг улгуржи ва чакана савдоши билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига тўғридан-тўғри ёки унинг расмий дилерлари орқали реализация қилиш электрон ҳисобварақ-фактура асосида амалга оширилади;

(б) рақамли маркировкаланган махсулотларни улгуржи сотиш факат нақд пулсиз шаклда банк ҳисобварақлари орқали амалга оширилади.

IV. Рақамли маркировкалашни назорат қилиш механизмларини такомиллаштириш

4. Солик қўмитаси ва Оператор Рақамли маркировкалаш ва кузатиш миллий ахборот тизими узлуксиз ишлашини, импорт қилиш, ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиб, улгуржи ва чакана савдо жараёнларида махсулотларга маркировка кодлари тўғри қўллангани ва хақиқийлигини тизимли назорат қилишни таъминласин.

5. Солик қўмитаси тузилмасида унинг умумий штат бирликлари доирасида 38 та штат бирлигидан иборат Рақамли маркировка қоидаларига риоя қилинишини назорат қилиш бўйича ҳудудлараро солик инспекцияси ташкил этилсин ва унинг асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгилансин:

(а) рақамли маркировкаланган махсулотлар айланмасининг барча босқичларида тизимли назоратни таъминлаш;

(б) назорат, баҳолаш ва хавфни таҳлил қилиш соҳасида самарали усулларни ишлаб чиқиши, жорий этиши ва такомиллаштириб бориш;

(в) мажбурий рақамли маркировкаланадиган махсулотлар турини босқич-ма-босқич кенгайтириш учун амалий тажриба-синов (эксперимент) тадбирларини ўтказиш;

(г) халқаро стандартлар ва илғор тажрибаларни ўрганиш асосида рақамли маркировкалаш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиши;

(д) мажбурий рақамли маркировкалаш тизими талаблари бузилишининг олдини олиш бўйича профилактика ва тушунтириш чора-тадбирларини амалга ошириш, жумладан, огохлантириш тизимини қўллаш;

(е) Рақамли маркировкалаш ва кузатиш миллий ахборот тизимини та-комиллаштириш, маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш асосида таҳлил-мониторинг тадбирларини амалга ошириш.

6. Солик қўмитасининг ташкилий тузилмаси 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2025 йил 1 сентябрдан бошлаб:

(а) хавфни таҳлил қилиш тизимида мажбурий рақамли маркировкалаш қоидаларини бузиш ҳолатлари солик хавфи даражасини юқори деб баҳолаш учун асос бўлади;

(б) мажбурий рақамли маркировкаланадиган махсулотларни реализация қилишда маркировка коди бириткирмаган электрон ҳисобварақ-фактуруни расмийлаштиришга йўл қўйилмайди;

(в) мажбурий рақамли маркировкаланадиган махсулотларни чакана реализация қилишда:

(и) маркировка коди киритилгандан сўнг онлайн назорат-касса техникаси-нинг касса чеки шакллантирилади;

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

(ii) аввал фойдаланилган маркировка кодлари киритилгандын онлайн назорат-касса техникасининг касса чекини шакллантиришга йўл қўйилмайди.

8. 2026 йил 1 январдан бошлаб мажбурий рақамли маркировкалаш қоидаларини бузиш ҳолатларини солиқ органларининг ахборот тизими орқали аниқлаш бўйича масофавий солиқ текширувани ўтказиш тартиби жорий этилсин. Бунда:

(а) текшириш ҳуқукини берувчи маҳсус гувоҳнома олиш талаб этилмайди;

(б) мажбурий рақамли маркировкалаш қоидаларини бузиш ҳолатлари аниқланганда қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисида огохлантириш берилади;

(в) иккинчи марта огохлантириш берилгандан сўнг қоидабузарлик ҳолатлари аниқланганда 2-иловага* мувофиқ микдорларда жарима қўлланади;

(г) мазкур қарорга 2-илованинг 4-бандидаги жарима қўлланилган тадбиркорлик субъектларига бир йил давомида қўшилган қиймат солиги суммасининг ўрни қопланмайди.

9. 2025 йил 1 сентябрдан бошлаб фармацевтика фаолиятини ҳамда дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш фаолиятини лицензиялаш талабларига қўйидагиларни назарда тутувчи қўшимча шартлар киритилсин:

(а) янгидан ташкил этилган субъектларга лицензия беришда:

(i) фаолиятини амалга ошириш учун кўчмас мулк бўйича ижара ёки тикин фойдаланиш шартномаси солиқ органларида ҳисобга қўйилганлиги;

(ii) дори воситаларини реализация қилишда харидорлардан тўловларни қабул қилиш бўйича электрон тўлов воситаларидан фойдаланиш имконияти яратилганлиги;

(б) солиқ текширувларида кирим хужжатларисиз (контрафакт) ва (ёки) маркировкаланмаган дори воситаларини сотиб олиш, ташиш, сақлаш ёки реализация қилиш ҳолатлари аниқланганда солиқ органлари ташабусига кўра ваколатли орган томонидан тегишли субъект лицензиясининг амал қилишини тўхтатиб туриш.

V. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

10. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Солиқ қўмитаси ва Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда фармацевтика фаолиятини лицензиялашда қўшимча талаблар юзасидан маълумот алмасиши тизимини йўлга қўйисин.

11. Солиқ қўмитаси:

(а) Савдо-саноат палатаси ва Бизнес-омбудсман билан биргаликда бир ой муддатда маркировка тизимининг афзалликларини тушунириш бўйича медиа-режа ишлаб чиқсин ҳамда 2025 йил якунига қадар оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритилишини таъминласин;

(б) икки ой муддатда қўйидагиларни:

(i) Бизнес-омбудсман билан биргаликда масофавий солиқ текшируvини ўтказиш тартибини;

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

(ii) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда Рақамли маркировка қоидаларига риоя қилинишини назорат қилиш бўйича ҳудудлараро солик инспекцияси тўғрисидаги низомни;

(iii) қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига З-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Боз вазир ўринбосари Ж.А. Кўчкоров ҳамда Солик қўмитаси раиси Ш.Д. Кудбиев белгилансин.

14. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Боз вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 23 май,
ПҚ-190-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 23 майдаги
ПҚ-190-сон қарорига
З-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва
Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 июнданги «Давлат солик хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3802-сон қарорида:

(а) 8-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Ўзбекистон Республикаси Солик қўмитаси ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг «Солик-сервис» давлат унитар корхонасини ва «Янги технологиялар» илмий-ахборот маркази» давлат унитар корхонасини Солик қўмитаси муассислигида акциядорлик жамиятлари сифатида қайта ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин»;

қўйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Солик қўмитаси «Янги технологиялар» илмий-ахборот маркази» АЖ ва «Солик-сервис» АЖларни ислоҳ қилиш учун маҳсус ваколатли давлат органи этиб белгилансин»;

иккинчи — ўн иккинчи хатбошилар тегишлича учинчи — ўн учинчи хатбошилар деб ҳисоблансан;

учинчи хатбошидаги «Солик-сервис» ДУКнинг сўзлари «Солик-сервис» АЖнинг сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн биринчи хатбошидаги «Давлат солик қўмитаси» сўзлари «Солик қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

(б) 9-банддаги «Солик-сервис» ДУКнинг сўзлари «Солик-сервис» АЖнинг сўзлари билан алмаштирилсин;

(в) 14-банд ўз кучини ўйқотган деб ҳисоблансан.

(г) 1-илова ўз кучини ўйқотган деб ҳисоблансан.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 марта ПҚ-102-сон қарори билан тасдиқланган Оммавий савдолар орқали тўлиқлигича сотиладиган корхоналарнинг акция пакетлари (улушлари) рўйхатининг 672 ва 673-позициялари чиқариб ташлансан.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сон қарори билан тасдиқланган Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомда:

(а) 10-банднинг биринчи хатбошиси «амалга оширилишига рухсат этилади» сўзларидан кейин «(бундан идентификация воситалари билан мажбурий рақамли маркировкаланган маҳсулотларни реализация қилиш мустасно)» сўзлари билан тўлдирилсин;

(б) 19-бандда:

биринчи хатбошидаги «назорат-касса машиналарини» сўзлари «назорат-касса техникаларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «назорат-касса машиналаридан» сўзлари «назорат-касса техникаларидан» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Чакана савдо корхоналари (якка тартибдаги тадбиркорлар)га товарларни ахолига ва хўжалик юритувчи субъектларга нақд пулда назорат-касса техникаларидан, қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса онлайн назорат-касса техникалари ёки виртуал кассадан фойдаланган ҳолда ва ҳисоб-китобларнинг нақд пулсиз шаклида, шу жумладан, пластик карточкалардан тўловларни қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланган ҳолда сотишга рухсат берилади. Бунда чакана савдо фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектлари томонидан мажбурий рақамли маркировкаланган товарларни реализация қилишда улгуржи тарзда сотилишига йўл қўйилмайди».

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги «Айрим турдаги маҳсулотларни мажбурий рақамли маркировкалаш тизими босқичма-босқич жорий этилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 833-сон қарорида:

(а) 2-банднинг иккинчи хатбоисидаги «Давлат солиқ қўмитаси» сўзлари «Солиқ қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

(б) 3-бандда:

биринчи хатбошидаги «Молия вазирлигининг» сўзлари «Иктисадиёт ва молия вазирлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бевосита маҳсулотга қўлланиладиган маркировка кодидан ташқари барча турдаги кодлар Рақамли маркировкалаш ва кузатиш миллий ахборот тизими оператори томонидан бепул тарзда тақдим этилади»;

иккинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

(в) 5 ва 6-бандлардаги «Давлат солиқ қўмитаси» сўзлари «Солиқ қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 1-иловада:

4-бандда:

ўттиз тўртинчи хатбошидаги «Давлат солиқ қўмитаси» сўзлари «Солиқ қўмитаси» сўзлари билан, «давлат унитар корхонаси» сўзлари «акциядорлик жамияти» сўзлари билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги қирқ иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«сервис-проваідер — маҳсулотлар айланмаси иштирокчисининг топшириғи бўйича маркировкалаш кодининг идентификациялаш воситасига ўзгартирилишини ва идентификациялаш воситасининг истеъмол қадоғига ва (ёки) гурухланган қадоғига ва (ёки) ёрлиққа ва (ёки) стикерга оператор томонидан тақдим этилувчи дистрибуциянинг, нашрнинг ва валидациянинг дастурий-аппарат мажмуасини қўллаш билан туширилишини ҳамда идентификациялаш воситаларининг валидациясини амалга оширувчи юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор»;

кирқ иккинчи — кирқ еттинчи хатбошилар тегишлича қирқ учинчи — қирқ саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

17-банднинг «з» кичик бандидаги «Давлат солик қўмитаси» сўzlари «Солик қўмитаси» сўzlари билан алмаштирилсин;

20-банднинг «е» кичик бандидаги «Давлат солик қўмитаси» сўzlари «Солик қўмитаси» сўzlари билан алмаштирилсин;

29-банднинг «п» кичик бандидаги «Давлат солик қўмитаси» сўzlари «Солик қўмитаси» сўzlари билан алмаштирилсин;

36-банд қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Оператор томонидан тақдим этилаётган маркировка кодлари учун тўлов ушбу кодлар бевосита маҳсулотга ёпиширилган вақтда ундирилади»;

41-банда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«41. Маҳсулот айланмасининг иштирокчиси маркировкалаш кодларини рақамли идентификациялаш воситаларига айлантиришни ва маҳсулотларга қўлланилишини, маҳсулотларни қадоқлашни ёки рақамли идентификациялаш воситаларини кўллаш учун мўлжалланган бошқа моддий ташувчини тъминлайди ва Операторга буюртмаларни бошқариш станцияси орқали маркировкалаш кодларини қўллаш тўғрисидаги ҳисботни юборади»;

куйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Фойдаланилмаган маркировка кодлари учун амалга оширилган тўловлар Оператор томонидан янги маркировка кодлари тақдим этилишида ҳисбага олинади»;

50-банднинг «к» кичик бандидаги «Давлат солик қўмитаси» сўzlари «Солик қўмитаси» сўzlари билан алмаштирилсин;

51-банднинг «в» кичик бандидаги «Давлат солик қўмитаси» сўzlари «Солик қўмитаси» сўzlари билан алмаштирилсин;

53-банднинг «е» кичик бандидаги «Давлат солик қўмитаси» сўzlари «Солик қўмитаси» сўzlари билан алмаштирилсин;

куйидаги мазмундаги 13-боб билан тўлдирилсин:

«13-боб. Сервис-провайдерларнинг вазифалари ва мажбуриятлари

97. Маркировкалаш кодларини рақамли идентификациялаш воситалари га ўзгартириш ва уларни истеъмол қадоғига ва (ёки) гурухланган қадоққа ва (ёки) ёрликқа ва (ёки) стикерга тушириш маҳсулотлар айланмаси иштирокчиси билан тузилган шартнома асосида сервис-провайдер томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Сервис-провайдерга тўловлар фақат кўрсатилган хизматлар учун шартномада назарда тутилган шарт ва микдорда амалга оширилади. Бунда шартнома шартлари сервис-провайдер томонидан бажарилмаганда, шартномага оид низоли ҳолатлар суд тартибида ҳал этилади.

98. Сервис-провайдер маркировкалаш кодларини рақамли идентификация воситаларига ўзгартириш ва уларни тушириш учун қуйидагиларга эга бўлиши зарур:

- а) электрон рақамли имзо;
- б) маҳсулотлар айланмаси иштирокчисининг топшириғи бўйича рақамли идентификация воситасини ўзгартириш ва уни тушириш учун етарли бўлган, аммо маҳсулотлар айланмаси иштирокчисининг қадоқлар, ёрлиқлар ва стикерлар ишлаб чиқариш учун мунтазам жойлаштириладиган буюртмаларидан паст бўлмаган унумдорлик билан ишлайдиган комплекс полиграфия асбоб-ускунаси;
- в) кўйидагиларни таъминловчи дистрибуция, матбаа ва валидация дастурий-аппарат комплекси:
- маҳсулотлар айланмаси иштирокчиларининг маркировкалаш кодларини химояланган ҳолда сақлаш;
 - маҳсулотлар айланмаси иштирокчисига маркировкалаш кодларини етказиб берувчи алоқа каналини химоя қилиш;
 - маҳсулотлар айланмаси иштирокчисига маркировкалаш кодини етказиб бериш;
 - маркировкалаш кодларини рақамли идентификациялаш воситаларига ўзгартириш (нашрни бошқариш);
 - ракамли идентификациялаш воситаларининг туширилиш сифатини аппаратли валидациялаш (техник кўриш воситаларини кўллаган ҳолда);
 - ракамли идентификациялаш воситаларини валидациялаш модули ёрда-миди маркировкалаш кодларини рақамли идентификациялаш воситаларига ўзгартириш тўғрисида хисботларни шакллантириш ва уларни маркировкалаш ахборот тизимига киритиш;
 - маркировкалаш қоидаларига риоя этиш (тушириш сифатини валидаци-ялашдан сўнг ва маркировкалаш кодидан фойдаланиш тўғрисидаги хисбот шакллантирилгандан кейин текшириш кодини ўчириб ташлаш);
 - алоҳида тезкор сақлаш имконини берадиган химояланган сақлагичдан маҳсулотлар айланмаси иштирокчиларининг маркировкалаш кодларини (ишлаб чиқариш жараёнида маркировкалаш кодларини рақамли идентификация воситаларига ўзгартириш) ва маркировкалаш кодлари ҳамда маҳсу-лотлар айланмаси турли иштирокчиларининг идентификациялаш воситалари туширилиши ва валидацияси тўғрисидаги хисботларини танлаш;
 - маркировкалаш кодларининг туширилиши ва валидациялашдан кейин уларни такроран тушириш имконияти йўқлигининг кафолати.
99. Сервис-провайдерга дистрибуция, матбаа ва валидациянинг дастурий-аппарат комплекси Оператор томонидан тақдим этилади.
- Қайд этилган дистрибуция, матбаа ва валидациянинг дастурий-аппарат комплексини олиш учун сервис-провайдерлар Оператор билан шартнома тузади.
100. Сервис-провайдер Оператор томонидан тақдим этиладиган дистри-буция, матбаа ва валидациянинг дастурий-аппарат комплексидан фойдаланиши зарур.
101. Сервис-provайдер идентификациялаш воситаларининг туширилиши-да рақамли идентификациялаш воситаларини нашр қилиш сифати стандарт-ларига риоя қилишга мажбурдир.

102. Сервис-провайдер томонидан маркировкалаш кодининг рақамли идентификациялаш воситасига ўзгаририлиши ва қадоққа ёки ёрлиққа ёхуд стикерга туширилишидан кейин маҳсулотлар айланмаси иштирокчисига рақамли идентификациялаш воситаси туширилган қадоқни ёки ёрлиқни ёхуд стикерни бериб юборишдан аввал нашр қилиш сифати валидацияси амалга оширилади.

103. Валидациядан ўтгандан кейин дистрибуция, матбаа ва валидациянинг дастурий-аппарат комплекси рақамли идентификациялаш воситаларига ўзгаририлган маркировкалаш кодларининг муваффақиятли туширилиши тўғрисида ҳисботни шакллантиради.

104. Рақамли идентификациялаш воситасини тушириш усули ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланган сақлаш шароитлари ва транспортда ташиш қоидаларига риоя этилганда, озиқ-овқат маҳсулотларининг бутун яролилик муддати давомида рақамли идентификациялаш воситасининг сақланишини (барқарорлигини) таъминлаши керак.

105. Сервис-провайдер маҳсулотлар айланмаси иштирокчиларидан олинган маркировка кодларини учинчи шахсга бериши тақиқланади»;

(д) 2-иловада:

4-банднинг «б» кичик бандидаги «Давлат солиқ қўмитаси» сўзлари «Солиқ қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

8-банд қўйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Мажбурий рақамли маркировкалаш тизими самарадорлигини ошириш мақсадида оператор маҳсулотлар айланмаси иштирокчиларига туну-кун хизмат кўрсатадиган Call-марказига эга бўлиши лозим»;

қўйидаги мазмундаги 48¹-банд билан тўлдирилсин:

«48¹. Оператор томонидан маркировкалаш ахборот тизимининг маълумотларни сақлаш, бошқа ахборот тизимларига узатиш, қабул қилиш ва қайта ишлаш жараёнлари юзасидан бир йилда камида бир маротаба техник аудит ўтказиб борилиши шарт.

Техник аудит якунлангандан сўнг натижалари бўйича хулоса ўн кун муддатда Солиқ қўмитасига тақдим этилади».

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 80-сон қарори билан тасдиқланган Маҳсус электрон тизим орқали айrim фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисида ягона низомда:

(а) 28-иловада:

9-позицияда:

«и» кичик банддаги «бошқа ашёвий» сўзлари «солиқ органларида ҳисобга қўйилган бошқа ашёвий хуқуқ (ижара ёки текин фойдаланиш)» сўзлари билан алмаштирилсин;

«л» кичик банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошилари «рўйхатдан ўтказилмаган,» сўзларидан кейин «маркировкаламмаган,» сўзи билан тўлдирилсин;

10-позиция «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси» сўзларидан кейин «Солиқ қўмитаси» сўзлари билан тўлдирилсин;

(б) 29-иловада:

9-позицияда:

«б» кичик банддаги «рўйхатдан ўтказилмаган,» сўзларидан кейин «маркировкаламаган,» сўзи билан тўлдирилсинг;

«з» кичик банддаги «эгалик қилиш хуқуки ёки» сўзларидан кейин «солик органларида ҳисобга қўйилган» сўзлари билан тўлдирилсинг;

«к» кичик банддаги «касса-машинаси ҳамда тўлов терминалларидан» сўзлари «касса-техникаси, тўлов терминалларидан ҳамда электрон тўлов воситаларидан» сўзлари билан алмаштирилсинг;

10-позицияси «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси» сўзларидан кейин «Солик қўмитаси» сўзлари билан тўлдирилсинг.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 апрелдаги «Маиший техника маҳсулотларини мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини жорий этиш тўғрисида»ги 148-сон қарорининг 4-банди қўйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсинг:

«барча турдаги лампаларни мажбурий рақамли маркировкалашда идентификация воситаларини шакллантириш мақсадида рақамли маркировка кодлари оператор томонидан бепул тақдим этилади».

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 апрелдаги «Дори воситалари ва тиббий буюмларни мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини жорий этиш тўғрисида»ги 149-сон қарорида:

(а) 4-банднинг учинчи хатбошисидаги «бир» сўзи «икки» сўзи билан алмаштирилсинг;

(б) 2-иловада:

4.4-позиция қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

| | | | | | |
|-----|--|-----------------------|-----------------------|-----------------------|----------------------|
| 4.4 | Тайёр маҳсулотларни агрегациялаш тизимини йўлга қўйиш. | 2025 йил 1 октябрь | 2025 йил 1 октябрь | 2025 йил 1 октябрь | 2025 йил 1 ноябрь |
| »; | | | | | |

5.2-позиция қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

| | | | | | |
|-----|---|-----------------------|-----------------------|-----------------------|----------------------|
| 5.2 | Рақамли маркировка кодлари юзасидан маълумотлар электрон хисобварак-фактураларга бириткирилишини таъминлаш. | 2025 йил 1 октябрь | 2025 йил 1 октябрь | 2025 йил 1 октябрь | 2025 йил 1 ноябрь |
| ». | | | | | |

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 октябрдаги 611-сон қарори билан тасдиқланган Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларини тадбиркорлик субъекти фаолиятини текшириш хуқуқини бериш юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда:

3-банд қўйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсинг:

«Солик органларининг автоматлаштирилган ахборот тизими орқали маркировкаламган товарлар ҳаракатини кузатиш асосида аниқланган хуқуқбу-

зарлик бўйича масофавий солик текширувани ўтказувчи мансабдор шахслари аттестациядан ўтказилмайди»;

15-банд қўйидаги таҳирда баён этилсин:

«15. Аттестациядан ўтиши керак бўлган мансабдор шахслар рўйхатига:
тадбиркорлик субъекти фаолиятини текшириш хуқуқига эга бўлган мансабдор шахслар (бундан солик органларининг масофавий солик текширувани ўтказувчи мансабдор шахслари мустасно);

махсус гувоҳномасининг амал қилиш муддати тугаган ёки шу ой мобайнида тугайдиган мансабдор шахслар;

тадбиркорлик субъекти фаолиятини текшириш хуқуқини олишга тавсия қилинган, камида икки йиллик (сайёр солик текширувани ўтказиш бўйича камида уч ойлик) меҳнат стажига эга бўлган мансабдор шахслар киритилади.

Ушбу рўйхатга олдин тадбиркорлик субъекти фаолиятини текшириш хуқуқини олган, бироқ тадбиркорлик субъекти фаолиятини текшириш билан боғлиқ бўлмаган лавозимга тайинланган мансабдор шахслар, шунингдек, тадбиркорлик субъекти фаолиятини текшириш соҳасида қонунчилик бузилиши муносабати билан бундай хуқуқдан маҳрум этилган мансабдор шахслар киритилмайди».

9. Вазирлар Мажкамасининг 2022 йил 1 ноябрдаги 631-сон қарори билан тасдиқланган Сув ва салқин ичимликларни ишлаб чиқарувчи ташкилотлар томонидан мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини босқичма-босқич жорий қилиш графигида:

4.4-позиция қўйидаги таҳирда баён этилсин:

| | | | | |
|-----|--|-------------------------------|-------------------------------|--|
| « | | | | |
| 4.4 | Тайёр маҳсулотларни агрегациялаш тизимини йўлга қўйиш. | 2026 йил 1 апрелдан бошлаб | 2026 йил 1 апрелдан бошлаб | |

»;

5.2-позиция қўйидаги таҳирда баён этилсин:

| | | | | |
|-----|--|-------------------------------|-------------------------------|--|
| « | | | | |
| 5.2 | Рақамли маркировка кодлари тўғрисидаги маълумотларнинг электрон хисобварақ-фактураларга бириктирилишини таъминлаш. | 2026 йил 1 апрелдан бошлаб | 2026 йил 1 апрелдан бошлаб | |

».

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**260 Мамлакатимизда қайта суғурта тизимини янада тако-
миллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Миллий қайта суғурта бозори ҳажмини янада ошириш, таваккалчиликларни мўътадил тақсимлаш, суғурта қилдирувчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш ва қайта суғурта тизимини янада такомиллаштириш мақсадида **қарор қиласман:**

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар қайта суғурта тизимини 2025 йилда янада такомиллаштиришнинг асосий мақсадлари этиб белгилансин:

- (а) миллий қайта суғурта бозори ҳажмини 4 трлн сўмга етказиш;
- (б) қайта суғурта хизматлари экспортини камида 30 фоизга ошириш;
- (в) халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва қайта суғурта соҳасига жалб қилинадиган инвестициялар ҳажмини 150,0 млрд сўмгача ошириш.

II. Миллий қайта суғурта компаниясини ташкил этиш

2. Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик), Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг «O'zbekiston qayta sug'urta kompaniyasi» миллий қайта суғурта ташкилотини (кейинги ўринларда — Компания) ташкил этиш ва унинг фаолиятининг асосий ўёналишлари этиб қуйидагиларни белгилаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

- (а) суғурта фаолияти тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ барча қайта суғурта қилиш турларини амалга ошириш;
- (б) хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг республика иқтисодиётига киритадиган тўғридан-тўғри ва портфель инвестицияларининг ҳамда инвестиция лойиҳалари бўйича таваккалчиликларнинг комплекс қайта суғурта ҳимоясини таъминлаш;
- (в) хорижий мамлакатларнинг суғурта ва қайта суғурта компаниялари билан қайта суғурта масалаларида ҳамкорлик қилиш ва қайта суғурта операцияларини амалга ошириш.

3. Белгилансинки:

- (а) Компания акциядорлик жамияти шаклида ташкил қилинади ҳамда қонунчилик хужжатларида ўрнатилган тартибда қайта суғурта фаолиятини амалга оширади;
- (б) Компаниянинг устав капитали 300 миллиард сўмдан кам бўлмаган миқдорда шакллантирилади, унинг эллик фоизини давлат улуши ва эллик фоизини хусусий инвесторлар улуши ташкил этади;
- (в) Агентлик Компаниядаги давлат улуши бўйича акциядор функциясини амалга оширилади.

4. Белгилаб қўйилсинки:

(а) Агентлик ўз маблағлари хисобидан Компания устав капиталидаги давлат улушининг беш фоизини Компания ташкил этилганидан сўнг бир ой муддатда, қолган қисмини чораклик teng улушларда бир йил давомида киритади;

(б) Иктисадиёт ва молия вазирлиги Компаниянинг суфурта мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан Компания устав капиталининг шакллантирилмаган қисмига кафил хисобланади.

III. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

5. Агентлик Иктисадиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда қўйидагиларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

(а) Компания фаолиятини ташкил этиш масалаларига оид Ҳукумат қарори лойиҳасини;

(б) қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг суфурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4412-сон қарорининг 5-бандига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 23 май,
ПҚ-191-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 23 майдаги
ПҚ-191-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил
2 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг суфурта бозорини
ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш
чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4412-сон қарорининг
5-бандига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. 2025 йил 1 сентябрдан бошлаб шундай тартиб жорий қилинсинки, унга мувофиқ қайта суфурта қилдирувчилар суфурта воситачилари иштиро-кисиз, шунингдек, суфурта (қайта суфурта) брокерлари суфурта мажбуриятларини қайта суфурталаш учун хорижий суфурта ташкилотларига беришдан аввал бериладиган суфурта мажбуриятлари бўйича қайта суфурталаш бўйича офертани (қайта суфурталаш шартномаларини тузиш таклифларини) ваколатли давлат органи таъсисчилигида ташкил этилган қайта суфурта ташкилотларига юбориши, кейинчалик (рад этилган ҳолатда ёки қолган қисмини) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қайта суфурталаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган суфурта ташкилотларига юбориши шарт. Бунда:».

2. Олтинчи хатбошидан «облигатор қайта суфурталашга татбиқ этилмайди ҳамда» сўзлари чиқариб ташлансин.

Изоҳ: ушбу илова 2025 йил 1 сентябрдан бошлаб кучга киради.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИГ ҚАРОРИ

261 Бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштириш ва бюджетдан ташқари жамғармаларни шакллантириш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий қонунчилик базасини комплекс тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 30 апрелдаги ПФ–6218-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, амалдаги қонунчилик хужжатларини тизимлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг «тежамкорлик ва барқарорликни таъминлаш» тамоили асосида бюджет маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланишга қаратилган кўйидагиларни назарда тутувчи тизимли бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан мақсадли фойдаланиш, бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг харажатлар гурухлари ва моддалари бўйича тасдиқланган меъёрлар доирасида харажатларни амалга ошириш, смета-штат интизоми ва харажатларни маблағ билан таъминлашнинг кетма-кетлиги ҳамда уларни тўлаш муддатларига қатъий риоя қилиш;

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларидан фойдаланиши устидан тизимли мониторинг юритиш ҳамда самарасиз фойдаланилган маблағлар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадига олиб қўйилишини таъминлаш;

бюджет ташкилотларининг қўшимча даромадлар олиш бўйича фаолияти бюджет маблағлари ҳисобидан бажарилаётган ишлар ва қўрсатилаётган хизматлар ҳажмига (сифатига) зарар етказишига йўл қўймаслик.

2. Кўйидагиларни назарда тутувчи:

а) Бюджет ташкилотларининг харажатларини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ:

бюджет маблағларидан «тежамкорлик ва барқарорликни таъминлаш» тамоили асосида самарали ва мақсадли фойдаланиш;

бюджет ва смета-штат интизомини мустаҳкамлаш, шу жумладан, бюджет ташкилотларининг молиявий мустақиллиги ва масъулиятини ошириш;

Давлат бюджетидан маблағ олувчиларнинг маблағларни сарфлаши устидан дастлабки ва жорий назоратни амалга ошириш;

б) Вазирликлар, қўмиталар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғар-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 22 майда эълон қилинган.

малариға йўналтириладиган давлат божлари, йиғимлар ва солиқ бўлмаган тўловлардан, маъмурий ва молиявий жазолардан ажратмалар миқдорлари 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин:

давлат божлари, йиғимлар ва солиқ бўлмаган тўловлардан, маъмурий ва молиявий жазолардан ажратмаларнинг турларини тизимлаштириш;

вазирликлар, қўмиталар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалариға йўналтириладиган ажратмаларнинг миқдорларини белгилаш.

3. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 21 май,
325-сон

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 21 майдаги 325-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Бюджет ташкилотларининг харажатларини молиялаштириш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига мувофиқ бюджет ташкилотлари томонидан бюджет маблағларидан «тежамкорлик ва барқарорликни таъминлаш» тамойили асосида самарали ва мақсадли фойдаланиш, бюджет ва смета-штат интизомини мустаҳкамлаш, бюджет маблағлари сарфланишини назорат қилиш, шунингдек, бюджет ташкилотлари ходимлари меҳнатини моддий рағбатлантириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом бюджет ташкилотларига нисбатан татбиқ этилади.

**2-боб. Бюджет ташкилотларининг харажатларини Ўзбекистон
Республикаси Давлат бюджетидан маблағ билан таъминлаш**

3. Бюджет ташкилотлари тасдиқланган смета ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш учун қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига (кейинги ўринларда — Иқтисодиёт ва молия вазирлиги) ёки унинг ҳудудий органларига тақдим этадилар.

4. Бюджет ташкилотларининг тасдиқланган смета ва штатлар жадвали Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий органлари томонидан рўйхатдан ўтказилади.

5. Бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштиришда, биринчи навбатда, бюджет тизими бюджетларининг иқтисодий белгилар бўйича харажатлари гуруҳига киритилган биринчи ва иккинчи гуруҳ харажатларини амалга оширади. Бунда иккинчи гуруҳ харажатларига тегишли маблағ ўтказмасдан, биринчи гуруҳ харажатларини амалга ошириш тақиқланади (иш ҳақи учун олинган аванслар (бўнак) бундан мустасно).

Ягона ғазна ҳисобварафида, шунингдек, бюджет тизими бюджетларининг даражалари бўйича тегишли ғазна ҳисобварафида биринчи ва иккинчи гуруҳлар бўйича тўланмаган харажатлар суммасидан ортиқ маблағлар мавжуд бўлганда, ортиқча сумма миқдорида учинчи ва тўртинчи гуруҳлар бўйича маблағ сарфлашга рухсат этилади.

6. Бюджет ташкилотларининг харажатларини молиялаштиришда янги молия йилида бюджетдан ажратиладиган маблағлар бюджет ташкилотларининг ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 январидаги ҳолатига кўра товар-моддий бойликларнинг нормативдан ортиқ қолдиги суммасига камайтирилади.

Бюджет ташкилотининг асосий воситаларини сотишдан тушадиган маблағларни тақсимлаш тартиби қонунчиликка мувофиқ белгиланади.

Товар-моддий бойликларни сотишдан олинган маблағлар Бюджет ташки-

лотининг ривожлантириш жамғармаси бўйича (Тиббиёт ташкилотларининг моддий рафбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси бўйича) шахсий ғазна ҳисобвақларида (ғазна ижросига ўтмаган бюджет ташкилотлари бўйича — талаб қилиб олинадиган депозит ҳисобвақларида) жамланади ва бюджет ташкилотлари томонидан қуидаги тартибда тақсимланади (мактабгача ва мактаб таълими муассаса ва ташкилотларидан ташқари):

50 фоизи — тегишли бюджет даромадига;

50 фоизи — Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси бўйича (Тиббиёт ташкилотларининг моддий рафбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси бўйича) уларнинг шахсий ғазна ҳисобвақларида (ғазна ижросига ўтмаган бюджет ташкилотлари бўйича — талаб қилиб олинадиган депозит ҳисобвақларида) қолади.

Товар-моддий бойликларни сотишдан олинган, бюджет ташкилоти ихтиёрида қолдириладиган маблағлар бюджет ташкилот томонидан фаолият соҳасига мувофиқ моддий-техник базани мустаҳкамлашга йўналтирилади.

Мактабгача ва мактаб таълими муассаса ва ташкилотларининг мол-мулкани, жумладан, асосий воситаларини сотишдан тушган маблағларнинг 100 фоизи Таълим соҳасидаги ислоҳотларга кўмаклашиш жамғармасига йўналтирилади.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига тегишли давлат мулки обьектларини сотишдан тушган маблағларнинг 100 фоизи Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади;

Тошкент давлат юридик университетида асосий воситалар ва товар-моддий бойликларини сотишдан тушган маблағлар университетнинг ривожлантириш жамғармаси шахсий ғазна ҳисобвақларида 100 фоиз қолади ва университет томонидан мустақил равишда тасарруф қилинади.

3-боб. Бюджет ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан олинган маблағларнинг сарфланиши

7. Бюджет ташкилотлари Иктисадиёт ва молия вазирлиги ёки унинг ҳудудий органлари билан келишган ҳолда мавсумий ёки шошилинч тадбирларни (эпидемияга қарши, юқумли касалликларга қарши тадбирлар ва бошқа тадбирлар) маблағ билан таъминлаш учун маблағларни тўртинчи гурух маблағлари ҳисобига тезкорлик билан харажат қилишлари мумкин.

8. Харажатларнинг у ёки бу гуруҳида юзага келган кредиторлик қарзлар жорий молия йилида бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида уларнинг юзага келиши навбатига кўра ҳар қайси гурух бўйича тўланади.

4-боб. Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармасини шакллантириш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби

9. Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси даромадлари: ҳисобот чорагининг сўнгги иш куни охирида харажатлар сметаси бўйича

тежалган маблағлар, капитал қўйилмаларни молиялаштириш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно;

фаолият ихтисослиги бўйича товарлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилишдан олинган даромадлар;

бюджет ташкилотларига тегишли бўлган (балансида турган) мол-мулкни ижарага беришдан олинган маблағларнинг бир қисми;

белгиланган тартибда бюджет ташкилотлари тасарруфида қолдириладиган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар хисобидан шакллантирилади.

Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармасига бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилишдан олинган даромадлари товарлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилишдан тушган тушумлар ва уларни ишлаб чиқариш бўйича харажатлар ўртасидаги ижобий фарқ сифатида аниқланади.

10. Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари:

аввало, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик, ҳомиладорлик ва туғиши бўйича нафақаларни ҳамда мавжуд кредиторлик қарзларни тўлашга;

бюджет ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга;

ижтимоий ривожлантириш ва бюджет ташкилотларининг ходимларини моддий рафбатлантиришга сарфланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ҳукуматининг тегишли ҳужжатларига мувофиқ Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари бошқа мақсадларга ҳам ишлатилиши мумкин.

11. Бюджет ташкилотларида вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик, ҳомиладорлик ва туғиши бўйича тўланмаган нафақалар, муддати ўтказиб юборилган кредиторлик қарзи мавжуд бўлса, Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари тежаб қолинган бюджет маблағлари доирасида ушбу қарзни тўлашга (товарларни, (ишлар, хизматларни) ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича жами харажатлар ўрни қоплангандан сўнг) сарфланади.

Агар кредиторлик қарзи бюджет ташкилотларининг харажатлари вақтинча етарли миқдорда маблағ билан таъминланмагани муносабати билан юзага келган тақдирда, кредиторлик қарзининг Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси хисобидан тўланган миқдори жорий молия йилига белгиланган харажатлар лимити доирасида бюджетдан қопланади.

12. Бюджет ташкилотларида вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик, ҳомиладорлик ва туғиши бўйича тўланмаган нафақалар ҳамда кредиторлик қарзи мавжуд бўлмаса ёхуд ушбу қарз мазкур Низомда белгиланган доирада ва шартларда тўланган тақдирда, товарларни (ишлар, хизматларни) ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича жами харажатларнинг ўрни тўлдирилгандан кейин Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармасининг қолган маблағлари (ҳомийлик хайриялари, бефараз ёрдам миқдори бундан мустасно):

тушган барча маблағларнинг камида 75 фойзи (Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигига, Ўзбекис-

тон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг бюджет ташкилотларида, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш марказида, Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлигида, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тизимидағи маданият марказларида, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказида, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тизимидағи телерадиоканалларда ҳамда давлат театрларида камида 50 фоизи, соғлиқни сақлаш тизимидағи барча давлат тиббиёт муассасаларида 25 фоиз, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий-тиббий муассасаларида камида 25 фоизи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида камида 20 фоиз миқдорда) моддий-техник базани мустаҳкамлашга;

кўпи билан 25 фоизи (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигида, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг бюджет ташкилотларида, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш марказида, Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлигида, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тизимидағи маданият марказларида, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказида, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тизимидағи телерадиоканалларда ҳамда давлат театрларида камида 50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда, соғлиқни сақлаш тизимидағи барча давлат тиббиёт муассасаларида 75 фоиз, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий-тиббий муассасаларида 75 фоиздан ортиқ бўлмаган ҳамда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида 80 фоизгача миқдорда) бюджет ташкилотлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантириш тадбирларига сарфланади.

Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлиги тизимидағи юридик шахс мақомига эга бўлган идоравий мансуб ташкилотларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига тушадиган маблағларнинг 10 фоизи Спорт вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Спортни қўллаб-қувватлаш жамғармасига ўтказилганидан сўнг қолган маблағларнинг камида 75 фоизи моддий-техник базани мустаҳкамлашга ҳамда кўпи билан 25 фоизи бюджет ташкилотлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантиришга сарфланади.

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига ўтказилдиган ҳомийлик хайрияларининг барча суммаси, агар ҳомий билан махсус ўзгача шартлар келишилмаган бўлса, бюджет ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга йўналтирилади.

Бунда ҳомийлик хайриялари тушуми ва сарфланишининг ҳисоби алоҳида шахсий ғазна ҳисобварақларида юритилади.

Вазирлик ва идоралар, шунингдек, махаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ҳомийлик хайрияларини қабул қилиш, улардан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорак якуни бўйича уларнинг расмий веб-саҳифаларида эълон қилиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ҳукуматининг хужжатлари асосида Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармасига йўналтирилган маблағлар ушбу хужжатларда белгиланган тартибда сарфланади.

Ушбу банд мактабгача ва мактаб таълими ҳамда маданият муассасаса ва ташкилотларига нисбатан татбиқ этилмайди.

13. Бюджет ташкилотлари томонидан ходимларнинг меҳнат интизомини бузганилиги учун Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 312-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига мувофиқ қўлланган жарималар Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармасини шакллантириш манбаи бўлиб ҳисобланмайди ҳамда жарималар суммаси тегишли бюджет даромадига ўтказилади. Ушбу тартиб иш ҳақи харажатлари Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган бюджетдан маблағ олувчиларга ҳам татбиқ этилади.

14. Давлат ҳаридларида шартнома шартларини бажармагани ёки лозим даражада бажармагани туфайли ҳисобланган пеня (неустойка) ва буюртма-чига етказилган заарни қоплаш учун ундириладиган маблағлар:

давлат ҳаридлари бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилганда, 25 фоизи тегишли бюджетга ва 75 фоизи Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармасига;

давлат ҳаридлари бюджет ташкилотининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилганда, 100 фоиз Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади.

5-боб. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларни ва бюджетдан ташқари маблағларни ҳисобга олиш, шунингдек, бюджет ташкилотлари харажатларининг ижросини назорат қилиш тартиби

15. Бюджет ташкилотлари белгиланган тартибда ҳисобга турадилар ва бунда қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли давлат органларига молия ва статистика ҳисботини тақдим этадилар.

16. Бюджет ташкилотлари томонидан маблағларнинг сарфланишини, шу жумладан, Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланилиши Давлат молиявий назорати инспекцияси ва унинг ҳудудий бошқармалари, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий органлари, шунингдек, вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматлари ҳамда ҳудудий бўлинмалари томонидан қонунчилик билан берилган ваколатларга мувофиқ назорат қилинади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Фазначилик хизмати қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаларида назарда тутилган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни дастлабки ва жорий назорат қиласади.

17. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда унинг худудий органлари қуидаги хуқуқларга эга:

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағларини олувчиликдан режалаштириш, молиялаштириш, тегишли ташкилот томонидан бюджет ва смета-штат интизомига риоя этилишини назорат қилиш учун зарур бўлган ҳисобот маълумотларини сўраш;

кредит ташкилотларидан уларнинг уставларига мувофиқ бюджет ташкилотларининг операциялари ва ҳисобвараклари тўғрисидаги маълумотларни олиш;

бюджет ташкилотлари томонидан маблағлар ноқонуний сарфланганда, бюджет ва смета-штат интизоми бузилиши ҳолатлари аниқланганда, шунингдек, молиявий ҳисоботлар ва бошқа белгиланган ҳисобот тақдим этилмаганда, бу ҳақида тегишли вазирликлар ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларини хабардор қилган ҳолда, бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағларини олувчиликнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан харажатларини молиялаштиришни чеклаш ва зарур ҳолларда тўхтатиб кўйиш;

бюджет ташкилотларининг молиявий фаолияти бўйича жорий назоратни амалга ошириш;

аниқланган қонун бузилишларини бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар бажарилишини текшириш;

жиноят аломатлари мавжуд бўлган ҳуқуқбузарликлар аниқланганда, тегишли материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим этиш.

6-боб. Якунловчи қоида

18. Бюджет ташкилотларининг раҳбарлари бюджет, меҳнат, маъмурий, жиноят қонунчилигига мувофиқ бюджет ва смета-штат интизоми бузилиши, шу жумладан, Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармасига ўтказилиши керак бўлган тежаб қолинган бюджет маблағлари суммасининг нотўғри аниқлангани учун шахсан жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 21 майдаги 325-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган
деб ҳисоблананаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарорининг 1, 2, 5, 6, 9-бандлари ҳамда қарорга илова.
2. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағлар ажратиш ва улардан фойдаланишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 19 ноябрдаги 520-сон қарори.
3. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига ажратмаларни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 25 октябрдаги 499-сон қарорининг 3-банди ҳамда қарорга 3-илованинг 26-банди.
4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2005 йил 12 августдаги 196-сон қарорига 1-илованинг 2-банди.
5. Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида» 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарорининг 10-банди.
6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Молия-иктисодий, солик соҳасидаги жиноятларга, жинойи фаoliyatdan олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни куҷайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 21 апрелдаги ПҚ-331-сон қарори)» 2006 йил 6 июлдаги 130-сон қарорига илованинг 13-банди.
7. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлар Маҳкамасининг «бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2007 йил 19 июлдаги 148-сон қарори.
8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мулкини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 8 апрелдаги 102-сон қарори)» 2009 йил 5 июняғи 153-сон қарорига илованинг 1-банди.
9. Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотлари ва давлат унитар корхоналарининг асосий воситаларини ҳамда қурилиши тугалланмаган объектларини сотиш, шунингдек, уларни сотишдан тушган пул маблағларини тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2009 йил 31 декабрдаги 343-сон қарорига 2-илованинг 1-банди.
10. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идо-

раларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағлар ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон қарорининг 1-банди ҳамда қарорга 1-илова.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида (Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағлар ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон қарори)» 2010 йил 2 августдаги 165-сон қарорига 1-илованинг 7-банди ҳамда 2-илованинг 5-банди.

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Геология-қидирув ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизими самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 27 августдаги ПҚ-1396-сон қарори)» 2010 йил 17 декабрдаги 301-сон қарорига илованинг 38-банди.

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармани ташкил этиш тўғрисида» 2010 йил 10 ноябрдаги ПҚ-1432-сон қарори, Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджетдан ташқари таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 10 декабрдаги 291-сон қарори)» 2011 йил 18 февралдаги 42-сон қарорига 1-илованинг 1-банди.

14. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат харидларини ташкил этишга доир норматив-хуқуқий базани такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 1 апрелдаги 100-сон қарорига 3-илованинг 1-банди.

15. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигини ташкил этиш тўғрисида» 2011 йил 24 майдаги ПҚ-1536-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 8 июндаги 166-сон қарори)» 2011 йил 6 сентябрдаги 248-сон қарорига илованинг 14-банди.

16. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасини таълим ва тибиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси этиб қайта ташкил этиш тўғрисида» 2011 йил 21 ноябрдаги ПҚ-1645-сон қарори)» 2012 йил 3 февралдаги 30-сон қарорига илованинг 1-банди.

17. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Риэлторлик фаолияти тўғрисида» 2010 йил 22 декабрдаги ЎРҚ-269-сонли Қонуни)» 2012 йил 27 февралдаги 52-сон қарорига илованинг 8-банди.

18. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг нотариат фаолиятини ташкил этишга доир айрим қарорлариға ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2012 йил 10 апрелдаги 105-сон қарори.

19. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзи қарорларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2012 йил 16 февралдаги 41-сон қарори)» 2012 йил 20 апрелдаги 116-сон қарорига 1-илованинг 9-банди.

20. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2012 йил 23 майдаги 143-сон қарорига илованинг 18-банди.

21. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағлар ажратишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида» 2012 йил 12 июндаги 170-сон қарори.

22. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2012 йил 3 январдаги ЎРҚ-315-сон Қонуни)» 2012 йил 26 июндаги 183-сон қарорига 1-илованинг 2-банди.

23. Вазирлар Маҳкамасининг «Суд ижроилари томонидан солиқ қарздорлигини ундириш тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2012 йил 11 октябрдаги 290-сон қарори.

24. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2013 йил 19 мартағи 82-сон қарорининг 3-банди ҳамда қарорга 2-илова.

25. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2012 йил 23 октябрдаги ПҚ-1836-сон қарори)» 2013 йил 23 августдаги 233-сон қарорига илованинг 24-банди.

26. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг

айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз қучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва ракобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида» 2012 йил 13 ноябрдаги ПФ-4483-сон Фармони)» 2013 йил 9 сентябрдаги 244-сон қарорига 1-илованинг 74-банди.

27. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2013 йил 15 августдаги 225-сон қарори)» 2013 йил 8 октябрдаги 276-сон қарорига илованинг 10-банди.

28. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга қўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2013 йил 12 декабрдаги ПҚ-2085-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2014 йил 10 марта даги 57-сон қарорининг 3-банди хамда қарорга 5-илова.

29. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз қучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 15 апрелдаги ПҚ-2164-сон қарори)» 2014 йил 17 июлдаги 196-сон қарорига 1-илованинг 33-банди.

30. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағлар ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон қарорига қўшимча киритиш ҳақида» 2014 йил 8 октябрдаги 283-сон қарори.

31. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз қучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компаниясини ташкил этиш тўғрисида» 2015 йил 27 октябрдаги ПФ-4761-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзпахтасаноатэксорт» холдинг компанияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 28 октябрдаги ПҚ-2422-сон қарори)» 2015 йил 25 декабрдаги 372-сон қарорига 1-илованинг 12-банди.

32. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз қучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида» 2013 йил 26 декабрдаги ЎРҚ-360-сон ҳамда «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2016 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилин-

ганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2015 йил 31 декабрдаги ЎРҚ-398-сон қонунлари)» 2016 йил 26 апрелдаги 122-сон қарорига 1-илованинг 26 ва 98-бандлари ҳамда 2-илованинг 4 ва 7-бандлари.

33. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида («Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2015 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-396-сон Ўзбекистон Республикаси Қонуни)» 2016 йил 28 апрелдаги 129-сон-қарори.

34. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2016 йил 2 декабрдаги ПҚ-2666-сон қарори)» 2017 йил 13 апрелдаги 207-сон қарорига 1-илованинг 19-банди.

35. Вазирлар Маҳкамасининг «Ахолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида» 2017 йил 25 апрелдаги 238-сон қарорининг 8-банди ҳамда қарорга 4-илова.

36. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизmlарини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 1 февралдаги ПҚ-2750-сон қарори)» 2017 йил 1 майдаги 252-сон қарорига 1-илованинг 11-банди.

37. Вазирлар Маҳкамасининг «Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва чиққиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2017 йил 15 июндаги 375-сон қарорига 2-илованинг 3-банди.

38. Вазирлар Маҳкамасининг «Табиий сув ҳавза участкаларини балиқ овлаш хўжаликларига ижарага бериш ва Балиқчиликни ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 7 августдаги 593-сон қарорига 3-илованинг 2-банди.

39. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини

ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 18 апрелдаги ПФ–5016-сон Фармони)» 2017 йил 16 августдаги 638-сон қарорига 1-илованинг 47-банди.

40. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 29 майдаги ПФ–5059-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 30 майдаги ПҚ–3016-сон қарори)» 2017 йил 16 августдаги 639-сон қарорига 1-илованинг 6-банди.

41. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2017 йил 28 августдаги 677-сон қарорининг 2-банди ҳамда қарорга 4-илова.

42. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрлари юритишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 31 майдаги ПФ–5065-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 31 майдаги ПҚ–3024-сон қарори)» 2017 йил 29 августдаги 679-сон қарорига илованинг 12-банди.

43. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Судлар ва адлия органлари фаолиятини моддий-техник ва молиявий таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2017 йил 23 августдаги ПҚ–3240-сон қарори)» 2017 йил 25 октябрдаги 873-сон қарорига илованинг 4-банди.

44. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида лойиҳа бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 29 августдаги ПҚ–3245-сон қарори)» 2017 йил 20 ноябрдаги 925-сон қарорига илованинг 4-банди.

45. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 30 августдаги ПФ–5174-сон Фармони ҳамда «Ўзбекистон Рес-

публикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 30 августдаги ПҚ-3249-сон қарори)» 2017 йил 22 ноябрдаги 933-сон қарорига 1-илованинг 2-банди.

46. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда ходимларини моддий рафбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 5 декабрдаги 968-сон қарорининг 5-банди ҳамда қарорга 2-илова.

47. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқариши янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 18 апрелдаги ПФ-5017-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2900-сон қарори)» 2017 йил 25 декабрдаги 1019-сон қарорига илованинг 2-банди.

48. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини ўйқотган деб хисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454-сон қарори)» 2018 йил 22 майдаги 384-сон қарорига 1-илованинг 3-банди.

49. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Давлат хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 14 мартағи ПФ-5379-сон Фармони)» 2018 йил 29 майдаги 396-сон қарорига илованинг 49-банди.

50. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспортини бошқариш тизимини такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 9 июнданги 434-сон қарорига 6-илованинг 8-банди.

51. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларини моддий рафбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 6 июлдаги 514-сон қарорига илованинг 1-банди.

52. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағ ажратишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2018 йил 11 июлдаги 527-сон қарори.

53. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига судларга аризалар берганда давлат божи миқдорларини

ошириш, шунингдек, судлар ходимларини моддий рафбатлантиришга йўналтирилган ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида» 2018 йил 17 июлдаги 544-сон қарорига илованинг 4-банди.

54. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 13 апрелдаги ПФ-5415-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон қарори)» 2018 йил 9 августдаги 638-сон қарорига илованинг 7-банди.

55. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси тўғрисида» 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-458-сон ва «Давлат ҳавфсизлик хизмати тўғрисида» 2018 йил 5 апрелдаги ЎРҚ-471-сон қонунлари)» 2018 йил 20 сентябрдаги 748-сон қарорига илованинг 29-банди.

56. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат ҳавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3699-сон қарори)» 2018 йил 24 сентябрдаги 759-сон қарорига 1-илованинг 1 ва 9-бандлари.

57. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кенгайтириш ва мустақиллигини оширишга йўналтирилган ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2018 йил 6 октябрдаги 805-сон қарорига илованинг 2 ва 3-бандлари.

58. Вазирлар Маҳкамасининг «Табиатни муҳофаза қилишни таъминлашнинг иқтисодий механизmlарини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 11 октябрдаги 820-сон қарорига 2-илованинг 2-банди.

59. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг устувор йўналишларини амалга оширишда унинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 5 апрелдаги ПФ-5400-сон Фармони ва «Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ-3654-сон қарори)» 2018 йил 23 октябрдаги 859-сон қарорига илованинг 4-банди.

60. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 17 апрелдаги ПФ-5418-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 17 апрелдаги ПК-3671-сон қарори, «Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 17 апрелдаги ПК-3672-сон қарори)» 2018 йил 7 декабрдаги 995-сон қарорига 1-илованинг 60-банди.

61. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Автомобиль транспортини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 6 мартдаги ПК-3589-сон қарори)» 2018 йил 10 декабрдаги 1002-сон қарорига илованинг 1-банди.

62. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарорига қўшимча киритиш ҳақида» 2019 йил 1 февралдаги 79-сон қарори.

63. Вазирлар Маҳкамасининг «Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги норматив-хуқуқий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 2019 йил 6 февралдаги 95-сон қарорига З-илованинг 2-банди.

64. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги соҳасида давлат бошқаруви ва назорати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 12 декабрдаги ПФ-5594-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат кўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2018 йил 12 декабрдаги ПК-4058-сон қарори)» 2019 йил 6 мартдаги 195-сон қарорига илованинг 18-банди.

65. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ички ишлар органлари ходимларини рағбатлантиришга доир айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2019 йил 11 мартдаги 207-сон қарорига илованинг 1-банди.

66. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасига хориждан ишчи кучини жалб қилиш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2019 йил 25 мартдаги 244-сон қарорига 2-илованинг 7-банди.

67. Вазирлар Маҳкамасининг «Моддий маданий мерос обьектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишга оид айрим норматив-хуқуқий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 2019 йил 30 мартдаги 265-сон қарорига 13-илованинг 3-банди.

68. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат солиқ хизмати органлари фаолия-

тини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 17 апрелдаги 320-сон қарорига 8-илованинг 5-банди.

69. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 24 апрелдаги 348-сон қарорига 5-илованинг 4-банди.

70. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари ходимларини Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш жамғармаси хисобига қўшимча моддий рафбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2019 йил 24 майдаги 429-сон қарорига 3-илованинг 1-банди.

71. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини янада комплекс ривожлантириш чоралари ҳақида» 2019 йил 15 февралдаги ПҚ-4193-сон қарори)» 2019 йил 2 июлдаги 548-сон қарорига илованинг 3-банди.

72. Вазирлар Маҳкамасининг «Қўриқлаш ва назорат-лицензия фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2019 йил 9 июлдаги 568-сон қарорига илованинг 5-банди.

73. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини тартибга солувчи норматив-хукуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 2019 йил 12 июлдаги 575-сон қарорига 7-илованинг 1 ва 7-бандлари.

74. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда маъмурӣ тартиб-таомилларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 23 апрелдаги ПҚ-4297-сон қарори)» 2019 йил 18 сентябрдаги 787-сон қарорига илованинг 3-банди.

75. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети таркибиға киритиладиган давлат мақсадли жамғармаларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» 2019 йил 19 ноябрдаги 917-сон қарори.

76. Вазирлар Маҳкамасининг «Илм-фан ва таълим соҳасидаги давлат ташкилотларида илмий, илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи илмий даражага эга ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида» 2019 йил 24 декабрдаги 1030-сон қарорининг 6-банди ҳамда қарорга 2-илова.

77. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг

айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2020 йил 15 январдаги 26-сон қарорига илованинг 1-банди.

78. Вазирлар Маҳкамасининг «Нодавлат нотариал фаолиятни тартибга солувчи норматив-хуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 2020 йил 16 марта 156-сон қарорига 5-илованинг 3-банди.

79. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сон ва «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида» 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон Фармонлари)» 2020 йил 14 апрелдаги 217-сон қарорига 2-илованинг 39-банди.

80. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ва Давлат божхона қўмитасининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2020 йил 22 майдаги 315-сон қарорига илованинг 3-банди.

81. Вазирлар Маҳкамасининг «Сув таъминоти тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2020 йил 28 майдаги 342-сон қарорига 1-илованинг 1-банди.

82. Вазирлар Маҳкамасининг «Йўл ҳаракати қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 5 августдаги 463-сон қарорига 2-илованинг 1-банди.

83. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний тарбия ва спорт обьектларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини молијлаштириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 26 августдаги ПФ-5787-сон Фармони)» 2020 йил 12 августа 481-сон қарорига 1-илованинг 1-банди.

84. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик техникумлари фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 30 октябрдаги 677-сон қарорига 3-илованинг 1-банди.

85. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида («Давлат божи тўғрисида»ги Ўз-

бекистон Республикаси Қонуни» 2020 йил 16 июндаги 384-сон қарорига 2-илованинг 20 ва 53-бандлари.

86. Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги тизимида самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 26 августдаги 514-сон қарорига илованинг 3-банди.

87. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни рўйхатга олиш тартибини соддалашибтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 28 сентябрдаги 593-сон қарорига 4-илованинг 10-банди.

88. Вазирлар Маҳкамасининг «Божхона йигимлари ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида» 2020 йил 9 ноябрдаги 700-сон қарорига 2-илованинг 4-банди.

89. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги фаолиятига оид норматив-хуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 2020 йил 30 ноябрдаги 753-сон қарорига 4-илованинг 5-банди.

90. Вазирлар Маҳкамасининг «Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсати тубдан такомиллашибтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2020 йил 14 декабрдаги 777-сон қарорига 1-илованинг 49-банди.

91. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз аҳамиятини йўқотган айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик мухитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ-6075-сон Фармони)» 2021 йил 22 февралдаги 87-сон қарорига илованинг 1199-банди.

92. Вазирлар Маҳкамасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасига хусусий секторни жалб этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 21 апрелдаги 232-сон қарорининг 8-банди ҳамда қарорга 3-илова.

93. Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими тизимидағи ташкилотларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2021 йил 27 апрелдаги 243-сон қарорига 2-илованинг 3-банди.

94. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими ҳамда замонавий хизматлар кўрсатишни янада ривожлантириш тўғрисида» 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6159-сон Фармони ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ

хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2021 йил 3 февралдаги ПҚ-4975-сон қарори» 2021 йил 4 майдаги 274-сон қарорига илованинг 1-банди.

95. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» 2020 йил 27 ноябрдаги ПФ-6119-сон Фармони)» 2021 йил 8 майдаги 290-сон қарорига илованинг 1-банди.

96. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида» 2020 йил 18 ноябрдаги ЎРҚ-647-сон Қонуни)» 2021 йил 10 июндаги 363-сон қарорига илованинг 3-банди.

97. Вазирлар Маҳкамасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиб тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида» 2021 йил 29 июндаги 402-сон қарорига 4-илованинг 12-банди.

98. Вазирлар Маҳкамасининг «Олий, ўрта маҳсус ва професионал таълим ташкилотларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 18 августдаги 527-сон қарорининг 4-банди.

99. Вазирлар Маҳкамасининг «Автомобиль транспортида йўловчи ташиш ўйналишлари бўйича очиқ тендерларни электрон тарзда ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 6 декабрдаги 738-сон қарорига 3-илованинг 9-банди.

100. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ўсимликлар карантини ва химояси тизимини тубдан такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида» 2021 йил 15 декабрдаги 752-сон қарорига 1-илованинг 4-банди.

101. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази фаолиятини тартибга солувчи айрим норматив-хуқуқий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 2021 йил 16 декабрдаги 756-сон қарорига 3-илованинг 1-банди.

102. Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида» 2021 йил 27 декабрдаги 774-сон қарорига 1-илованинг 10-банди.

103. Вазирлар Маҳкамасининг «Кўп квартирали уйларни бошқариш фаолиятини амалга ошириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» 2022 йил 3 январдаги 3-сон қарорига 2-илованинг 1-банди.

104. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузурида Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институти ташкил этилиши ва давлат театрлари жамоаларини моддий қўллаб-қувватлаш муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2022 йил 12 январдаги 19-сон қарорига илованинг 2-банди.

105. Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати ташкилий тузилмасини ва фаолиятини ташкил этишга оид норматив-хуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 2022 йил 8 февралдаги 62-сон қарорига 12-илованинг 10 ва 33-бандлари.

106. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги тўғрисидаги ва Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасида давлат назорати департаменти тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2022 йил 11 марта 114-сон қарорига 3-илованинг 4-банди.

107. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-хуқуқий ҳужжатлар тўғрисида» 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ-682-сон Қонуни)» 2022 йил 4 апрелдаги 153-сон қарорига илованинг 45 ва 238-бандлари.

108. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлиги фаолияти ташкил этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2022 йил 22 апрелдаги 209-сон қарорига илованинг 6-банди.

109. Вазирлар Маҳкамасининг «Туризм ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқарувининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2022 йил 20 майдаги 278-сон қарорига 1-илованинг 6-банди.

110. Вазирлар Маҳкамасининг «Географик кўрсаткичларни рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида» 2022 йил 13 июлдаги 385-сон қарорига 2-илованинг 6-банди.

111. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 5 августдаги 431-сон қарорига 3-илованинг 2 ва 11-бандлари.

112. Вазирлар Маҳкамасининг «Норуда материалларни ноқонуний қазиб олишда табиий объектларга етказилган зарарни ҳисоблаш тартибини тако-

миллаштириш тўғрисида» 2022 йил 23 ноябрдаги 666-сон қарорининг 5-банди ҳамда қарорга 2-илова.

113. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағлар ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш хақида» 2022 йил 14 декабрдаги 706-сон қарори.

114. Вазирлар Маҳкамасининг «Яратилган янги иш ўринларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2022 йил 21 декабрдаги 717-сон қарорига 3-илованинг 5 ва 15-бандлари.

115. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги обьектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси фаолиятини тартибга солувчи айrim норматив-хуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 2023 йил 27 сентябрдаги 500-сон қарорига 5-илованинг 2-банди.

116. Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги давлат бошқаруви такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2023 йил 11 декабрдаги 653-сон қарорига илованинг 1-банди.

117. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2023 йил 15 декабрдаги 665-сон қарорига 1-илованинг 2 ва 12-бандлари.

118. Вазирлар Маҳкамасининг «Маъмурий ислоҳотлар доирасида рақамили технологиялар соҳаси такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2023 йил 28 декабрдаги 688-сон қарорига илованинг 5 ва 14-бандлари.

119. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет ташкилотларини ҳаражатларини молиялаштириш (тўлаш) тартибига қўшимча киритиш тўғрисида» 2024 йил 30 январдаги 56-сон қарори.

120. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлиги ташкил этилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кўчини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2024 йил 8 майдаги 272-сон қарорига 1-илованинг 25-банди.

121. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ва унинг тизимидағи ташкилотлари фаолиятини самарали йўлга қўйиш чоралари тўғрисида» 2024 йил 1 июлдаги 370-сон қарорига 3-илованинг 2-банди.

122. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг

айрим қарорларига уларни қонун ҳужжатларига мувофиқлаштиришни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2024 йил 22 июлдаги 439-сон қарорига илованинг 3-банди.

123. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига республика ижро этувчи ҳокимият органларининг номларини ўзаро мувофиқлаштиришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2024 йил 25 июлдаги 453-сон қарорига илованинг 1-банди.

124. Вазирлар Маҳкамасининг «Божхона тартиб-таомиллари янада такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2024 йил 4 октябрдаги 630-сон қарорига 1-илованинг 2-банди.

125. Вазирлар Маҳкамасининг «Автомобиль йўллари бўйлаб катта ҳажмли ва оғир вазнли автотранспорт воситаларининг ҳаракатланиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2024 йил 28 октябрдаги 710-сон қарорига 3-илованинг 4-банди.

126. Вазирлар Маҳкамасининг «Саноат корхоналарининг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2024 йил 25 ноябрдаги 783-сон қарорига 4-илованинг 1-банди.

127. Вазирлар Маҳкамасининг «Интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2024 йил 19 декабрдаги 859-сон қарорига илованинг 5-банди.

128. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2024 йил 27 декабрдаги 891-сон қарорига илованинг 1-банди.

129. Вазирлар Маҳкамасининг «Айдар-Арнасой кўллар тизимида ҳайвонот ва ўсимлик дунёсидан фойдаланиш ҳамда жамоат тартибини сақлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағлар ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида» 2025 йил 29 январдаги 47-сон қарорининг 2-банди ва қарорга илова.

130. Вазирлар Маҳкамасининг «Божхона йигимлари ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида» 2025 йил 31 январдаги 55-сон қарорига 2-илованинг 1-банди.

131. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2025 йил 1 марта 135-сон қарорига 1-илованинг 12-банди.

132. Вазирлар Маҳкамасининг «Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан ўзбекистон республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгарти-

риш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2025 йил 2 майдаги 289-сон қарорига 1-илованинг 13-банди.

133. Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига Мудофаа вазирлиги ҳарбий-тиббий муассасаларининг ҳарбий хизматчилари ва фуқаро ходимларини моддий қўллаб-кувватлаш тизмини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2025 йил 7 майдаги 298-сон қарорига илованинг 1-банди.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

262 Болалар саратони бўйича халқаро академик хаб фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Болалар саратони бўйича халқаро академик хаб фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2025 — 2030 йилларда болалар саратонига қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий стратегиясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2025 йил 19 майдаги ПҚ-186-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, онкологик касалликларга чалинган болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш, педиатр онкологларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун шарт-шароитларини яратиш, илмий салоҳиятни мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг илмий-интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш учун инновацион ғоялар, амалиётлар ва технологияларни жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2025 — 2030 йилларда болалар саратонига қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий стратегиясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2025 йил 19 майдаги ПҚ-186-сон қарорига мувофиқ Болалар онкологияси, гематологияси ва иммунологияси илмий-амалий тиббиёт маркази (кейинги ўринларда — Марказ) ҳузурида Болалар саратони бўйича халқаро академик хаб (кейинги ўринларда — Академик хаб) ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки:

Академик хаб фанлараро платформа доирасида таълим, илмий-тадқиқот ва тиббиёт муассасаларини бирлаштирган давлат таълим муассасаси ҳисобланади;

Академик хабда болалар онкологияси ва гематологияси соҳасида қайта тайёрлаш, малака ошириш, клиник ординаторлар ва олий таълимдан кейинги таълим институтида тиббиёт ходимларини тайёрлаш амалга оширилади;

Марказ Академик хабнинг муассиси ҳисобланади;

Академик хабда ўқув жараёни нуфузли хорижий олий таълим ташкилотлари, шунингдек, маҳаллий тиббиёт олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ташкил этилади;

етакчи халқаро университетлар клиникалари Академик хабнинг таълим қисми бўйича бошқарувчи шерик ҳисобланади;

Академик хабни муваффақиятли тамомлаган битирувчиларга белгиланган намунадаги сертификат (диплом) берилади;

Академик хаб томонидан берилган сертификатга эга бўлган давлат тиббиёт муассасаларида фаолият юритувчи тиббиёт ходимларига уларнинг базавий тариф ставкаси (лавозим маоши)нинг 100 фоизи миқдорида ҳар ойлик устама тўланади;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 24 майда эълон қилинган.

Академик хаб ходимларига қонунчиллик ҳужжатларига мувофиқ давлат олий таълим муассасаларининг тегишли лавозимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари татбиқ этилади. Бунда Академик хаб директорига — олий таълим муассасаси ректори учун, унинг ўринбосарларига — олий таълим муассасаси проректори учун назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари қўлланилади;

Академик хабнинг ходимларига уларнинг фаолият кўрсаткичларидан келиб чиқиб, Марказнинг Кузатув кенгashi қарори билан Академик хабнинг бюджетдан ташқари маблағлари, шу жумладан, Онкологик ва гематологик касалликларга чалинган болаларни соғломлаштиришга кўмаклашиш жамғармаси ҳисобидан лавозим маошларига қўшимча тўловлар ва устамалар белгиланиши мумкин.

3. Академик хабнинг асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгилансин: мутахассислар, олимлар, тадқиқотчиларни тайёрлаш (олий таълимдан кейинги таълим), қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

янги клиник ва илмий тадқиқотларни жорий этиш, миллый, минтақавий ва халқаро инновацион тизимларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш мақсадида онкология, гематология, иммунология ва педиатрия соҳасида фанлараро тадқиқотларни амалга ошириш;

инновацион ҳужайра технологиясини ривожлантириш, болаларда онкологик, гематологик, иммунологик ва бошқа касалликларни даволаш учун биотибиёт ҳужайра маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва клиник амалиётга жорий этиш;

етакчи тиббиёт университетлари ва ихтисослаштирилган муассасалар томонидан қўлланиладиган илфор таълим дастурлари, инновацион педагогик усуллар ва технологияларни ишлаб чиқиш, мослаштириш ва жорий этиш;

илмий-тадқиқот ва амалий билимларни интеграциялаш, фаолиятни кластер тамойили асосида ташкил этиш, академик ва касбий тажриба алмашиш, таълим ва илм-фан интеграциясини жорий этиш;

Ўзбекистон ва Марказий Осиё минтақасининг хорижий, давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари, шунингдек, тиббиёт илмий марказларини бирлаштирувчи бўғин бўлиб хизмат қилувчи самарали платформани яратиш;

илмий ва таълим жараёнларини бошқаришнинг энг самарали тизимини яратиш, чет эллик илмий экспертларни жалб қилиш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва халқаро рейтингларда етакчи ўринларни эгаллаган жаҳон тиббиёт университетлари билан стратегик шериклик алоқаларини ўрнатиш;

Академик хабнинг халқаро таълим маконида эътироф этилишига эришиш, нуфузли олий таълим муассасалари рейтингларида муносиб ўрин эгаллаш;

мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун узлуксиз таълим тизимини яратиш;

тиббиёт соҳасидаги кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муассасалари билан ҳамкорликни амалга ошириш, улар билан биргаликда ихтисослик йўналишлари бўйича ўқув-таълим дастурларини ишлаб чиқиш.

4. Белгилансинки, Академик хабнинг Васийлик кенгаши таркиби Марказнинг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

Бунда Академик хабнинг Васийлик кенгаши таркибига халқаро ташкилотлар ва ҳамкор хорижий мамлакатлар аъзолари ҳам киритилиши мумкин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

а) Академик хаб Марказнинг Кузатув кенгаши билан келишилган ҳолда: штатлар жадвалини тасдиқлайди ҳамда ўқитиш тартибини белгилайди;

хорижий олий таълим ташкилотлари билан тузилган битимлар асосида ўқув режалари ва дастурларини тасдиқлайди, профессор-ўқитувчилар фаолиятини тартибга солади;

юқори малакали чет эллик профессор-ўқитувчилар ва бошқа мутахассисларни жалб қиласди, бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорларини мустақил белгилайди;

ўқишига қабул қилиш шартларини, шунингдек, ўқитиш учун тўлов миқдорларини белгилайди;

инновацион ва илмий фаолиятни, шунингдек, илмий ютуқларни тижоратлаштириш, молиявий ресурсларни жалб этиш тадбирларини амалга оширади;

хорижий таълим ва илмий ташкилотлар билан тўғридан-тўғри музокаралар олиб боради, шунингдек, Академик хабнинг молиявий, иқтисодий, маъмурий ва бошқарув фаолияти бўйича қарорлар қабул қиласди;

китоблар ва адабиётларни харид қилишни, ўқув журнallари, электрон кутубхоналар ва бошқа ўқув ресурсларига обуна бўлишни бевосита амалга оширади, шунингдек нашриётлар ва етказиб берувчилар билан, шу жумладан халқаро тўлов тизимларидан фойдаланган ҳолда тўғридан-тўғри шартномалар тузиш йўли билан уларни хатловдан ўтказади;

б) Академик хабда:

ўқув жараёни ўзбек, рус ва инглиз тилларида қисқа муддатли ўқитиш дастурлари асосида маъруза, лаборатория ва якка тартибдаги машғулотлар, гурухларда амалий ишларни бажариш, танқидий фикрлаш, саволлар ва тажрибаларни ечиш ёрдамида ташкил этилади;

ўқув жараёни «назарияни амалиёт билан ўйғунликда тақдим этиш» таомили асосида ташкил этилади. Бунда тингловчиларга Марказда ҳамда онкология, гематология, иммунология ва педиатрия ўйналишидаги бошқа клиникаларда малакавий амалиёт ўташ имконияти берилади;

в) тингловчиларни қабул қилиш параметрлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда Марказ томонидан белгиланади;

г) 2030 йилгача ҳар йили Марказий Осиё мамлакатлари фуқаролари учун мутахассисларни ўқитиш учун камида 25 та ўрин ажратилади;

д) Академик хабнинг директори Марказ Кузатув кенгаши раиси билан келишилган ҳолда Марказ директори томонидан тайинланади.

6. Академик хаб 2025 йил 1 сентябрга қадар:

клиник тадқиқотлар ва синовлар протоколларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

Этика қўмитаси томонидан баҳолаш ва маъқуллашдан ўтказилишини, тадқиқотларнинг халқаро ва миллий платформаларда рўйхатдан ўтказилиши.

шини хамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тартибга солувчи органларидан тегишли рухсатномалар олинишини таъминласин;

молиялаштириш манбаларини, шу жумладан, халқаро ва маҳаллий грантларни жалб қилиш, фармацевтика компаниялари билан ҳамкорликни ва давлат дастурларида иштирок этишни йўлга қўйисин.

7. Марказ:

икки ой муддатда Академик хаб фаолиятини ташкил этиш бўйича «йўл харитаси»ни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун киритсин;

уч ой муддатда Академик хабни 2030 йилгача бўлган даврда ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқсин.

Марказнинг Кузатув кенгашига қўйидагилар тавсия этилсин:

Академик хабнинг тузилмасини тасдиқлаш, тасдиқланган меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида унга ўзгартиришлар киритиш;

Академик хаб фаолиятини молиялаштириш, қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни ташкил этиш учун бюджетдан ташқари маблағлар, ҳомийлик хайриялари ва бошқа манбаларни жалб этишга кўмаклашиш;

Академик хабга ажратилган биноларни таъмираш ва реконструкция қилиш, уларни замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, инвентарлар, компьютерлар ва бошқа ташкилий воситалар, кутубхона фонди билан жиҳозлаш учун зарур маблағларни жалб этиш;

Академик хабга тингловчиларни тайёрлаш ва қабул қилиш шартларини белгилаш;

бюджет ижроси бўйича йиллик ҳисоботларни, шунингдек, Академик хаб фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

Марказ ҳузуридаги Онкологик ва гематологик касалликларга чалинган болаларни соғломлаштиришга қўмаклашиш жамғармаси ва Академик хабнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан профессор-ўқитувчилар таркиби, бошқарув ва бошқа ходимларга қўшимча моддий рафбатлантиришлар, устамалар ва мукофотлар белгилаш.

8. Академик хабнинг фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб қўйидагилар белгилансин:

Давлат бюджети маблағлари;

Марказ ҳузуридаги Онкологик ва гематологик касалликларга чалинган болаларни соғломлаштиришга қўмаклашиш жамғармаси маблағлари;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари;

тўлов-шартнома асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;

хўжалик фаолиятидан ва шартнома асосида хизматлар қўрсатишдан тушадиган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари;

қонунчилик хужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

Белгилансинки, Академик хабни молиялаштириш 2025 йилда Марказ ҳузуридаги Онкологик ва гематологик касалликларга чалинган болаларни соғломлаштиришга қўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан,

2026 йилдан бошлаб эса Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади-ган маблағлар хисобидан амалга оширилади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги икки ҳафта муддатда 2025 йилда Академик хаб фаолиятини молиялаштириш учун Марказ ҳузуридаги Онкологик ва гематологик касалликларга чалинган болаларни согломлаштиришга күмакла-шиш жамғармасига асосланган ҳисоб-китобларга мувофиқ маблағ ажратсин.

9. Марказ:

а) бир ой муддатда:

Адлия вазирлиги билан биргаликда Академик хабнинг Уставини белги-ланган тартибда тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилишини таъмин-ласин;

музокаралар натижалари бўйича маҳаллий ва хорижий олий таълим таш-килотлари билан узоқ муддатли келишувларга эришиш чораларини кўрсин; ўқитиш дастурларини белгиласин;

б) уч ой муддатда Академик хабни малакали профессор-ўқитувчилар ва бошқарув ходимлари, шу жумладан, чет эллик мутахассислар билан тўлди-риш чораларини кўрсин;

в) ҳомийлик, грант, техник кўмак ва бюджетдан ташқари маблағларни шунингдек, қонунчилик хужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағларни жалб қилишда Академик хабга кўмаклашсин.

10. «Uzbekistan Airways» АЖ 2027 йил 1 январга қадар Академик хаб учун зарур бўлган адабиёт фонди ва моддий-техника воситаларининг авиата-шувларини бепул амалга оширилишини таъминласин.

11. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Марказ билан биргаликда 2025 йил 1 августга қадар:

Академик хабни Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари ва халқаро молия институтлари кредитлари хисобидан компьютерлар ва бошқа ташкилий воситалар, шу жумладан, масо-фавий ва онлайн таълимни ташкил этиш учун зарур бўлган ўқув жиҳозлари билан таъминласин;

Академик хабни мебель жиҳозлари (парталар, столлар, стуллар ва бош-ка буюмлар), инвентарлар, замонавий лаборатория ускуналари, шунингдек, ўқув адабиётлари ва кутубхона фонди билан таъминлаш чораларини кўрсин.

12. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда:

Академик хабнинг Ахборот-ресурс маркази фаолиятини йўлга қўйисин ҳамда ўқув жараёни учун зарур бўлган барча модуль ва иловаларнинг ула-нишини таъминласин;

Академик хабнинг Ахборот-ресурс марказини Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг электрон ахборот-кутубхона ресурсла-рига уланишини ташкил этсин ва барча турдаги хизматлардан фойдаланиш, шу жумладан, эътироф этилган илмий нашрларнинг маълумотлар базалари-дан бепул фойдаланиш имкониятини яратсин.

13. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Инвестициялар, саноат ва сав-до вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Соғлиқ-

ни сақлаш вазирлигининг асосланган хисоб-китоблари бўйича 2026 йил ва келгуси йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш давлат дастурларини шакллантиришда Академик хабнинг янги бино ва иншоотларини қуриш ҳамда мавжудларини реконструкция қилиш, шунингдек, унга туташ худудларни ободонлаштириш учун зарур маблағлар ажратилишини назарда тутсинг.

14. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда:

болалар саратони соҳасидаги таълим дастурларини халқаро стандартлар бўйича аккредитациядан ўтказиш жараёнини йўлга қўйисин;

масофавий таълим ва симуляцион тренинглар учун узлуксиз тиббий таълим дастурлари ва рақамли платформалар жорий этилишини таъминласин.

15. Академик хаб Тошкент шаҳри Чилонзор тумани, Арнасой кўчаси, 2-мавзе, 32-йў манзилидаги бинога оператив бошқарув хукуқи асосида бепул жойлаштирилсин.

16. Ташқи ишлар вазирлиги Марказнинг буюртманомалари бўйича белгиланган тартибда:

мазкур қарорни амалга ошириш доирасида чет эллик ўқитувчилар ва мутахассисларга, уларнинг оила аъзоларига — бепул кириш визалари консуллик ва бошқа ўйғимлар ундирамасдан, чет эллик тингловчиларга — Академик хабда ўқишининг бутун даври учун узоқ муддатли кўп марталик кириш визалари берилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасалари орқали Академик хабнинг кутубхона фондини тўлдиришда кўмаклашсин.

17. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан биргаликда 2026 йил 1 январга қадар нуфузли хорижий олий таълим ташкилотларини тамомлаган ватандошлар ҳамда болалар саратони соҳасидаги чет эллик мутахассислар, юқори малакали ва тажрибали кадрларни Академик хабга жалб қилсин.

18. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Марказ буюртмасига асосан чет эллик ўқитувчилар ва мутахассисларни республикага жалб қилишга рухсатномалар берилишини (муддати узайтирилишини), шунингдек, уларга республика худудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш хукуқини берувчи тасдиқнома ва сертификатлар берилишини (муддати узайтирилишини) таъминласин.

19. Маэкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.А. Худаяров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 22 май,
326-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРОРИНИНГ
БҮЙРУГИ

263 Давлат ижрочиларини ижро йигими ҳисобидан моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил
19 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3624*

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 3 январдаги ПФ-1-сон «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизими ни ислоҳ этиш ва соҳани рақамлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман**:

1. Давлат ижрочиларини ижро йигими ҳисобидан моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.
2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган.
3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Бош прокурор

Н. ЙЎЛДОШЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 14 май,
26-Б-сон

Келишилди:

Иқтисодиёт ва молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

2025 йил 14 май

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 20 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурорининг 2025 йил 14 майдаги
26-Б-сон бўйруғига
ИЛОВА

Давлат ижроатларини ижро йифими ҳисобидан моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида-ги Мажбурий ижро бюросининг (бундан буён матнда Бюро деб юритилади) давлат ижроатлари ва давлат ижроатиши мақомига эга бўлган ходимларини ижро йифими ҳисобидан моддий рағбатлантириш (бундан буён матнда моддий рағбатлантириш деб юритилади) тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Моддий рағбатлантириш суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этишни таъминлаш самарадорлигини ошириш мақсадида қарздордан ундирилган ижро йифимининг бир қисмини давлат ижроатлари ва давлат ижроатиши мақомига эга бўлган ходимларга ажратма сифатида қолдириш орқали амалга оширилади.

2. Моддий рағбатлантириш қонунийлик, адолатлилик, холисоналик ва ошкоралик принциплари асосида амалга оширилади.

2-боб. Моддий рағбатлантириш асослари

3. Давлат ижроатлари ва давлат ижроатиши мақомига эга бўлган ходимларга бериладиган моддий рағбатлантириш миқдорлари Ижро иши юритувлари ягона электрон базаси (бундан буён матнда дастурий таъминот деб юритилади) орқали автоматик тарзда ҳар ой якуни бўйича ҳисоблаб борилади.

4. Моддий рағбатлантириш тўловлари давлат ижроатиши мақомига эга бўлган ходимларнинг иш юритувида бўлган тамомланган ижро ишларидан ой давомида тўлов тизимлари орқали ундирилган ижро йифимининг бир қисмини ажратиш орқали амалга оширилади.

Бунда, ижро йифимининг тўғри ва ҳаққоний қўлланилиши, тақсимлаши ва ўтказилишига давлат ижроатиши мақомига эга бўлган ходим масъул ҳисобланади.

5. Моддий рағбатлантириш қисман ёки соддалаштирилган тартибда ундирив амалга оширилган, ижроси тўхтатилган ёхуд кечикирилган, шунингдек бошқа худудга юборилган ҳамда ижросиз қайтарилилган ижро ишларига нисбатан татбиқ этилмайди.

6. Айрим тоифадаги қарздорлардан ундириладиган ижро йифими ажратма сифатида қолдирилмайди ёки ажратилмайди. Бундай тоифадаги қарздорлар рўйхати Бюро директори томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

7. Хизмат сафаридағи ёки ротация қилинган давлат ижрочилари ва давлат ижрочиси мақомига эга бўлган ходимларга моддий рағбатлантириш тўловлари ишлаб турган ҳудуд ҳамда муқаддам ишлаган ҳудуддаги иш юритишидаги ижро ишларининг натижалари инобатга олган ҳолда ҳисобланади.

Бунда, хизмат сафаридағи ёки ротация қилинган давлат ижрочилари ва давлат ижрочиси мақомига эга бўлган ходимларнинг ишлаб турган ҳудуд ҳамда муқаддам ишлаган ҳудуддаги амалга оширган ижро ишлари дастурий таъминотда ҳисоблаб борилади.

3-боб. Моддий рағбатлантириш тартиби

8. Моддий рағбатлантириш ҳар ой якуни бўйича Бюро директори ва ҳудудий бошқарма бошлиғининг буйруғига асосан кейинги ойнинг 10 санасига кадар амалга оширилади.

9. Моддий рағбатлантириш учун харажатлар Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармасига келиб тушган ижро йиғими маблағларининг 10 фоизи миқдоридаги ажратма ҳисобидан амалга оширилади.

10. Моддий рағбатлантириш харажатлари учун ажратма мулкий характеристика эга бўлган ижро ҳужжатлари бўйича қўйидаги миқдорларда тақсимланади:

1) Бюронинг марказий аппаратида:

ажратманинг 80 фоизи, бироқ меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг уч бараваридан ошмаган миқдорда бевосита ижро йиғимини ундирган давлат ижрочиси мақомига эга бўлган ходимга;

ажратманинг 20 фоизи, бироқ меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг уч бараваридан ошмаган миқдорда давлат ижрочиси мақомига эга бўлган бошқа ходимларга;

2) Бюронинг ҳудудий бошқармаларида:

ажратманинг 80 фоизи, бироқ меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг уч бараваридан ошмаган миқдорда бевосита ижро йиғимини ундирган давлат ижрочиси мақомига эга бўлган ходимга;

ажратманинг 20 фоизи, бироқ меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг уч бараваридан ошмаган миқдорда бошқа давлат ижрочиси мақомига эга бўлган ходимларга;

3) Бюронинг туман (шаҳар) бўлимларида:

ажратманинг 80 фоизи, бироқ меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг тўрт бараваридан ошмаган миқдорда бевосита ижро йиғимини ундирган давлат ижрочисига;

ажратманинг 20 фоизи, бироқ меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг тўрт бараваридан ошмаган миқдорда Бюронинг туман (шаҳар) бўлимлари бошқа давлат ижрочилари ва давлат ижрочиси мақомига эга бўлган ходимларига.

Мазкур бандда кўрсатилган ходимларни рағбатлантиришнинг умумий миқдори 1 ва 2-кичик бандлари бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг уч бараваридан, 3-кичик банди бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг тўрт бараваридан ошмайди.

Моддий рағбатлантириш харажатлари учун ажратманинг 20 фоизи қўлланиладиган бошқа давлат ижрочилари ва давлат ижрочиси мақомига эга бўлган ходимларнинг лавозимлари рўйхати Бюро директори томонидан тасдиқланади.

11. Мулкий характерга эга бўлмаган ижро хужжатлари бўйича ундирилган ижро йиғимидан ажратма давлат ижрочисига тўлиқ миқдорда, бироқ меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг тўрт бараваридан ошмаган миқдорда йўналтирилади.

12. Ижро йиғимини қўллаш тўғрисидаги қарор бекор қилинган ёки ҳақиқий эмас деб топилганда, ижро йиғимини қайтариш харажатлари кейинги давр учун тўланадиган ажратма ҳисобидан қайта ҳисоб-китоб қилинади.

Давлат ижрочиси ва давлат ижрочиси мақомига эга бўлган ходим прокуратура органлари тизимидан бўшатилган ва у билан якуний ҳисоб-китоб амалга оширилмаган бўлса, ижро йиғимини қайтариш харажатлари якуний ҳисоб-китоб даврида ушлаб қолинади ҳамда агар у билан якуний ҳисоб-китоб амалга оширилган бўлса, харажатлар қонунчиликда белгиланган тартибда ундирилади.

13. Моддий рағбатлантириш тўловлари меҳнатга ҳақ тўлаш тизимида назарда тутилган тўловлар жумласига киради ва интизомий жазо амал қилиб турган муддат мобайнида ҳам қўлланилади.

14. Моддий рағбатлантириш тўловлари давлат ижрочиси ва давлат ижрочиси мақомига эга бўлган ходим дастурий таъминотга нотўғри маълумотлар киритганлиги аниқланганда ёки бир ойдан ортиқ вақт мобайнида асосий вазифасига киришмаганда (ўқув муассасасида таҳсил олаётган, ҳомиладорлик, туғиши ва бола парваришлиш таътилида бўлган, касаллиги сабабли давола-наётган ёки бошқа ҳолларда) қўлланилмайди.

4-боб. Якуний қоида

15. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
 RAQAMLI TEKNOLOGIYALAR VAZIRLIGI
 O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
 PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI HUZURIDAGI AXBOROT
 VA OMMAVIY KOMMUNIKATSİYALAR AGENTLIGINING
 QARORI

264 “O'zbekiston Respublikasida davriy bosma nashrlarni tarqatish qoidalarini tasdiqlash to'g'risida”gi qarorga o'zgartirishlar kiritish haqida*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
 23-mayda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 1826-2*

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2018-yil 1-maydag'i 318-son “O'zbekiston Respublikasi Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirligi hamda O'zbekiston Respublikasi Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirligi huzuridagi Aloqa, axborotlashtirish va telekommunikatsiya texnologiyalari sohasida nazorat bo'yicha inspeksiya to'g'risidagi nizomlarni tasdiqlash haqida”gi hamda 2019-yil 19-dekabrdagi 1017-son “Ommaviy axborot va kommunikatsiyalar sohasida davlat xizmatlari ko'rsatishning ayrim ma'muriy reglamentlarini tasdiqlash to'g'risida”gi qarorlariga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Raqamli texnologiyalar vazirligi va O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi **qaror qiladi**:

1. O'zbekiston aloqa va axborotlashtirish agentligi, O'zbekiston Matbuot va axborot agentligining 2008-yil 19-maydag'i 10-8/1493 va 04-01-son “O'zbekiston Respublikasida davriy bosma nashrlarni tarqatish qoidalarini tasdiqlash to'g'risida”gi qaroriga (ro'yxat raqami 1826, 2008-yil 18-iyun) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2008-y., 24-25-sun, 240-modda) ilovaga muvofiq o'zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Raqamli texnologiyalar vaziri

Sh. SHERMATOV

Toshkent sh.,
 2025-yil 13-may,
 281-mh-son

**Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar
 agentligi direktori**

A. XODJAYEV

Toshkent sh.,
 2025-yil 6-may,
 2-q/q-son

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 23-mayda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
 Raqamli texnologiyalar vazirligining 2025-yil
 13-maydagi 281-mh-son va O'zbekiston
 Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi
 huzuridagi Axborot va ommaviy
 kommunikatsiyalar agentligining 2025-yil
 6-maydagi 2-q/q-son qaroriga
 ILOVA

**“O'zbekiston Respublikasida davriy bosma nashrlarni tarqatish
 qoidalarini tasdiqlash to'g'risida”gi qarorga kiritilayotgan
 o'zgartirishlar**

1. Muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“O'zbekiston Respublikasining “Ommaviy axborot vositalari to'g'risida”gi,
 “Axborot erkinligi prinsiplari va kafolatlari to'g'risida”gi, “Noshirlik faoliyati
 to'g'risida”gi, Iste'molchilarning huquqlarini himoya qilish to'g'risida”gi qonunlari
 va O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1999-yil 13-sentabrdagi
 418-son “Vaqtli matbuotni tarqatish korxonalarini boshqarish tuzilmasini
 takomillashtirish to'g'risida”gi hamda 2004-yil 24-noyabrdagi 555-son “Ommaviy
 kommunikatsiyalar sohasida boshqaruv tuzilmasini takomillashtirish chora-
 tadbirlari to'g'risida”gi qarorlariga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Raqamli
 texnologiyalar vazirligi va O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi
 huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi qaror qiladi.”.

2. Qoidalar muqaddimasining birinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon
 etilsin:

“Mazkur Qoidalar davriy bosma nashrlarni tarqatish qoidalarini belgilaydi.”.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING
BUYRUG'I

**265 Davlat organlari va tashkilotlari yuridik xizmat xodimlarini
martaba darajalari bo'yicha attestatsiyadan o'tkazish
tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida**

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
23-mayda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2919-3*

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 19-yanvardagi PQ-2733-son “Yuridik xizmat faoliyatini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman**:

1. O'zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2017-yil 28-avgustdag'i 264-mh-son buyrug'i (ro'yxat raqami 2919, 2017-yil 28-avgust) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2017-y., 35-son, 933-modda) bilan tasdiqlangan Davlat organlari va tashkilotlari yuridik xizmat xodimlarini martaba darajalari bo'yicha attestatsiyadan o'tkazish tartib to'g'risidagi nizomga ilovaga muvofiq o'zgartirishlar kiritilsin.
2. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Vazir

A. TASHKULOV

Toshkent sh.,
2025-yil 19-may,
12-mh-son

O'zbekiston Respublikasi
adliya vazirining 2025-yil 19-maydag'i
12-mh-son buyrug'iga
ILOVA

**Davlat organlari va tashkilotlari yuridik xizmat xodimlarini
martaba darajalari bo'yicha attestatsiyadan o'tkazish tartibi
to'g'risidagi nizomga kiritilayotgan o'zgartirishlar**

1. 2-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"O'zbekiston Respublikasi adliya organlari va muassasalaridan ishga o'tgan yoki adliya organlari xodimlari uchun belgilangan tartibda berilgan martaba darajalariga ega bo'lgan O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasining boshqaruv xodimlariga;

O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasi va Senatining yuridik xizmatlari xodimlariga;

O'zbekiston Respublikasi Bosh vaziri kotibiyati rahbari va uning o'rinnbosarlari, Bosh vazir kotibiyatining tarkibiy bo'linmalari hamda Bosh vazir o'rinnbosarlari kotibiyatlarining boshqaruv xodimlariga;

O'zbekiston Respublikasi adliya organlari va muassasalaridan ishga o'tgan O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo'yicha vakili devonining boshqaruv xodimlariga tatbiq etilmaydi.".

2. 6 va 7-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"6. Martaba darajalariga tavsiya etilgan yuridik xizmat xodimlarini attestatsiyadan o'tkazish ishlari tegishlicha O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligining Yuridik xizmatlar faoliyatini muvofiqlashtirish boshqarmasi, shuningdek Qoraqalpog'iston Respublikasi Adliya vazirligi, viloyatlar va Toshkent shahar adliya boshqarmalarining Yuridik xizmatlar faoliyatini muvofiqlashtirish bo'yicha bosh maslahatchilari tomonidan ko'rib chiqiladi hamda tegishli takliflar bilan attestatsiya o'tkazish masalasini ko'rib chiqish uchun attestatsiya komissiyasiga taqdim etiladi.

7. Martaba darajalariga tavsiya etish haqidagi hujjatlar tegishlicha O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligining Yuridik xizmatlar faoliyatini muvofiqlashtirish boshqarmasi, shuningdek Qoraqalpog'iston Respublikasi Adliya vazirligi, viloyatlar va Toshkent shahar adliya boshqarmalarining Yuridik xizmatlar faoliyatini muvofiqlashtirish bo'yicha bosh maslahatchilari tomonidan ko'rib chiqiladi hamda tegishli takliflar bilan attestatsiya o'tkazish masalasini ko'rib chiqish uchun attestatsiya komissiyasiga taqdim etiladi.".

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING
BUYRUG'I

**266 Davlat organlari va tashkilotlari yuridik xizmat xodimlariga
martaba darajalari berish tartibi to'g'risidagi nizomga
o'zgartirishlar kiritish haqida**

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
23-mayda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2920-6*

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 19-yanvardagi PQ-2733-son “Yuridik xizmat faoliyatini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman**:

1. O'zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2017-yil 28-avgustdag'i 265-mh-son buyrug'i (ro'yxat raqami 2920, 2017-yil 28-avgust) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2017-y., 35-son, 934-modda) bilan tasdiqlangan Davlat organlari va tashkilotlari yuridik xizmat xodimlariga martaba darajalari berish tartibi to'g'risidagi nizomga ilovaga muvofiq o'zgartirishlar kiritilsin.
2. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Vazir

A. TASHKULOV

Toshkent sh.,
2025-yil 19-may,
13-mh-son

O'zbekiston Respublikasi
adliya vazirining 2025-yil 19-maydag'i
13-mh-son buyrug'iiga
ILOVA

**Davlat organlari va tashkilotlari yuridik xizmat xodimlariga
martaba darajalari berish tartibi to'g'risidagi nizomga
kiritilayotgan o'zgartirishlar**

1. 2 va 3-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“2. Mazkur Nizom talablarining attestatsiya qismi bo'yicha amal qilishi:

O'zbekiston Respublikasi adliya organlari va muassasalaridan ishga o'tgan yoki adliya organlari xodimlari uchun belgilangan tartibda berilgan martaba darajalariga ega bo'lgan O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi boshqaruv xodimlariga;

O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasi va Senatining yuridik xizmatlari xodimlariga;

O'zbekiston Respublikasi Bosh vaziri kotibiyati rahbari va uning o'rinnbosarlari, Bosh vazir kotibiyatining tarkibiy bo'linmalari hamda Bosh vazir o'rinnbosarlari kotibiyatlarining boshqaruv xodimlariga;

O'zbekiston Respublikasi adliya organlari va muassasalaridan ishga o'tgan O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo'yicha vakili devonining boshqaruv xodimlariga tatbiq etilmaydi.

3. Davlat organlari va tashkilotlari yuridik xizmat xodimlariga martaba darajalari ijobjiy attestatsiya, malakasi va ish stajiga muvofiq, egallab turgan lavozimini, oldingi ish yoki xizmat joyida berilgan maxsus unvonlarni, shuningdek qonunchilikni mustahkamlash, aholining huquqiy savodxonligi va huquqiy madaniyatini oshirish sohasidagi xizmatlarini hisobga olgan holda izchil tartibda beriladi.

3, 2 va 1-darajali adliya maslahatchisi, shuningdek, 3, 2 va 1-darajali yurist martaba darajalari O'zbekiston Respublikasi adliya vaziri tomonidan:

a) O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasining tegishli tarkibiy bo'linmalari rahbarining tavsiyanomasiga ko'ra O'zbekiston Respublikasi adliya organlari va muassasalaridan ishga o'tgan yoki adliya organlari xodimlari uchun belgilangan tartibda berilgan martaba darajalariga ega bo'lgan O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi boshqaruv xodimlariga, shuningdek, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Ijtimoiy himoya milliy agentligi direktorining tavsiyanomasiga ko'ra O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Ijtimoiy himoya milliy agentligi, uning hududiy bo'linmalari yuridik xizmat xodimlariga hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo'yicha vakilning tavsiyanomasiga ko'ra O'zbekiston Respublikasi adliya organlari va muassasalaridan ishga o'tgan O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo'yicha vakili devonining boshqaruv xodimlariga;

b) O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasi va Senati devoni rahbarining tavsiyanomasiga ko‘ra O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasi va Senatining yuridik xizmati rahbarlari va xodimlariga;

v) respublika darajasidagi davlat organlari va tashkilotlari rahbarlarining tavsiyanomalariga ko‘ra, shuningdek o‘z tashabbusi bilan O‘zbekiston Respublikasi davlat organlari va tashkilotlarining yuridik xizmati rahbarlari va xodimlariga;

g) O‘zbekiston Respublikasining Bosh vaziri kotibiyati rahbarining tavsiyanomasiga asosan Bosh vazir kotibiyati rahbarining oliy yuridik ma’lumotga ega bo‘lgan o‘rinbosarlariga, Bosh vazir kotibiyati rahbarining axborot-tahlil va yuridik ta’minlash masalalariga mas’ul o‘rinbosarining tavsiyanomasiga ko‘ra O‘zbekiston Respublikasi adliya organlari va muassasalaridan ishga o‘tgan yoki adliya organlari xodimlari uchun belgilangan tartibda berilgan martaba darajalariga ega bo‘lgan Vazirlar Mahkamasining boshqaruvi xodimlariga beriladi.

3 va 2-darajali Davlat adliya maslahatchisi martaba darajalari qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti tomonidan beriladi.”.

2. 9-band o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.

3. 13-bandning birinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“13. Martaba darajalarini berish uchun davlat organlari va tashkilotlari tomonidan tegishlicha O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi yoki uning hududiy boshqarmalariga tavsiyanoma bilan murojaat qilinadi (xodim O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining tashabbusiga ko‘ra martaba darajalariga tavsiya etilgan hollar bundan mustasno). Mazkur tavsiyanomaga xodimning kasbiy faoliyati, ishchanlik va axloqiy jihatlari aks ettirilgan ma’lumot-tavsifnomasi, pasporti yoki identifikatsiyalovchi ID-kartasi nusxasi, mehnat daftarchasining ish joyida tasdiqlangan nusxasi yoxud undan ko‘chirma yoki yuridik mutaxassislik bo‘yicha ish stajini tasdiqllovchi boshqa hujjat, malaka oshirish kurslarida o‘qiganlik to‘g‘risidagi sertifikat nusxasi, attestatsiyadan o‘tganlik to‘g‘risida guvohnoma nusxasi (qonunchilikka ko‘ra attestatsiyadan o‘tkazilmaydigan xodimlar bundan mustasno), oldingi ish yoki xizmat joyida maxsus unvonlar berilganligini tasdiqllovchi hujjat (hujjatlar) nusxasi (agar maxsus unvonlar berilgan bo‘lsa) ilova qilinadi.”.

4. 14-banddagи “Notariat, advokatura va huquqiy xizmatlar” degan so‘zlar “Yuridik xizmatlar faoliyatini muvofiqlashtirish” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

5. 17-bandning ikkinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur buyruq asosida davlat organlari va tashkilotlari yuridik xizmatlarining ma’lumotlari bazasi “Yurist-adliya” elektron tizimiga avtomatik tarzda tegishli o‘zgartirishlar kiritiladi.”.

6. 20-banddagи “Notariat, advokatura va huquqiy xizmatlar” degan so‘zlar “Yuridik xizmatlar faoliyatini muvofiqlashtirish” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING
BUYRUG'I

267 Yuridik xizmat xodimini lavozimga tayinlash va ozod qilish masalalarini adliya organlari bilan kelishish hamda birinchi marta yuridik xizmat xodimi lavozimiga tayinlangan shaxslarning adliya organlarida stajirovkadan o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
23-mayda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3444-1*

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 19-yanvardagi PQ-2733-son “Yuridik xizmat faoliyatini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman**:

1. O'zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2023-yil 4-iyuldagagi 9-mh-son buyrug'i (ro'yxat raqami 3444, 2023-yil 5-iyul) (Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 06.07.2023-y., 10/23/3444/0454-son) bilan tasdiqlangan Yuridik xizmat xodimini lavozimga tayinlash va ozod qilish masalalarini adliya organlari bilan kelishish hamda birinchi marta yuridik xizmat xodimi lavozimiga tayinlangan shaxslarning adliya organlarida stajirovkadan o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomga ilovaga muvofiq o'zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Vazir

A. TASHKULOV

Toshkent sh.,
2025-yil 19-may,
11-mh-son

O'zbekiston Respublikasi
adliya vazirining 2025-yil 19-maydag'i
11-mh-son buyrug'iga
ILOVA

**Yuridik xizmat xodimini lavozimga tayinlash va ozod qilish
masalalarini adliya organlari bilan kelishish hamda birinchi marta
yuridik xizmat xodimi lavozimiga tayinlangan shaxslarning adliya
organlarida stajirovkadan o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomga
kiritilayotgan o'zgartirishlar**

1. 3-bandning oltinchi xatboshisidagi "(ro'yxat raqami 2861, 2017-yil 28-fevral)" degan so'zlar "(ro'yxat raqami 3622, 2025-yil 2-may)" degan so'zlar bilan almashtirilsin.
2. 10-bandning ikkinchi xatboshisidagi "Notariat, advokatura va huquqiy xizmatlar" degan so'zlar "Yuridik xizmatlar faoliyatini muvofiqlashtirish" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING
BUYRUG'I

268 Budjet tasnifini qo'llash bo'yicha yo'riqnomaga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
23-mayda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2146-18*

O'zbekiston Respublikasining Budjet kodeksiga muvofiq **buyuraman**:

1. O'zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2010-yil 20-avgustdaggi 65-son buyrug'i (ro'yxat raqami 2146, 2010-yil 11-oktabr) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2010-y., 40-41-son, 356-modda) bilan tasdiqlangan Budjet tasnifini qo'llash bo'yicha yo'riqnomaga ilovaga muvofiq o'zgartirish va qo'shimchalar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Vazir

Toshkent sh.,
2025-yil 28-aprel,
253-son

D. KUCHKAROV

O'zbekiston Respublikasi
iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil
28-apreldagi 253-son buyrug'iga
ILOVA

Budjet tasnifini qo'llash bo'yicha yo'riqnomaga kiritilayotgan o'zgartirish va qo'shimchalar

1. 118-banddagi "xalq ta'limi" degan so'zlar "maktabgacha va maktab ta'limi" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

2. 166-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"166. Subsidiyalar dastlab uni oluvchining davlat (45 10 000 modda) yoki xususiy tashkilot (45 20 000 modda) yoxud nodavlat notijorat tashkiloti (45 30 000 modda) hamda jismoniy shaxs (45 40 000 modda) ekanligiga qarab tasniflanadi. Natijada subsidiyalar olti turdag'i oluvchilarga taqdim etilishi mumkin: nomoliyaviy davlat tashkilotlari (45 11 000 kichik modda), moliyaviy davlat tashkilotlari (45 12 000 kichik modda), nomoliyaviy xususiy tashkilotlar (45 21 000 kichik modda), moliyaviy xususiy tashkilotlar (45 22 000 kichik modda), nodavlat notijorat tashkilotlari (45 30 000 modda) va jismoniy shaxslar (45 40 000).".

3. 1-ilovada:

1) 3 014 0 0 — 3 014 2 2 qatorlar chiqarib tashlansin;

2) 3 025 0 0 qatordagi “Xalq ta’limi” degan so‘zlar “Ta’lim” degan so‘zga almashtirilsin;

3) 3 027 0 0 qatorning nomi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“O‘zbekiston Respublikasi Qishloq xo‘jaligi vazirligi huzuridagi Agrosanoatni rivojlantirish agentligi huzuridagi Agrosanoatni rivojlantirish va qo‘llab-quvvatlash davlat maqsadli jamg‘armasi”;

4) 3 031 0 0 qatordagi “Xalq ta’limi” degan so‘zlar “Maktabgacha va maktab ta’limi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

5) 3 037 0 0 va 3 037 1 0 qatorlar chiqarib tashlansin;

6) 3 054 0 0 qatorning nomi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Kambag‘allikni qisqartirish davlat maqsadli jamg‘armasi”;

7) 3 059 0 0 — 3 059 2 1 qatorlar chiqarib tashlansin;

8) 3 075 1 0 qatordan keyin quyidagi mazmundagi qatorlar bilan to‘ldirilsin:

“3 076 0 0 O‘zbekiston Respublikasi Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligining Jamoatchilik nazoratini rivojlantirish jamg‘armasi;

3 076 1 0 Respublika mablag‘lari;

3 077 0 0 O‘zbekiston Respublikasi Oila va xotin-qizlar qo‘mitasini rivojlantirish va xodimlarini moddiy rag‘batlantirish jamg‘armasi;

3 077 1 0 Respublika mablag‘lari;

3 078 0 0 O‘zbekiston Respublikasi Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligi huzuridagi Dehqon xo‘jaliklari va tomorqa yer egalari faoliyatini qo‘llab-quvvatlash jamg‘armasi;

3 079 0 0 Yoshlar tadbirkorligini rivojlantirish davlat maqsadli jamg‘armasi;

3 079 1 0 Respublika mablag‘lari;

3 080 0 0 “Infratuzilma va ijtimoiy barqarorlik” jamg‘armasi;

3 080 2 0 Hududiy mablag‘lar;

3 080 2 2 Tumanlar va shaharlar darajasidagi mablag‘lar;

3 081 0 0 O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi huzuridagi Fuqarolik jamiyatini institutlarini qo‘llab-quvvatlash jamoat fondi;

3 081 1 0 Respublika mablag‘lari;

3 082 0 0 Energiya samaradorligi milliy agentligi huzuridagi Energiya samaradorligini rag‘batlantirish va qo‘llab-quvvatlash jamg‘armasi;

3 082 1 0 Respublika mablag‘lari”;

9) 4 002 0 0 — 4 002 2 2 qatorlar chiqarib tashlansin;

10) 4 700 0 0 qatorning nomi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Vazirlik va idoralar tarkibidagi davlat ishtirokidagi korxonalar mablag‘lari”.

4. 2-ilovada:

1) 3 331 217 — 3 331 219 qatorlardagi “Xalq ta’limi” degan so‘zlar “Maktabgacha va maktab ta’limi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

2) 3 412 108, 3 412 111 va 3 412 112 qatorlardagi “unitar korxonalarining” degan so‘zlar “ishtirokidagi korxonalarining” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

3) 3 422 215 qatorning nomi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Xorijiy firmalar, banklar va boshqa tashkilotlarning vakolatxonalarini akkreditatsiyadan o‘tkazish hamda uning amal qilish muddatlarini amal qilishning har bir yili uchun uzaytirish uchun to‘lov”;

- 4) 3 422 427 — 3 422 430 qatorlardagi “ma’lumotnom” degan so’z “ma’lumot” degan so’z bilan almashtirilsin;
- 5) 3 450 971 qatordagi “O’zneftmahsulot” aksiyadorlik kompaniyasining unitar korxonalari (neft bazalari) degan so’zlar “O’zbekneftgaz” AJ degan so’zlar bilan almashtirilsin.
5. 4-ilovada:
- 1) 7 018 318, 7 018 324 va 7 018 333 qatorlardagi “Xalq ta’limi” degan so’zlar “Maktabgacha va maktab ta’limi” degan so’zlar bilan almashtirilsin;
 - 2) 7 018 527 qatordan keyin quyidagi mazmundagi qator bilan to’ldirilsin:
“7 018 528 Davlat maqsadli jamg‘armalaridan ularning hududiy maqsadli jamg‘armalariga transferlар”;
 - 3) 7 041 907 qatorning nomi quyidagi tahrirda bayon etilsin:
“Kambag‘allikni qisqartirish davlat maqsadli jamg‘armasi mablag‘lari”;
 - 4) 7 041 911 qator chiqarib tashlansin;
 - 5) 7 042 116 qatordan keyin quyidagi mazmundagi qator bilan to’ldirilsin:
“7 042 117 O’zbekiston Respublikasi Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligi huzuridagi Dehqon xo‘jaliklari va tomorqa yer egalari faoliyatini qo’llab-quvvatlash jamg‘armasi xarajatlari”;
 - 6) 7 042 991 qatorning nomi quyidagi tahrirda bayon etilsin:
“O’zbekiston Respublikasi Qishloq xo‘jaligi vazirligi huzuridagi Agrosanoatni rivojlantirish agentligi huzuridagi Agrosanoatni rivojlantirish va qo’llab-quvvatlash davlat maqsadli jamg‘armasi”;
 - 7) 7 043 203 qatordan keyin quyidagi mazmundagi qator bilan to’ldirilsin:
“7 043 204 O’zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Energiya samaradorligi milliy agentligini saqlash xarajatlari”;
 - 8) 7 045 198 qatordagi “unitar korxonasini” degan so’zlar “davlat muassasasini” degan so’zlar bilan almashtirilsin;
 - 9) 7 047 906 va 7 047 907 qatorlar chiqarib tashlansin;
 - 10) 7 047 904 qatordan keyin quyidagi mazmundagi qator bilan to’ldirilsin:
“7 047 908 Yoshlar tadbirkorligini rivojlantirish davlat maqsadli jamg‘armasi xarajatlari”;
 - 11) 7 069 905 qatordan “hamda “Ta’mirlash tiklash xizmati” Davlat unitar korxonalarini” degan so’zlar chiqarib tashlansin;
 - 12) 7 069 908 qatordan keyin quyidagi mazmundagi qatorlar bilan to’ldirilsin:
“7 069 909 Mahalla infratuzilmasini yaxshilash xarajatlari;
7 069 910 Sanoat, qishloq xo‘jaligi hamda xizmat ko‘rsatish sohalarida tadbirkorlikning rivojlanishiga turtki beruvchi “drayver” loyihalar uchun zarur infratuzilmani yaratish xarajatlari;
7 069 911 Tuman va shaharlarni kompleks rivojlantirish xarajatlari”;
 - 13) 7 083 640 qatordan keyin quyidagi mazmundagi qator bilan to’ldirilsin:
“7 083 650 Sport turlari bo‘yicha mahorat maktablari”;
 - 14) 7 096 300 qatordagi “xalq ta’limi” degan so’zlar “maktabgacha va maktab ta’limi” degan so’zlar bilan almashtirilsin;
 - 15) 7 104 102 va 7 109 130 qatorlar chiqarib tashlansin;

16) 7 106 902 qator “ta’minlash” degan so‘zdan keyin “hamda sanatoriysog‘lomlashshtirish muassasalariga yo‘llanma” degan so‘zlar bilan to‘ldirilsin;

17) 7 109 406 qatordagi “O‘zbekiston Respublikasi Oila va xotin-qizlar qo‘mitasi” degan so‘zlar “O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Ijtimoiy himoya milliy agentligi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

6. 5-ilovada:

1) 45 30 000 qatordan keyin quyidagi mazmundagi qator bilan to‘ldirilsin: “45 40 000 Jismoniy shaxslarga”;

2) 48 21 800 qatordagi “Xalq ta’limi” degan so‘zlar “Maktabgacha va maktab ta’limi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

7. 5a-ilovada:

1) 45 30 000 qatordan keyin quyidagi mazmundagi qator bilan to‘ldirilsin: “45 40 000 Jismoniy shaxslarga”;

2) 48 21 800 qatordagi “Xalq ta’limi” degan so‘zlar “Maktabgacha va maktab ta’limi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI SANOAT,
RADIATSIYA VA YADRO XAVFSIZLIGI QO'MITASINING
QARORI

269 Sanoat xavfsizligi sohasidagi ekspert tashkilotlarini akkreditatsiya qilish va ular faoliyati ustidan inspeksiya nazoratini o'tkazish qoidalariga o'zgartirishlar va qo'shimcha kiritish haqida*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
23-mayda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2022-5*

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 24-maydagi PQ-186-sodan "Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Sanoat, radiatsiya va yadro xavfsizligi qo'mitasi faoliyatini samarali tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qaroriga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Sanoat, radiatsiya va yadro xavfsizligi qo'mitasi **qaror qiladi**:

1. O'zbekiston Respublikasi Sanoatda, konchilikda va kommunal-maishiy sektorda ishlarning bexatar olib borilishini nazorat qilish davlat inspeksiyasi boshlig'ining 2009-yil 24-avgustdagisi 167-sodan buyrug'i (ro'yxat raqami 2022, 2009-yil 20-oktabr) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2009-y., 43-sod, 463-modda) bilan tasdiqlangan Sanoat xavfsizligi sohasidagi ekspert tashkilotlarini akkreditatsiya qilish va ular faoliyati ustidan inspeksiya nazoratini o'tkazish qoidalariga ilovaga muvofiq o'zgartirishlar va qo'shimcha kiritilsin.

2. Mazkur qaror O'zbekiston Respublikasi Favqulodda vaziyatlar vazirligi, Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligi, Raqobatni rivojlantirish va iste'molchilar huquqlarini himoya qilish qo'mitasi hamda O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi Kengashi bilan kelishilgan.

3. Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Rais

A. RAFIQOV

Toshkent sh.,
2025-yil 22-aprel,
3-sod

Kelishildi:

Favqulodda vaziyatlar vaziri

B. KUDRATXODJAYEV

2025-yil 31-mart

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 24-mayda e'lon qilingan.

*Kambag‘allikni qisqartirish
va bandlik vaziri*

B. ZAXIDOV

2025-yil 2-aprel

*Raqobatni rivojlantirish va
iste’molchilar huquqlarini himoya
qilish qo’mitasi raisi*

H. TURAXUJAYEV

2025-yil 2-aprel

*O’zbekiston kasaba uyushmalari
Federatsiyasi Kengashi raisi*

K. RAFIKOV

2025-yil 2-aprel

O’zbekiston Respublikasi
Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Sanoat,
radiatsiya va yadro xavfsizligi qo’mitasining
2025-yil 22-apreldagi 3-son qaroriga
ILOVA

**Sanoat xavfsizligi sohasidagi ekspert tashkilotlarini akkreditatsiya
qilish va ular faoliyati ustidan inspeksiya nazoratini o’tkazish
qidalariga kiritilayotgan o’zgartirishlar va qo’shimcha**

1. 7-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“7. Akkreditatsiya natijalaridan qat’i nazar, akkreditatsiya qilish uchun to’lov Sanoat xavfsizligi sohasidagi ekspert tashkilotlarini akkreditatsiya qilish va ular faoliyati ustidan inspeksiya nazoratini o’tkazish uchun to’lovlarni amalga oshirish tartibi to‘g’risidagi nizomga (ro‘yxat raqami 2105, 2010-yil 25-may) muvofiq belgilangan tartibda buyurtmachi tomonidan amalga oshiriladi.”.

2. 48-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“48. Inspeksiya nazorati natijalaridan qat’i nazar, rejali inspeksiya nazoratini o’tkazish uchun to’lov Sanoat xavfsizligi sohasidagi ekspert tashkilotlarini akkreditatsiya qilish va ular faoliyati ustidan inspeksiya nazoratini o’tkazish uchun to’lovlarni amalga oshirish tartibi to‘g’risidagi nizomga (ro‘yxat raqami 2105, 2010-yil 25-may) muvofiq belgilangan tartibda ekspert tashkiloti tomonidan amalga oshiriladi.”.

3. Quyidagi mazmundagi IX¹-bo‘lim bilan to‘ldirilsin:

“IX¹. Apellyatsiyalarni ko‘rib chiqish

82¹. Buyurtmachi yoki akkreditatsiya qilingan ekspert tashkilotlari akkreditatsiya yoki inspeksiya nazoratini o’tkazish natijalari bo‘yicha Akkreditatsiya komissiyasining qabul qilgan qaroridan norozi bo‘lgan taqdirda

Akkreditatsiya komissiyasining qarori qabul qilingan sanadan boshlab o'ttiz kalendar kun ichida Qo'mitaga yozma shaklda apellyatsiya berish huquqiga ega.

Akkreditatsiya komissiyasining qarori buyurtmachi yoki akkreditatsiya qilingan ekspert tashkilotlarga yetkazilgan kundan boshlab o'ttiz kalendar kundan ortiq muddatda berilgan apellyatsiyalar ko'rib chiqilmaydi.

82². Apellyatsiya shikoyatlarini ko'rib chiqish uchun Qo'mita raisining buyrug'i bilan kamida besh kishidan iborat tarkibda Apellyatsiya komissiyasi tashkil etiladi.

Bunda, Apellyatsiya komissiyasining tarkibi apellyatsiya bergen buyurtmachi yoki akkreditatsiya qilingan ekspert tashkilotini akkreditatsiya qilishda ishtirok etmagan va Akkreditatsiya komissiyasi tarkibida bo'limgan Qo'mitaning kamida uch vakili, jalb qilinadigan manfaatdor tashkilotlarning mutaxassislari, shu jumladan ekspert tashkilotlarining ekspert xodimlaridan shakllantiriladi.

82³. Apellyatsiya komissiyasi tarkibini shakllantirish va tasdiqlash muddatlari apellyatsiya berilgan kundan boshlab uch kundan ortiq bo'lmasligi kerak.

82⁴. Apellyatsiya komissiyasi berilgan apellyatsiyani ko'rib chiqadi va uni ko'rib chiqish natijasi bo'yicha qabul qilingan qaror to'g'risida buyurtmachiga yoki akkreditatsiya qilingan ekspert tashkilotiga yozma ravishda ma'lum qiladi. Apellyatsiyani ko'rib chiqish muddati u berilgan sanadan boshlab o'n kalendar kundan oshmasligi kerak.

82⁵. Apellyatsiyani ko'rib chiqish natijalari bo'yicha apellyatsiya komissiyasi quyidagi qarorlardan birini qabul qiladi:

apellyatsiyani qanoatlantirish;

Akkreditatsiya komissiyasining qarorini o'zgarishsiz qoldirish va apellyatsiyani qanoatlantirishni rad etish.

82⁶. Akkreditatsiya komissiyasining qarorini o'zgarishsiz qoldirish va apellyatsiyani qanoatlantirishni rad etish to'g'risidagi qaror:

apellyatsiya berish talablari buzilgan holda taqdim etilgan bo'lsa;

apellyatsiyada keltirilgan sabablar tasdiqlanmasa qabul qilinadi.

82⁷. Apellyatsiyani qanoatlantirish to'g'risida qaror qabul qilinsa, Qo'mita tomonidan akkreditatsiya attestatini berish yoki akkreditatsiya attestatini tasdiqlash haqida qaror qabul qilinadi.

82⁸. Qo'mita ikki ish kunidan ortiq bo'limgan muddatda qabul qilingan qaror to'g'risidagi xabarnomani apellyatsiya bergen buyurtmachiga yoki akkreditatsiya qilingan ekspert tashkilotiga yozma shaklda yuboradi.

82⁹. Aynan bir masala bo'yicha apellyatsiyani takroran berishga yo'l qo'yilmaydi.

82¹⁰. Apellyatsiya komissiyasining qarori yuzasidan qonunchilik hujjalarda belgilangan tartibda sudga shikoyat qilish mumkin.”.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-хукуқий хужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2025 йил 14 майдаги 26-Б-сон “Давлат ижро чилик институтини ижро йигими ҳисобидан моддий рафбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруфи.

2025 йил 19 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3624.

2. O‘zbekiston Respublikasi Raqamli texnologiyalar vazirligining 2025-yil 13-maydagi 281-mh-son va O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligining 2025-yil 6-maydagi 2-q/q-son “O‘zbekiston Respublikasida davriy bosma nashrlarni tarqatish qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarorga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori.

2025-yil 23-mayda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 1826-2.

3. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2025-yil 19-maydagi 12-mh-son “Davlat organlari va tashkilotlari yuridik xizmat xodimlarini martaba darajalari bo‘yicha attestatsiyadan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug‘i.

2025-yil 23-mayda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2919-3.

4. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2025-yil 19-maydagi 13-mh-son “Davlat organlari va tashkilotlari yuridik xizmat xodimlariga martaba darajalari berish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug‘i.

2025-yil 23-mayda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2920-6.

5. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2025-yil 19-maydagi 11-mh-son “Yuridik xizmat xodimini lavozimga tayinlash va ozod qilish masalalarini adliya organlari bilan kelishish hamda birinchi marta yuridik xizmat xodimi lavozimiga tayinlangan shaxslarning adliya organlarida stajirovkadan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug‘i.

2025-yil 23-mayda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3444-1.

6. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 28-apreldagi 253-son “Budjet tasnifini qo‘llash bo‘yicha yo‘riqnomaga o‘zgartirish va qo‘sishchalar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i.

2025-yil 23-mayda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2146-18.

7. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Sanoat, radiatsiya va yadro xavfisizligi qo‘mitasining 2025-yil 22-apreldag 3-son “Sanoat

xavfsizligi sohasidagi ekspert tashkilotlarini akkreditatsiya qilish va ular faoliyati ustidan inspeksiya nazoratini o'tkazish qoidalariga o'zgartirishlar va qo'shimcha kiritish haqida"gi qarori.

2025-yil 23-mayda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2022-5.